

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
уўқ: 809.1-0
КБК: 81.2-4 (5)
М - 32

Маҳмадражабов Фазлиддин Давлатбой ўғли

**ФОРС, ДАРИЙ, ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ
ТЕРМИНЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**
5A120102 – Лингвистика (форс тили)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
филология фанлари доктори, профессор **А. Қуронбеков**

Тошкент – 2018

Химояга рухсат этилди:

Магистратура бўлими бошлиғи

PhD. Г. С. Муталова

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминлар фонетик тизимининг қиёсий таҳлили	9
1. Унлилар қиёси	12
2. Ундошлар қиёси	20
3. Диғтонглар қиёси	25
I боб бўйича хулосалар	28
II боб. Форс, дарий ва тожик тилларида иқтисодий термин ясаш усулларининг қиёсий таҳлили	30
1. Туб терминлар	30
2. Ясама терминлар	33
2.1. Аффиксация усули орқали ясалган иқтисодий терминлар	34
2.2. Яримаффиксация усули орқали ясалган иқтисодий терминлар	39
2.3. Композиция усули орқали ясалган иқтисодий терминлар	50
2.4. Транспозиция усули орқали ясалган иқтисодий терминлар	59
3. Қиёсланаётган тилларда ўзлашма иқтисодий терминлар	64
II боб бўйича хулосалар	70
III боб. Форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий дублетларнинг лексик-структур таҳлили	72
1. Иқтисодий терминологияда аралаш дублетлар	74
2. Форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий контекстуал дублетлар	82
III боб бўйича хулосалар	92
Хулоса	93
Шартли қисқартмалар	96
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	97

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва долзарбиги.

Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, унинг тараққиёти ва равнақи, буюк давлатга айланиши илм-фан ривожи ва техника такомилига, янги жамият асосларини барпо қилишга сафарбар қилинган Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий баркамоллиги, ақлий салоҳиятининг етуклигига бевосита боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов айтганидек: “Илмга, ижодга, кашф этишга интилиш – бу олийжаноб интилишдир... Чунки мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, борингки, тақдирини ҳам пировард натижада ақл-заковат, маънавият ҳал қиласди”¹. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тараққиёт йўлида ёшларни етакчи куч сифатида баҳолаб шундай таъкидлайди: “Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни з имасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди”².

Биринчи президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганлариdek, “Хозирги пайтда хорижий тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда... Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатлиқда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун хорижий тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир”³.

Бугунги кундаги жадал ривожланиш барча соҳалар каби иқтисод йўналишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Чунончи, давлат ва жамият ҳаётидаги иқтисодий ўсиш суръатлари, давлатлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар, товарлар алмашинуви, банк-кредит

¹ Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 88.

² Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – Б. 13.

³ Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997. – Б. 8–9.

масалаларининг давлатлараро муносабатларининг ривожи ушбу соҳа терминлари таркибининг ҳам кундан-кунга янгиланиб боришига сабаб бўймоқда. Шу мақсадда, иқтисодиёт терминларини тадқиқ қилиш, бу соҳанинг хос тушунча ва атамаларининг ишлатилиш ва қўланилиш ҳолатларини ўрганиш – бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Бу каби ёндашув, аввало, иқтисодиёт соҳаси терминлари тараққиётини ўрганишни мақсад қилса, бошқа томондан, халқаро номланишдаги баъзи иқтисодий терминларнинг маълум тил доирасида ишлатилиш частотасини аниқлашга асос бўлади.

Форс, дарий ва тожик тиллари асли бир тил оиласига мансублиги, аникроғи, бир ўзакка эгалиги, уларнинг қадимги давр қатлами бир хил эканлиги, қолаверса, бу тиллар лексик қатламида ўзлашмаларнинг мавжуд бўлишига қарамасдан, XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, бу тиллардаги иқтисодий терминлар турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва тижорий алоқалар натижасида бир-биридан фарқ қила бошлаган. Бу ҳолат этимологияси бир бўлган мазкур уч тилдаги иқтисодий терминларнинг структур ва лексик-семантиқ жиҳатдан тадқиқ қилиш, уларнинг фонетик фарқини аниқлаш, маълум тушунча учун ҳар учала тилда қўлланилувчи терминнинг ишлатилиш частотасини ўрганиб чиқишни тақозо қиласди.

Тадқиқотнинг обьекти ва предмети. Тадқиқот ишининг обьекти форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминлар бўлиб, тадқиқотнинг предмети мазкур тиллардаги ана шу терминларнинг қиёсий таҳлилидан иборат.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминларнинг морфологик, структур-семантиқ ва функционал жиҳатдан қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- 1) форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминларни жамлаш;
- 2) форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминларни фонетик жиҳатдан ўрганиш ва ўзаро қиёслаш;

- 3) форс, дарий ва тожик тилларидаги иқтисодий терминларни структур-семантик ва лексик жиҳатдан гурухларга тақсимлаш;
- 4) форс, дарий ва тожик тилларидаги сўз ясаш усууларининг маҳсулдорлигини аниқлаш;
- 5) форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминологиясида ўзлашмаларни таҳлил қилиш ва уларнинг ҳар бир тилдаги нисбатини аниқлаш;
- 6) форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларидаги дублетлик ҳолатини аниқлаш ва уларнинг қиёсий таҳлилини ўтказиш;
- 7) форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларидаги дублетларнинг тилда ифодаланиш ҳолатларига ойдинлик киритиш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Форс, дарий, тожик тилларидаги иқтисодий терминларнинг қиёсий таҳлили илк бор тадқиқот иши доирасида ўрганилаётганини ҳисобга олиб, ишнинг илмий янгилиги сифатида қуидагилар белгиланди:

- форс, дарий ва тожик тилларидаги иқтисодий терминларнинг фонетик таркиби қиёсий таҳлил этилди ҳамда фонетик ўзгаришлар белгиланди;
- иқтисодий терминларнинг ясалишида форс, дарий, тожик тилларидаги сўз ясаш усууларининг иштироки ва маҳсулдорлик даражаси қайд қилинди;
- форс, дарий, тожик тилларидаги иқтисодий терминлар таркибида ўзлашма иқтисодий терминлар, уларнинг қайси тиллардан ўзлашгани, ўзаро қиёсий таҳлили ва маҳсулдорлик даражалари аниқланди;
- форс, дарий, тожик тилларидаги иқтисодий терминологиясида дублетлик масаласи ёритиб берилди;
- форс, дарий, тожик тилларидаги иқтисодий дублетларнинг ишлатилиш частотаси далилланди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Форс, дарий ва тожик тилларидаги иқтисодий терминларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, умумий ва хусусий ҳолатларини аниқлашга қаратилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Ҳозирги кунга қадар тилшунослик соҳасида терминология, хусусан, иқтисодий терминлар тадқиқига доир ишлар амалга оширилган бўлиб, терминларнинг шаклланиш жараёни, хусусиятлари ва босқичлари, уларнинг структур ва лексик-семантик жиҳатдан таснифи ва тавсифи каби масалаларга бағишлиланган қатор ишлар мавжуд. Буларга Е.В. Кинчина⁴, А.Н. Зарипова⁵, Ю.М. Барисова⁶, Ю.В. Акинин⁷, Я. Арсениевич⁸, А. Акбарипур⁹, З.А. Валиева¹⁰, М.Ш. Содеги¹¹, С. Х. Нурматова¹², Г.Г. Наджафов¹³, О.М. Сотова¹⁴, А. Қуронбеков¹⁵, М.Б. Султонов¹⁶, Ч.С. Абдуллаева¹⁷, Т.К. Жўраев¹⁸, Ҳ.В. Мирзахмедованинг¹⁹ ишларини кўрсатиш мумкин.

Дунё терминологиясининг шаклланиш омиллари ва ривожланиш босқичлари, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти, лугатчилик масалаларига доир тадқиқотлардаги ривожланишлар бевосита олимлар номи билан боғлиқ ҳисобланади.

⁴ Кинчина Е. В. Когнитивные аспекты экономических терминов: Дисс... канд. филол. наук. – К., 1999.

⁵ Зарипова А. Н. Экономическая терминология в немецком, русском и татарском языках: Дисс... канд. филол. наук. – К., 2004.

⁶ Барисова Ю. М. Перевод социально-экономической терминологической лексики якутского языка: терминографический аспект: Дисс... канд. филол. наук. – Я., 2013.

⁷ Акинин Ю. В. Детерминологизация английской экономической терминологии: Дисс... канд. филол. наук. – С., 2010.

⁸ Арсениевич Я. Современная экономическая терминология в СМИ: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2013.

⁹ Алиреза А. Терминологическое строительство в Иране: Дисс... канд. филол. наук. – М., 2006.

¹⁰ Валиева З. А. Сопоставительный анализ финансово-банковских терминов в таджикском и английском языках: Дисс... конд. филол. наук. – Д., 2009.

¹¹ Содеги М.Ш. Структурно-семантический анализ банковских терминов в персидском языке (с ориентацией на эквивалентные термины в английском языке: Дисс... конд. филол. наук. – Д., 2014.

¹² Нурматова С. Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков: Дисс... конд. филол. наук. – Т., 2000

¹³ Наджафов Г. Г. Проблемы терминологии современного персидского языка: Дисс... конд. филол. наук. – М., 1976.

¹⁴ Сотова О. М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс... конд. филол. наук. – М., 2008.

¹⁵ Қуронбеков А. Проблемы формирования научно-научно-технической терминологии в современном персидском языке. (Вопросы филологии.) – М., 2003. № 2 (14). –С. 16-18.

¹⁶ Султонов М. Б. Становление и развитие персидско-таджикской научной терминологии: на материале научного наследия IX-XI вв. – Д., 2009.

¹⁷ Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии: Дисс... канд. филол. наук. – Т., 2000.

¹⁸ Джураев Т. К. Отраслевая техническая терминология современного таджикского языка (в сопоставлении с русским, персидским и дари: Дисс... док. филол. наук. – Д., 2010.

¹⁹ Мирзахмедова Ҳ. В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усууллари: Филол. фан. фалс. док.(PhD)... дисс. –Т., 2017.

Терминология, шунингдек, терминологик ҳолат ҳақида назарий билимларни эгаллашда А. Ҳожиевнинг “Термин ясаш мезонлари”²⁰, А. Қуронбековнинг “Форс тили лексикологияси”²¹, А. А. Воҳидовнинг “Форс тилида сўз ясалиши”²² ўқув қўлланмалари, Л. С. Пейсиковнинг “Лексикология современного персидского языка”²³, “Вопросы синтаксиса персидского языка”²⁴, Ю. А. Рубинчикнинг “Грамматика современного персидского литературного языка”²⁵ китобларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотимизни ёритишида Х.Г. Кор Оглы томонидан тузилган “Персидско-русский и русско-персидский общеэкономический и внешнеторговый словарь”²⁶, М.А. Yowsiuнинг “Qâmus-e eqtesâd (englêsi-dari)”²⁷, С.Х. Ҳабибов, Ҳ.Н. Факеров, М.Ч. Ҷамшедовларнинг “Луғати истилоҳоти иқтисодӣ (русӣ-тоҷикӣ)”²⁸ каби икки тилли луғатларини асосий манбалар сифатида кўрсатишимиз мумкин.

Шу билан бирга, Эрон тил ва адабиёти академиясининг нашрлари²⁹ ва Эронда тузилган иқтисод, хусусан, банк терминологиясига оид луғатлар³⁰

²⁰ Ҳожиев А. Термин ясаш мезонлари. – Т., 1996.

²¹ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009.

²² Vohidov A.A. Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010.

²³ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М., 1975.

²⁴ Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – М., 1959. 413 с.

²⁵ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001.

²⁶ Кор Оглы Х.Г. Персидско-русский и русско-персидский общеэкономический и внешнеторговый словарь. – М., 1957.

²⁷ Yowsiy M.Â. “Qâmus-e eqtesâd (englêsi-dari). – К., 2010. 814 s.

²⁸ Ҳабибов С.Х., Факеров Ҳ.Н., Ҷамшедовлар М.Ч. Луғати истилоҳоти иқтисодӣ (русӣ-тоҷикӣ). – Д., 2010. 326 с.

²⁹ Академия томонидан янги таклиф қилинган терминлар китобча шаклида нашр этилган бўлиб, ишда унинг электрон шаклидан (<http://www.persianacademy.ir/fa/naame.aspx>) ва (<http://www.persianacademy.ir/fa/s310487.aspx>) сайтларидан фойдаланилди.

³⁰ راسترو، محمد، ۱۹۹۷، فرهنگ صادرات و واردات (فارسی- انگلیسی)، نشر هزار پیشه، چاپ دوم؛ ساغروانیان، جلیل، ۱۹۹۰، فرهنگ اصطلاحات زبانشناسی: موضوعی- توصیفی، مشهدنا؛ صادقی یارندی- سیف الله، طارم سری- مسعود، ۲۰۰۶، فرهنگ توصیفی اصطلاحات تجارت بین الملل و سازمان جهانی تجارت "WTO" چاپ و نشر بازрگانی، چاپ اول؛

گلریز، حسن، ۲۰۱۱، فرهنگ توصیفی اصطلاحات پول بانکداری و مالیه‌ی بین المللی (انگلیسی-فارسی)، فرهنگ معاصر، چاپ چهارم؛ گلریز، حسن، ۱۹۹۱، واژه‌های اصطلاحات مهم در تجارت بین المللی به ۶ زبان، فرهنگ معاصر، چاپ سوم؛ معنوی، غلامحسین، ۱۹۷۱، فرهنگ اصطلاحات بانکی، انتشارات مؤسسه‌ی علوم بانکی.

ҳамда тожик тилининг иқтисодий соҳага бағишланган термин луғатлари³¹ ҳам илмий тадқиқот ишимизнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қиласди.

Юқорида кўриб чиқилган терминологияга бағишланган ишлар муайян тилларнинг муайян соҳа терминологиясига оид бўлиб, бу тадқиқотар нафақат тиллардаги соҳа терминологияси, балки биз танлаб олган учта тилларнинг ривожи ва тараққиёти учун хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг методи сифатида, таснифий, таҳлилий, қиёсий-чоғиштирма методлари танланди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг назарий аҳамияти шундаки, унда кўтарилилган мавзу ҳар учала тилнинг лексикологиясидаги фарқни аниқлашга ва илмий-назарий хулосалар чиқаришга, қолаверса, мазкур тиллардаги иқтисодий фаолиятда бу терминлардан фойдаланишда асосий манба бўлиб хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда таҳлил қилинган материаллар, қўлланган метод, чиқарилган хулосалардан лексикология, сўз ясалиши, қиёсий грамматика дарсларида фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, тадқиқот натижалари форс, дарий тиллари бўйича курс ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини ёзишда асқотади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 105 бетдан иборат.

³¹ Словарь международной банковской терминологии / М. Оймаҳмадов, Ш. Раҳимов, Г. Раҳматова. – Душанбе, 1999. (на тадж. яз.); Словарь банковской терминологии (персидско-таджикско-английский) / Муҳаммад Содики. – Д.: Эр-граф, 2013. – 181 с. (на тадж. яз.).

І БОБ. ФОРС, ДАРИЙ ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИНЛАР ФОНЕТИК ТИЗИМИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАХЛИЛИ

Классик форс тилининг ворислари ҳисобланадиган ҳозирги замон форс, дарий ва тожик тиллари ҳинд-европа тиллари оиласининг жануби-ғарбий гуруҳ эроний тилларига киради. Мазкур тилларнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиётининг муҳим босқичлари бир-бирларига батамом мос келади, уларнинг энг асосий ёзма манбалари эса умумийдир.

Лекин ҳозирги даврда форс, дарий ва тожик адабий тиллари ўзаро тамоман фарқланади. Тафовутлар тилнинг барча сатҳларини – фонетика, морфология, синтаксис, лексика ва семантиканы қамраб олган.

Классик форс тили ҳамда ҳозирги давр форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизими шарқшунос олимлар А. Қуронбеков³² ҳамда Х. З. Алимова³³ томонидан қиёсий тахлил асосида тадқиқ этилган бўлиб, ўрта давр форс тилидан янги даврга ва янги форс тили давридан ҳозирги замонга ўтиш жараёнида ҳозирги форс, дарий ва тожик тилларининг фонетик тизими ҳамда грамматик қурилишида баъзи ички ва ташки ўзгаришлар содир бўлганлиги қайд этилган. Бу борада Афғонистондаги дарий тили ўзининг архаиклиги билан ажралиб туради. Ўтмишдаги давр тилларига хос бир қатор хусусиятлар дарий тилида сақланиб қолган³⁴.

Форс, дарий ва тожик тиллари тил қурилиши ва генетик жиҳатдан қариндош ҳисобланса-да, бугунги кунда уларнинг ҳар бири мустақил адабий тил саналади. Бу уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни билан белгиланади.

³² Қуронбеков А. Классик форс тили ҳамда ҳозирги давр форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий тахлили//Шарқ классик филологияси. – Т.: ТошДШИ, 2009. – Б. 11-20.

³³ Алимова Х. З. Форс, дарий ва тожик тилларининг шаклланиш босқичлари: умумийлик ва фарқлар (фонетик тахлил) //Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 2008. – № 1-2. – Б. 20-27.

³⁴ 1965 йилда Афғонистондаги «форси-йе кобулий»ни расман «дарий тили» деб эълон қилинишига шу сабаблар асос бўлган. Ҳозирги Афғонистон шароитида қадимий атаманинг тикланиши классик тилдан то ҳозирги замон дарий тилигача бўлган даврда адабий анъаналарнинг узлуксизлигини таъкидлашдан иборат эди.

Қуида классик тил ва ҳозирги замон форс, дарий, тожик тилларидаги унлиларнинг ўзаро нисбатини келтирамиз.

Классик форс тилининг фонетик тизими ҳозирги замон форс тилининг фонетик тизимидан фарқли бўлган. Классик форс тилида 8 та унли ва 24 та ундош фонема мавжуд бўлган³⁵. Унли фонемалар классик форс тилида чўзиқ ва қисқалигига кўра тақсимланади. Қисқа унлилар: a, i, u; Чўзиқ унлилар: ā, ī, ū, ē, ð.

Ҳозирги замон форс тилида классик форс тилидаги унлиларнинг аксарияти (қисқа унлиларнинг барчаси ва 2 та чўзиқ унли) сифат ўзгаришларига учраган:

Классик форс тили	i	ī	ē	a	ā	u	ū	ō
		\\	/				\\	/
Ҳозирги форс тили	e	i	a	ā	o	u		

Классик форс тилидаги 8 унлининг ҳозирги замон тожик тилида 6 тага қисқариши, схемада кўрсатилганидек, фақат чўзиқлигига кўра фарқланувчи сифат жиҳатидан бир хил унлиларнинг қўшилуви натижасида юз берган:

Классик форс тили	i	ī	ē	a	ā	u	ū	ō
	\\					\\	/	
Тожик тили	i	ē	a	ō	u	ū		ü

Ҳозирги кунда дарий тилида 8 та унли фонема мавжуд³⁶. Классик форс тилидаги унлилар ушбу тилда сон жиҳатдан ўзгаришларга учрамаган бўлиб, фақат сифат жиҳатдан бироз фарқланади:

³⁵ Abulyāsemiy M. Dastur-e tārixi-ye zābān-e fārsi. – T., 1385. – S. 19.

³⁶ Neghat Saidi M. N. Dastur zabān-e mo’âser-e dari. – K., 1969. – S. 10.

Классик форс тили	i	ī	ē	a	ā	u	ū	ō
Дарий тили	e	i	ê	a	â	ô	u	o

Фонетик таҳлилда форс ва дарий тиллари учун белгиланган халқаро транскрипциядан³⁷, тоҷик тили учун қуидаги транкрипциядан фойдаланилди³⁸:

a – a	и, ī – i	c – s	я – ya
б – b	й – y	t – t	f – γ
v – v	к – k	y – u	қ – q
g – g	л – l	φ – f	ӯ – ü
d – d	m – m	x – x	ҳ – h
e – ê, yê	n – n	ч – č	ҷ – j
ë – yô	o – ô	ш – š	
ж – ž	p – r	э – ê	
з – z	r – r	ю – uy	

Тожик тилида чўзиқ ў ҳарфи (и-и заданок) фақат сўз охиридаги урғули и ни ифодалаш учун ёзилади.

Форс ва дарий тилларида изофа урғусиз e товуши орқали ифодаланади. Қисқа унлилар билан тугаган сўзлардан сўнг изофа ue деб талаффуз қилинади. Чўзиқ унлилар билан тугаган сўзлардан сўнг изофа ү yā ҳарфи орқали ёзилади ва ue тарзида талаффуз қилинади. Лекин, тожик тилида барча ҳолатларда изофа i орқали талаффуз қилинади ва ёзилади: бозори арз *bôzôr-i arz* “валюта бозори”; биржай коғазҳои қиматнок *birža-i kôyazhô-i qimatnôk*

³⁷ Бу ҳақида қаранг: Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. -М., 2001; Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. – М.: Рус.яз., 1986.

³⁸ Бу ҳақида қаранг: Основы иранского языкоznания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. – М.:Наука, 1982. – С. 97-98.

“қимматли қоғозлар биржаси”; фоидай иқтисодӣ *fōida-i iqtisōdi* “иқтисодий фойда”.

Тадқиқотимизнинг қолган бўлимларида тожик тили учун ҳозирги замон тожик тили ёзув тизимидан фойдаланилди.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, дарий тили луғатларида берилган транкрипцияларда сўзларнинг ўқилиши бир-биридан фарқланиб қолувчи ҳолатлар ҳам мавжуд. Масалан, ارزش “қиймат” терминининг транскрипцияси Л. Н. Киселева ва В. И. Миколайчиклар томонидан тузилган “Дари-русский словарь”да *arzeš* тарзида берилган бўлса, К. А. Лебедев, Л. С. Яцевич ва М. А. Конаровскийлар томонидан тузилган “Русско-пушту-дари словарь”³⁹да *arziš* тарзида берилган. Шунингдек، اقتصاد “иқтисод” термини *eqtesâd* ва *iqtisâd* тарзида, حساب “ҳисоб” термини *hesâb* ва *hisâb* тарзида, واردات “импорт” термини *wâredât* ва *wâridât* тарзида ва ш. ў. Тадқиқотимиз учун Л. Н. Киселева ва В. И. Миколайчиклар томонидан тузилган “Дари-русский словарь”ида фойдаланилган транскрипция танланди.

1. Унлилар қиёси

Ҳозирги замон форс тилида 6 та унли фонема – монофтонг ва 2 та дифтонг (кейинчалик ау, ав дан қайта ҳосил бўлган еі, ou) бор⁴⁰. Форс тилида унлилар чўзиқ-қисқалигига кўра фарқланади. Қисқа унлилар: а, е, о; Чўзиқ унлилар: ӓ, ӓ, Ӯ.

Дарий тили вокализмлар системаси етарли даражада тадқиқ этилмаган. Бироқ барча афғоншунос олимлар дарий тилида 8 та унли фонема борлигини қайд этадилар⁴¹: қисқа унлилар: а, о, е; чўзиқ унлилар: ӓ, Ӯ, ӻ, Ӯ.

Дарий тили фонетик тизимида форс тили фонетик тизимидан фарқли равишда бешта чўзиқ унли (форс тилидаги чўзиқ унлилар + чўзиқ Ӯ ва Ӯ

³⁹ Лебедев К. А., Яцевич Л. С., Конаровский М. А. Русско-пушту-дари словарь. – М.: Рус.яз., 1983.

⁴⁰ Курунбеков А. Форс тилидаги фонетик ўзгаришлар сабаби//Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 2011. – № 1. – Б. 3-9.

⁴¹ Алимова Х. З. Форс, дарий ва тожик тилларининг шаклланиш босқичлари: умумийлик ва фарқлар (фонетик таҳлил) //Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 2008. – № 1-2. – Б. 20-27.

унлилари) мавжудлигини кўришимиз мумкин. Чўзиқ ё ва ё унлилари чўзиқ і ва и ифодаланган ҳарфлар билан ёзилади. Дарий тили грамматикасига мувофиқ, ё – *يَا مَجْهُول* *yā-ye majhul* “номаълум йой” ва ё – *وَأَنْجَوْل* *vāv-e majhul* “номаълум вов” деб аталади. і эса *يَا مَعْرُوف* *yāy-e ma'ruf* “маълум йой ва и *وَأَنْجَوْل* *vāv-e ma'ruf* “маълум вов” дейилади.

Дарий тилида унлилар системаси қадимий ва ўрта форс тили вокализмларининг тараққиётидаги ўтиш даври жиҳатларини ўзида акс эттиради:

- 1) унлилар миқдори классик форс-тожик тилидаги унлиларга teng: 8 та унли фонема мавжуд;
- 2) ўрта форс ва классик форс-тожик тилларида мажхул ё ва ё чўзиқ унлилари дарий тилида сақланиб қолган;
- 3) унлилар ўрта форс ва классик форс-тожик тилларига хос чўзиқ-қисқалик жиҳатидан фарқланади. Албатта, бу ўринда классик тилда чўзиқлигига кўра фарқланувчи уч жуфт унлиниг муҳим сифат ўзгаришларини қайд этмоқ зарур. Қолаверса, ҳозирги замон дарий тилида ҳар бир унли товуш ўзига хос хусусиятга эга ва чўзиқ-қисқалик белгиси маълум даражада фонологик аҳамиятини йўқотган⁴².

Тожик тили ёзув тизими кирил алифбосига асосланган бўлиб, 35 та ҳарф ва 30 та товушдан иборат. Тожик тили алифбосида унлилар 6 тани ташкил қиласди: a, i, u, ё, e, ў.

Унлилар форс ва дарий тилларида чўзиқ-қисқалигига кўра фарқланса, ҳозирги замон тожик тилида миқдор жиҳатдан турғун-нотурғунлигига кўра тақсимланади. Тожик тилида турғун унлилар – ё, e, ў ва нотурғун унлилар – a, i, u⁴³.

Форс тилида сўз охиридаги қисқа е унлиси های هوز (*hā-ye havvaz*) орқали ифодаланади ва бу ҳарф های غیر مفروظ *hā-ye yeyr-e malfuz* дейилади.

⁴² Основы иранского языкоznания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. – М.:Наука, 1982. – С. 26-27.

⁴³ Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф, 1989. – С. 66-67.

Дарий тилида сўз охиридаги **غير ملفوظ** *hā-ye yeyr-e malfuz* қисқа а орқали талаффуз қилинади; тожик тилида ҳам а орқали талаффуз қилинади ва ёзилади.

Киёсланаётган тилларда иқтисодий терминларнинг ўзлашиши турли тиллардан эканлиги, тилнинг ички имкониятлари асосида ясалган терминлар тафовути ва ўз навбатида юқорида келтирилган унлилар тизими ўртасидаги фарқлар мавжуд иқтисодий терминологик лексикада акс этади.

Материалларимиз таҳлили форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларида унлиларнинг қуйидагича ўзгаришини кўрсатади:

Сўз бошида форс ва дарий тилларидаги қисқа *e* унлиси тожик тилида *i* унлиси орқали талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
اجاره <i>ejāre</i>	اجاره <i>ejâra</i>	ичора <i>ijōra</i>	“ижара”
اسکناس <i>eskenās</i>	اسکناس <i>eskenâs</i>	искинос <i>iskinôs</i>	“ассигнация”
اقتصاد <i>eytesād</i>	اقتصاد <i>eqtesâd</i>	иқтисод <i>iqtisôd</i>	“иқтисод”

Сўз ўртасида форс тилидаги қисқа *e* унлиси дарий тилида қисқа *e* (баъзида қисқа *o*) ва тожик тилида *i* унлиси орқали талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
ارزش <i>arzeš</i>	ارزش <i>arzeš</i>	арзиш <i>arziš</i>	“қиймат”
اسکناس <i>eskenās</i>	اسکناس <i>eskenâs</i>	искинос <i>iskinôs</i>	“ассигнация”

экономика <i>eytesâd</i>	экономика <i>eqtesâd</i>	иқтисод <i>iqtisôd</i>	“иқтисод”
حساب <i>hesâb</i>	حساب <i>hesâb</i>	хисоб <i>hisôb</i>	“хисоб”
تجارت <i>tejârat</i>	تجارت <i>tejârat</i> (баъзан <i>tojârat</i>)	тичорат <i>tijôrat</i>	“тижорат”
واردات <i>vâredât</i>	واردات <i>wâredât</i>	воридот <i>vôridôt</i>	“импорт”
صادرات <i>sâderât</i>	صادرات <i>sâderât</i>	содирот <i>sôdirôt</i>	“экспорт”
مفاس <i>mofles</i>	مفاس <i>mofles</i>	муфлис <i>muflis</i>	“банкрот”

Форс тилида биринчи очиқ бўғиндаги қисқа *e* унлиси дарий тилида қисқа *e* (баъзан қисқа *o*) ва тожик тилида *u* унлиси билан талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
سپرده <i>seporde</i>	سپرده <i>seporda</i> (баъзан <i>soporda</i>)	супурда	“депозит”

Сўз ўртасида форс ва дарий тилларидағи қисқа *o* унлиси тожик тилида *u* унлиси орқали талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
امانت گزار <i>amânatgozâr</i>	امانت گزار <i>amânatgozâr</i>	амонатгузор <i>amônatguzôr</i>	“депозитор”

مبادله <i>mobādele</i>	مبادله <i>mobâdela</i>	мубодила <i>mubôdila</i>	“айирбошлаш”
سپرده <i>seporde</i>	سپرده <i>seporda</i> (баъзан <i>soporda</i>)	супурда <i>supurda</i>	“депозит”
واردкуннде <i>vâredkonande</i>	واردкуннде <i>wâredkonanda</i>	воридкунанда <i>vôridkunanda</i>	“импортёр”
صادرкуннде <i>sâderkonande</i>	صادرکوننده <i>sâderkonanda</i>	содиркунанда <i>sôdirkunanda</i>	“экспортёр”
گمرک <i>gomrok</i>	گمرک <i>gomrok</i>	гумрук <i>gumruk</i>	“божхона”
مفلس <i>mofles</i>	مفلس <i>mofles</i>	муфлис <i>muflis</i>	“бонкрот”
دستمزد <i>dastmozd</i>	دستمزد <i>dastmozd</i>	дастмузд <i>dastmuzd</i>	“иш ҳаққи”
فروش <i>foruš</i>	فروش <i>foroš</i>	фурӯш <i>furuš</i>	“сотув”

Форс тилида сўз охиридаги қисқа *e* унлиси дарий тилида, қоидага мувофиқ, *a* тарзида талаффуз қилинади; тожик тилида ҳам *a* унлиси орқали талаффуз қилинади ва *a*, чўзиқ унлилардан сўнг *ya* ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
بیمه <i>bime</i>	بیمه <i>bima</i>	бима <i>bima</i>	“сұғурта”
سپرده <i>seporde</i>	سپرده <i>seporda</i> (баъзан <i>soporda</i>)	супурда <i>supurda</i>	“депозит”

حواله <i>havāle</i>	حواله <i>hawâla</i>	ҳавола <i>havôla</i>	“ўтказма”
ршоҳ <i>rešve</i>	ршоҳ <i>rešwa</i>	ришва <i>rišva</i>	“пора”
срмайе <i>sarmâye</i>	срмайе <i>sarmâya</i>	сармоя <i>sarmôya</i>	“сармоя”
عرضه <i>arze</i>	عرضه <i>arza</i>	арза <i>arza</i>	“таклиф”
малие <i>mâliye</i>	малие <i>mâliya</i>	молия <i>môliya</i>	“молия”
مبادله <i>mobâdele</i>	مبادله <i>mobâdela</i>	мубодила <i>mubôdila</i>	“айирбошлаш”
نماینده <i>namâyande</i>	نماینده <i>namâyanda</i>	намоянда <i>namôyanda</i>	“вакил, агент”
واردکننде <i>vâredkonande</i>	واردکننде <i>wâredkonanda</i>	воридкунанда <i>vôridkunanda</i>	“импортёр”
وئىقە <i>vasiye</i>	وئىقە <i>wasiqa</i>	васиқа <i>vasiqa</i>	“гаров”
ویزە <i>vize</i>	ویزە <i>wiza</i>	виза <i>viza</i>	“виза”

Сўз ўртасида форс тилидаги чўзиқ *i* унлиси дарий тилида чўзиқ *ê* унлиси (پاى مجھول) орқали талаффуз қилинади; тожик тилида эса *ê* унлиси орқали талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
پېشپرداخت <i>pišpardâxt</i>	پېشپرداخت <i>pêšpardâxt</i>	пешпардоҳт <i>pêšpardôxt</i>	“аванс”

پىشбها <i>pišbahā</i>	پىشбها <i>pêšbahâ</i>	пешбахо <i>pêšbahô</i>	“аванс”
پىشكى <i>pišaki</i>	پىشكى <i>pêšaki</i>	пешакй <i>pêšaki</i>	“аванс”

Форс тилида чўзиқ *ā*, *u*, сўз боши ва ўртасидаги қисқа *a* унлилари дарий ва тожик тилларида ҳеч қандай ўзгаришсиз талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
ارزان <i>arzān</i>	ارزان <i>arzân</i>	арzon <i>arzôn</i>	“арzon”
بها <i>bahā</i>	بها <i>bahâ</i>	бахо <i>bahô</i>	“бахо”
امانت <i>amānat</i>	امانت <i>amânat</i>	амонат <i>amônat</i>	“омонат”
بحران <i>bohrān</i>	بحران <i>bohrân</i>	бўхрон <i>bührôn</i>	“кризис”
سهم <i>sahm</i>	سهم <i>sahm</i>	саҳм <i>sahm</i>	“акция”
تقاضا <i>tayāzā</i>	تقاضا <i>taqâzâ</i>	такозо <i>taqôzô</i>	“талаб”
قرارداد <i>yarārdād</i>	قرارداد <i>qarârdâd</i>	қарордод <i>qarôrdôd</i>	“шартнома”
كمبود <i>kambud</i>	كمبود <i>kambud</i>	камбуд <i>kambud</i>	“дефицит”
وام <i>vām</i>	وام <i>wâm</i>	вом <i>vôm</i>	“карз”
روادید <i>ravādid</i>	روادید <i>rawâdid</i>	раводид <i>ravôdid</i>	“виза”

قاچاق <i>yāčāy</i>	قاچاق <i>qâčâq</i>	қочоқ <i>qôčôq</i>	“контрабанда”
برات <i>barāt</i>	برات <i>barât</i>	барот <i>barôt</i>	“вексел”

Шундай бўлсада, баъзи ҳолатларда форс тилидаги чўзиқ *и* унлиси дарий тилида чўзиқ *ō* унлиси (وَ مَجْهُل) орқали талаффуз қилинади; тожик тилида эса *ü* унлиси орқали талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
فروش <i>foruš</i>	فروش <i>forôš</i>	фурӯш <i>furuš</i>	“сотув”

Луғатда خوار *xār* II. 2. кўшма сўзнинг иккинчи таркибий қисми сифатида, “евочи, ичувчи” маънолари қайд қилинган: شراب خوار *šarâbkhâr* “шаробхўр, шароб ичувчи”⁴⁴. Луғатда, шунингдек, خوردن *xordan* “емоқ, ичмоқ” феълининг ҲЗН خور *xor* II.2. ҳам айнан шу маънода келтирилган: شراب خور *šarâbkhâr* “шаробхўр, шароб ичувчи”⁴⁵. Бу ҳолат классик форс тили элементи сифатида қаралади⁴⁶.

Форс ва дарий тилларида мазкур ясовчи орқали ясалмаларда иккала вариант ҳам қайд қилинди:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
رشوه خوار <i>rešvexâr</i>	رشوه خور <i>rešwaxôr</i>	ришваҳӯр <i>rišvaxûr</i>	<i>poraxûr</i>
رشوت خوار <i>rešvatxâr</i>	رشوت خور <i>rešwatxôr</i>	ришватхӯр <i>rišvatxûr</i>	<i>poraxûr</i>

⁴⁴ Рубинчик Ю. А. Персидско-русский словарь. – М.: Рус.яз., 1985. – Том I, – С. 573.

⁴⁵ Кўрсатилган манба. – С. 579.

⁴⁶ Основы иранского языкознания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. – М.:Наука, 1982. – С. 78.

رباخوار <i>rebāxār</i>	رباخوار <i>rebâx(w)âr</i>	судхұр <i>sudxûr</i>	<i>сұдхұр</i>
رشوه خوارى <i>rešvexāri</i>	رشوه خورى <i>rešwaxôri</i>	ришвахұрй <i>rišvaxûri</i>	<i>порахұрлик</i> , коррупция
رشوت خوارى <i>rešvatxāri</i>	رشوت خورى <i>rešwatxôri</i>	ришватхұрй <i>rišvatxûri</i>	<i>порахұрлик</i> , коррупция
رباخوارى <i>rebāxāri</i>	رباخوارى <i>rebâx(w)âri</i>	судхұрй <i>sudxûri</i>	<i>сұдхұрлик</i>

2. Ундошлар қиёси

50-60-йилларга қадар форс тилида ундош товушлар махсус тадқиқ этилмаган. Эроншунос олимлар Ш.Г.Гаприндашвили ва Ж.Ш.Гиунашвили ўз тадқиқотларида нафакат ундош товушларнинг тавсифида, балки уларнинг миқдорида ҳам ягона фикр йўқ эканлигини таъкидлайдилар⁴⁷. Чунки айрим тадқиқотчилар форс тилида ундошлар 22 та, деб кўрсатсалар, баъзилари 23 та, бошқалари эса 24 та, деб ҳисоблайдилар⁴⁸. Бунинг асосий сабаби, биринчидан, форс тилига арабий сўзлар билан кириб келган *айн* ва ҳамзанинг талаффузи ҳамда форс тилида уларга мос фонема бор-йўқлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, *ғайн* ва *қоф* ҳарфлари орқали бериладиган фонеманинг бир хил ёки ҳар хил талаффуз қилинишига кўрадир.

Ағоншунос олима Л.Н.Киселева «Язык дари Афганистана» монографиясида⁴⁹ дарий тилида 25 та ундош фонема бор, деб кўрсатади (таблицада *ҳо-йе ҳўтти* ва *ҳо-йе ҳавваз* фарқланади).

Тожик тилида 24 ундош фонема бор⁵⁰: ўзбек алифбосидаги ундошлар+ж (русча *журнал*); ўзбек тилидан фарқли тожик тилида *жандарм*, *жой* сўзларидаги ж фарқланади.

⁴⁷ Гаприндашвили Ш.Г., Гиунашвили Ж.Ш. Фонетика персидского языка. – Т., 1964. – С. 53-162.

⁴⁸ Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. – Т.: ТашГИВ, 1994. – С. 9-10.

⁴⁹ Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 25.

⁵⁰ Хаскашев Т. Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Д.: Маориф, 1989. – С. 74.

Тадқиқотлар ҳозирги замон форс, дарий, тожик тилларидаги ундош фонемаларнинг тақрибан бир хиллигини кўрсатади. Баъзи тафовутлар қуидагиларда кузатилади:

- 1) жарангли, сирғалувчи *v* ундош товуши форс ва тожик тилларида лабтиш (*v*), дарий тилида лаб-лаб (*w*) товуш саналади;
- 2) *k*, *g* ундошлари тожик ва дарий тилларида тил орқа товуш, форс тилида тил орқа унлилари (*y*, *ÿ*, *o*)дан олдин тил орқа (*kām* «танглай», *kur* «кўр», *guš* «қулоқ», *gāv* «сигир»), тил олди унлилари (*i*, *э*, *a*)дан олдин ёки сўз охирида тил ўрта (*kam* «кам», *kine* «адоват», *garm* «иссиқ», *barg* «барг», *nuk* «тумшук») товуш каби талаффуз этилади;
- 3) араб ҳамда турк тилидан ўзлашган сўзлардаги қ товуши тожик ва дарий тилларида *q*, форс тилида *γ* тарзида талаффуз қилинади. Шунингдек, тожик тилида рус тилидан ўзлашган ц (шевада *s*) аффрикат товуши бор;
- 4) дарий тилида классик ҳамда ўрта форс тили давридан сакланиб қолган *xw* фонемаси учрайди: *x(w)āndan* «ўқимоқ», *x(w)âb* «уйқу», *x(w)eš* «қариндош», *x(w)oršayd* «қуёш» каби (бундай талаффуз Кобул лаҳжасига хос, адабий тилда мазкур фонема *x* тарзида айтилади).

Қиёсланаётган тиллардаги ундош фонемаларнинг ўзаро нисбатини қуидагича кўрсатишмиз мумкин⁵¹:

Ҳоз. форс тили	Дарий тили	Тожик тили
p	p	p
b	b	b
t	t	t
d	d	d
k / g тил орқа унлилари (<i>y</i> , <i>ÿ</i> , <i>o</i>)дан олдин тил орқа (<i>kām</i>)	k	k

⁵¹ Жадвални тузища Мухсин Абулкосемийнинг “Dastur-e tārīxi-ye zābān-e fārsi” (Техрон, 1385) ва Парвиз Нотел Хонларийнинг “Dastur-e tārīxi-ye zābān-e fārsi” (Техрон, 1373) асарларига мурожаат қилинди.

kur, guš , gāv),		
тил олди унлилари (и, э, а)дан олдин ёки сўз охирида тил ўрта (kam, kine, garm, barg, nuk	g	g
γ	γ	γ
γ	q	q
č	č	č
ж	ж	j
f	f	f
s	s	s
š	š	š
x	x	x
h	h/ ĥ (баъзи араб сўзларида (ад.): ĥekmat, haq, Mohammad)	h
z	z	z
ž	ž	ž
m	m	m
v	w	v
r	r	r
l	l	l
y	y	y
x	xw x(w)āndan, x(w)âb, x(w)eš, x(w)oršayd	x (баъзи шеваларда - xv)

Күринадики, форс тилида қ (коф) ва ғ (ғайн) ҳарфлари битта товуш - γ тарзида талаффуз қилинади. Аммо, дарий тилида қ (коф) ва ғ (ғайн) ҳарфлари ва тожик тилида қ ва ғ ҳарфлари қандай талаффуз қилинса шундай ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
اقتصاد <i>eytesād</i>	اقتصاد <i>eqtesâd</i>	иқтисод <i>iqtisôd</i>	“иқтисод”
تقاضا <i>tayāzā</i>	تقاضا <i>taqâzâ</i>	тақозо <i>taqôzô</i>	“талаb”
قرارداد <i>yarārdād</i>	قرارداد <i>qarârdâd</i>	қарордод <i>qarôrdôd</i>	“шартнома”
قاچاق <i>yāčāy</i>	قاچاق <i>qâčâq</i>	қочоқ <i>qôčôq</i>	“контрабанда” “”
وثيقه <i>vasiye</i>	وثيقه <i>wasiqa</i>	васиқа <i>vasiqa</i>	“гаров”
قرض <i>yarz</i>	قرض <i>qarz</i>	қарз <i>qarz</i>	“қарз”
فيّمت <i>yeymat</i>	فيّمت <i>qimat</i>	қимат <i>qimat</i>	“қиймат”
غير خالص <i>yeyr-e xâles</i>	غير خالص <i>yayrexâles</i>	ғайри холис <i>yayr-i xôlis</i>	“брутто”
غير اقتصادي <i>yeyr-e eytesâdi</i>	غير اقتصادي <i>yayreeqtesâdi</i>	ғайри иқтисоди <i>yayr-i iqtisôdi</i>	“фойдасиз”
مبلغ <i>mablay</i>	مبلغ <i>mablay</i>	маблағ <i>mablay</i>	“маблағ”

Форс тилидаги *v* ундош товуши дарий тилида *w* тарзida талаффуз қилинади; тожик тилида *v* тарзida талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
وٰثيقه <i>vasiye</i>	وٰثيقه <i>wasiqa</i>	vasiqa <i>wasiqa</i>	“гаров”
وام <i>vām</i>	وام <i>wām</i>	vom <i>vōm</i>	“қарз”
حواله <i>havâle</i>	حواله <i>hawâla</i>	ҳавола <i>havôla</i>	“үтказма”
رسوه <i>rešve</i>	رسوه <i>rešwa</i>	ришва <i>rišva</i>	“пора”
واردات <i>vāredât</i>	واردات <i>wâredât</i>	воридот <i>vôridôt</i>	“импорт”
روادید <i>ravādid</i>	روادید <i>rawâdid</i>	раводид <i>ravôdid</i>	“виза”
واردکننده <i>vāredkonande</i>	واردکننده <i>wâredkonanda</i>	воридкунанда <i>vôridkunanda</i>	“импортёр”
ویزه <i>vize</i>	ویزه <i>wiza</i>	виза <i>viza</i>	“виза”

Форс тилида сўз охиридаги *b* ундоши дарий ва тожик тилларида *p* тарзida талаффуз қилинади ва ёзилади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
(برچسب) (баъзан) <i>barčasb</i> (баъзан <i>barčasp</i>)	برچسب <i>barčasp</i>	барчасп <i>barčasp</i>	“этикетка”

Дарий ва тожик тилларининг, эроний тиллар гурухига киришига қарамай, эроний тиллар фонетик тизимиға оид бўлган жарангли ундошларнинг жарангсиз ундошларга айланмаслик қоидасини истисно қилишини кўрамиз. Бу ҳолат бир бўғин чегарасида, сўз охирида келувчи қўш ундошлардан биринчисининг жарангсиз эканлиги ва ўзидан кейин келаётган жарангли ундошни жарангсиз товушга айлантириши (ассимиляция) билан изоҳланади.

Шунингдек, баъзи адабиётларда форс тилидаги بَرْچَسْب *barčasb* “этикетка” термини بَرْچَسْپ *barčasp* шаклида ифодаланмоқда. Ю. А. Рубинчик таҳририяти остида тузилган “Персидско-русский словарь”да ушбу терминнинг ҳам بَرْچَسْب *barčasb* ва ҳам بَرْچَسْپ *barčasp* шакллари кўрсатилган⁵². Луғатда қайд этилишича, истеъмол учун асосий ўринда بَرْچَسْب *barčasb* шакли бўлиб, بَرْچَسْپ *barčasp* шакли жуда кам ҳолатларда қўлланилади. Ўрта форс тилида ушбу терминнинг ясовчи асоси چَسْپ *časp* шаклида бўлгани ва ҳар иккала терминнинг истеъмолда эканлигини форс тилида ҳанузгача ўрта форс тили элементларининг сақланиб қолгани билан изоҳлаш мумкин.

Форс, дарий ва тожик тилларидағи ушбу ҳолат алоҳида тадқиқотларга муҳтоҷ масалалардан ҳисобланади.

3. Диғтонглар қиёси

Икки унлининг бир бўғин чегарасида бирикувига диғтонг дейилади. Форс тилида диғтонглар миқдори масаласи жаҳон эроншунослигида ўз ечимини топмаган⁵³. Бироқ ҳозирги замон форс тили норматив грамматикасини ўрганишда совет фонетистлари таълимотига асосланиб⁵⁴, еи ва ои диғтонглари борлигини таъкидлаймиз.

⁵² Рубинчик Ю. А. Персидско-русский словарь. – М.: Рус.яз., 1985. – С. 197.

⁵³ Lambton A.K.S. Persian Grammar. – С., 1953. – Р. 14; Kramsky I. Phonological Analysis of Persian Monosyllables. – Archiv Orientalni. Praha, 1947, №16. – Р. 71-72.

⁵⁴ Поляков К.И. Персидская фонетика. Опыт системного исследования. – М., 1988. – С. 47-51.

Дифтонглар табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларда ҳам яқдиллик йўқ. Баъзи мутахассисларнинг фикрларига кўра, дифтонг – бу мустақил фонема бўлса, айрим олимлар фонемалар бирикуви, деб ҳисоблайдилар⁵⁵.

Совет фонетика мактабида дифтонг мустақил фонема, деб таърифланган ва 8 та унлиниңг қаторида қайд этилган. *miravam*, *midavam* феълларида *ou* дифтонгининг *av* га айланишини эса этимологик анъанавий талаффузнинг сақланиши, деб кўрсатадилар. Н.А.Мухамедованинг фикрича⁵⁶, форс тилида дифтонгларнинг ажралмаслиги ҳақидаги қоида мулоҳазалидир. Чунки *pou* – *novin* – *navin* «янги», *jou* «арпа» - *javin* «арпа (га оид)», шунингдек, сўз ясаш ва сўз ўзгартишда дифтонгларнинг фонемаларга ажралиши қузатилади: *joy (jav)-eman* «менинг арпам», *jelou (jelav)-e xāne* «үй олдида». Бир қатор олимлар *ou* → *o* – дифтонгнинг монофтонгга айланиш жараёнини қайд қиласидар: *moskou* → *mosko* «Москва», *pou* → *po* «янги»⁵⁷. Л.С.Пейсиков «Тегеранский диалект» китобида⁵⁸ техрон лаҳжасида *ou* дифтонгида *u* тушиб қолиши, яъни *ou* дифтонгининг *o* монофтонгига айланишини тилдаги одатий ҳол, деб ҳисоблайди.

Форс фонетикасини систематик равишда тадқиқ этган олим К.И.Поляков дифтонг – «бир фонемадан иборат товуш бирикмаси» эканлигини таъкидлаган ҳолда, форс тилида дифтонгларнинг бир қатор хусусиятлари уларни мустақил бирлик деб қарашга имкон бермайди, деган хуносага келади⁵⁹.

Дарий тилида тарихий дифтонглар *ai*, *au* кўринишида сақланиб қолган: *aiwân* «айвон», *rai* «оёқ изи», *nau* «янги», *darau* «ўрим» каби. Мазкур дифтонглар араб тилидан кириб келган сўзларда ҳам учрайди: *mail* «майл», «истак», *qaum* «қабила» (оғзаки тилда арабча ўзлашмаларда дифтонгнинг монофтонгга айланиши қузатилади: *šêx* «шайх», *sêl* «сел»). Дифтонгларнинг

⁵⁵ Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. – Т.: ТашГИВ, 1994. – С. 9.

⁵⁶ Кўрсатилган манба. – С. 9.

⁵⁷ Кўрсатилган манба. – С. 9.

⁵⁸ Пейсиков Л.С. Тегеранский диалект. – М., 1960. – С. 19.

⁵⁹ Поляков К.И. Персидская фонетика. Опыт системного исследования. – М., 1988. – С. 48.

иккинчи таркибий қисми і ва и чўзиқ унлиларининг қисқа варианти, яъни ярим унли тарзida талаффуз қилингани боис транскрипцияда дифтонглар аува aw тарзida берилиши мумкин.

Дифтонгларнинг сўздаги ўрни (позицияси) чегараланган. Сўз боши ва ўртасида ундошдан олдин, сўз охирида ундошдан сўнг келади. Унлидан олдин дифтонглар унли ва ундошга ажралади: na'i «қамиш», лекин na-ye qalam «қамиш перо», pêšrau «олдинги», «илғор» → pêšrawi «олға юриш» каби.

Тожик тили фонетик тизимида дифтонг тушунчаси мавжуд бўлмай, форс ва дарий тилларидаги дифтонглар ифодалаган товушлар тожик тилида икки алоҳида монофтонглар орқали ифодаланади.

Тадқиқотимизнинг фонетик таҳлили форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларида дифтонгларнинг қўйидагича ўзгаришини кўрсатади:

Сўз ўртаси ва охирида форс тилидаги *oi* дифтонги дарий тилида *ai* (*aw*) дифтонги орқали ва тожик тилида алоҳида икки *a* ва *v* монофтонглари орқали ифодаланади.

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
تولید <i>toulid</i>	تولید <i>taulid (tawlid)</i>	тавлид <i>tavlid</i>	“ишлаб чиқариш”
گرو <i>gerou</i>	گرو <i>garaw</i>	гарав <i>garav</i>	“гаров”

Сўз ўртасида форс тилидаги *eu* дифтонги дарий тилида *ai* (*ay*) дифтонги орқали ва тожик тилида алоҳида икки *a* ва *u* монофтонглари орқали ифодаланади:

форс тили	дарий тили	тожик тили	таржимаси
كمیت و کیفیت <i>kamiyat va keyfiyat</i>	كمیت و کیفیت <i>kamiyat va kayfiyat</i>	кайфият ва камият <i>kayfiyat va kamiyat</i>	“сифат ва миқдор”

I боб бўйича хulosалар

Тилнинг бошқа бўлимлари сингари, фонетик таркиб ҳам доимий ўзгаришда бўлади. Диссертация мавзуининг биринчи боби бўйича олиб борилган тадқиқот таҳлили қуидаги хulosаларни чиқаришга имкон берди:

1. Киёсланаётган тилларнинг фонетик таҳлили фонетика соҳасидаги асосий фарқ, асосан, вокализмлар системасига тегишли эканлигини кўрсатади. Бунда, албатта, экстралингвистик тъсирнинг ўрнини қайд этмоқ зарур.

2. Ҳозирги замон форс тилида қисқа е, о унлилари фақат тожик тилида ўзгаришга учраган бўлиб, қисқа а унлиси дарий ва тожик тилларида ҳеч қандай ўзгаришсиз талаффуз қилинади ва ёзилади:

- қисқа е унлиси дарий тилида қисқа е, о ва тожик тилида i, и унлилари орқали, сўз охиридаги қисқа е унлиси ҳар иккала тилда а унлиси орқали ифодаланади.

- қисқа о унлиси дарий тилида қисқа о ва тожик тилида и унлиси орқали ифодаланади.

3. Форс тилидаги чўзиқ i унлиси дарий тилида чўзиқ ê ва тожик тилида ê унлиси билан ифодаланади. Чўзиқ ă унлиси ҳеч қандай ўзгаришсиз талаффуз қилинади ва ёзилади. Чўзиқ и унлиси камдан-кам ҳолдатларда дарий тилида чўзиқ ô, тожик тилида ў унлиси орқали, қолган ҳолатларда ўзгаришсиз ифодаланмоқда.

4. Материалларимиз таҳлили форс, дарий ва тожик тилларидаги ундош фонемалар кескин бир биридан фарқ қилмаслигини кўрсатди. Фақатгина қуидаги фарқларнинг мавжудлигини қайд этмоқ зарур:

- форс тилида *гайн* ва *қоф* ҳарфлари ифодаловчи γ фонемаси дарий ва тожик тилларида γ, q фонемалари орқали ифодаланмоқда.

- форс тилидаги v лаб-тиш ундош фонемаси дарий тилида w лаб-лаб ундош фонемаси ва тожик тилида v лаб-тиш ундош фонемаси орқали ифодаланмоқда.

5. Форс тилидаги ey, ou дифтонглари дарий тилида ay, aw дифтонглари орқали ва тожик тилида дифтонг тушунчаси бўлманлиги сабаб а, у ҳамда a, v монофтонглари орқали ифодаланмоқда.

6. Форс тилида сўз охиридаги бир бўғин чегарасида жойлашган ноодатий диссимилация ҳодисасига учраган қўш ундошнинг дарий ва тожик тилларида ўзгаришсиз қолганини кўришимиз мумкин.

П БОБ. ФОРС, ДАРИЙ ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДА ИҚТИСОДИЙ ТЕРМИН ЯСАШ УСУЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

2.1. Туб терминлар

Адабиётларда таркибида биргина лугавий маъноли қисм (морфема) бўлган сўз туб сўз сифатида қабул қилиниши таъкидланади⁶⁰. Бир қатор олимлар эса туб сўзни содда сўз таркибида ўрганадилар⁶¹.

Йирик олим Н.М. Шанский содда сўз асосининг морфологик структураси икки катта гурухга ажралишини таъкидлайди. Булар: туб асосли сўз ва ясама асосли сўз⁶². Туб (садда) сўз белгилари қуидагича:

- 1) Туб асоснинг морфологик жиҳатдан қисмларга бўлинмаслиги;
- 2) Доимо унинг воситасиз, у ёки бу маънони ифода этиш учун бирон-бир кўшимчасиз ифода этилиши лозим.

Ўзбек тилшуносларидан Азим Ҳожиев туб ва содда сўзни қуидагича таърифлаган:

Туб сўз - ясовчи қисмларга ажралмайдиган сўз⁶³. Содда сўз - таркибида биргина лугавий маъноли қисм бўлган сўз.⁶⁴ Содда сўзга қиёс қилиб қўшма сўз ва туб сўзга қиёс қилиб эса ясама сўз олинган.

А. Қуронбековнинг “Форс тили лексикологияси”да туб сўз қуидагича изоҳланган:

Форс тилида туб сўз (واژه بسيط / مشتق), ясама сўз (عبارات), қўшма сўз (مركب) ва ибора (شکلлари мавжуд. Агар сўз битта яхлит морфемадан иборат бўлса туб сўз дейилади. Масалан: دل (дил), گل (гул), کتاب (китоб), درس (дарс)⁶⁵.

Демак, биргина ўзак морфемадан таркиб топган сўз туб сўз дейилади. Шунингдек, туб сўз учун хос бўлган фикрлар туб термин учун

⁶⁰ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М., 2001.

⁶¹ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 13.

⁶² Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. – М., 1953. – С. 17-18.

⁶³ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б. 111.

⁶⁴ Кўрсатилган лугат. – Б. 92.

⁶⁵ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 6.

ҳам бирдек ўринлидир.

Материалларимиз таҳлилида туб терминлар форс тилида 34% ни, дарий тилида 33% ни, тоҷик тилида 32% ни ташкил этди:

بانک *arz* اسعار (форсча), *as'âr* (дарийча), асьор (тоҷикча) “валюта”; *bânk* (форсча), بحران *bânk* (дарийча), бонк (тоҷикча) “банк”; *bohrân* (форсча), بحران *bohrân* (дарийча), бӯхрон (тоҷикча) “кризис”; *bûrs* (форсча), بورس *bûrs* (дарийча), биржа (тоҷикча) “биржа”; *barât* (форсча), برات *barât* (дарийча), барот (тоҷикча) “вексел”; انحصار *enhesâr* (форсча), انحصار *enhesâr* (дарийча), инҳисор (тоҷикча) “монополия”; سهم *sahm* (форсча), سهم *sahm* (дарийча), саҳм (тоҷикча) “акция” ва ш.ў.

این نوشتار به توضیح و نمایش اسکناس ها چاپ شده و رایج در سه دوره قاجار، پهلوی و جمهوری اسلامی می پردازد.

In naveštâr be touzih va namâyeš-e eskenâs hâ čâp šode va râyej dar se doure yâjâr, Pahlavi va jomhuri-ye eslâmi mipardâzad

“Бу ёзув қоғоз пулларни кўргазмаси ва намойиши учун чоп этилган ва уч даврда, яъни қожорлар, паҳлавийлар ва Ислом Республикасида муомалада бўлган”

(<https://fa.wikipedia.org/wiki>)

Ба манзури таъмини ниёзи бозори муомилоти дохилӣ бо пули нақд дар шаш моҳи нахусти имсол 2 миллиарду 400 миллион сомонӣ искинос мунтасир шуда...

“Нақд пул билан ички муомала бозорини таъминлаш мақсадида шу ийлнинг биринчи олти ойлигида 2 миллиард 400 миллион сомонӣ қоғоз пул босиб чиқарилди...”

(<http://parstoday.com/tg/news/tajikistan-i20498>)

به گزارش روابط عمومی بورس تهران و به نقل از مدیریت ناشران...

Be gozâreš-e ravâbet-e omumi-ye bûrs-e tehrân va be nayl az modiriyat-e nâšerân...

“Техрон биржаси умумий алоқаларининг хабарига ва нашриёт бошқармасининг фикрига кўра...”

متاسفانه امروز جامعه با حران روبه رو هستند.

Motaassefāne emruz jāme 'e bā bohrān ruberu hastand.

“Афсуски бугунги кунда жамият кризисга учраган.”

(تهران امروز، ۲۰۱۴/۰۲/۲۲، ص: ۱)

تراز آزمایشی کل در پایان هر ماه تهیه می شه و مانده حسابهای دفتر کل رو نشون می ده که در سه نوع چهار ستونی و شش ستونی و هشت ستونی است.

Terāz-e āzmāyeši-ye kol dar pāyān-e har māh tahye miše...

“умумий текширувлар баланси ҳар ойнинг охирида тайёрганади...”

(<http://hesabdar-ac.ir/tag>)

... هنوز بودجه وزارت ورزش و جوانان ابلاغ نشده است.

...hanuz budje-ye vozārat-e varzeš-o javānān eblāy našode ast.

“...ҳали ҳам ёшлар ва спорт вазирлигининг бюджети белгиланмаган”

(همشهری، ۲۰۱۶/۰۱/۲۴، ص: ۱)

در تراز آزمایش کل ، تمام حساب های دفتر کل نمایش داده می شود.

Dar terāz-e āzmāyeš-e kol, tamām-e hesāb hā-ye daftar-e kol namāyeš dāde mišavad.

“Умумий текширувлар балансида бош офиснинг бутун хисоб-китоблари кўрсатилади”

(<http://hesabdar-ac.ir/tag>)

بر اساس معلومات صرافان سرای شهزاده کابل نرخ اسعار خارجی در مقابل پول افغانی امروز چهار شنبه ۲۲ حمل ۱۳۹۷ از این قرار است:...

Bar asâs-e ma'lumât-e sarrâfân-e sarâ-ye sahzâda-ye Kâbol narx as'âr-e xâreji dar moqâbel-e pul-e afyâni emrôz čahârshanbe 22 hamal-e 1397 az in qarâr ast: ...

Кобул шахзодаси саройи саррофларининг маълумотига кўра، бугун 1397 йил 22 ҳамал чоршанба кунида хорижий валютанинг афғонийга нисбатан қиймати қуидагича:....

(<http://sana.af/26996/>)

Кўринадики, қиёсланаётган тилларда аксарият туб терминлар таркиби бир хил.

2. Ясама терминлар

Ясама сўз - сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг бирикувидан ҳосил бўлган бирлик, сўз ясалиши бирлиги⁶⁶.

Биз таҳлилиминг бу қисмида форс тили луғат таркибининг бойишида энг маҳсулдор усул - ички лингвистик усул орқали ясалган ясама иқтисодий терминлар ҳақида мулоҳазалар юритамиз. Ички лингвистик усул, сўз ясаш усули бир маъноли сўзлардир.

Форс тилида сўз ясаш бўйича Ўзбекистон олимларидан Н.А. Мухамедова, А. Воҳидов ва бошқаларнинг бир қатор ишлари мавжуд. Рус олимларидан Л.С. Пейсиковнинг “Очерки по словообразованию персидского языка” (1959) китоби ва дарий тилида Л.Н. Киселеванинг “Очерки по лексикалогии языка дари” (1973) китоблари мавжуд.

Қиёсланаётган тиллардаги иқтисодий терминлар форс тили сўз ясаш воситалари орқали таҳлил қилинади.

“Форс тилининг қадимги ва ўрта даврдаги сўз ясалиши жараёнлари ва бу жараёнда қайси бир сўз ясаш усули етакчи бўлганлиги ҳали охиригача ўрганилмаган. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, ҳозирги форс тилидаги сўз ясалишида от туркумига оид сўзлар ва феъл туркумига оид сўз ясалиши бир хил эмас. Агар от билан боғлик сўз туркумларига оид сўзларга аффиксли, яримаффиксли сўзлар, транспозиция, қўшма сўзлар ва лексикализация хос бўлса, феълий сўз туркумларига кўпроқ фрезеологик моделда сўз ясалиши хосдир. Бу усул моҳиятан қўшма сўз ясашга яқин бўлса ҳам аммо баъзи бир хусусиятлари билан ундан ажралиб туради. Шуни айтиш керакки феълларда қисман аффиксация усули билан ясалган феъллар ва баъзи конверсия усули билан ясалган феъллар учраса ҳам бу феъллар аллақачон шаклланиб ултурган. Ва баъзи бир олимлар (Ботений) томонидан содда феъллар ясашга

⁶⁶ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б. 137.

ундовлар мавжуд бўлса ҳам “Фарҳангистон” томонидан киритилган биронта феъл маълум эмас.

Шунингдек, Л.С. Пейсиков арабча боблар билан ясалган сўзларни ҳам форс тилида сўз ясаш жумласига киритади. Аммо шуни айтиш керакки бу усулда сўз ясаш ҳозирги кунда амалда қўлланмайди. Ҳозирги даврда сўз ясаш жараёнида асосий кўзга ташланадиган ҳодиса бу қадимий ва ўрта форс тилидаги мавжуд бўлган морфема ва ўзак сўзлар ва аффиксларни қайта тиклаш ва шунингдек ҳозирги замон соф форс тили ўзаклари ва сўз ясовчи қўшимчалари билан янги сўзларни ясаш ва муомалага киритиш жараёнидир”⁶⁷.

Форс тили лугат таркибининг бойиш йўлларини тадқиқ қилишда кўзга кўринган эроншунос олим Л.С.Пейсиковнинг хизматлари беқиёсdir. У ўзининг сўз ясалишига оид монографиясида ички усуллар орқали сўз ясалишини 4 та гурӯхга ажратади: 1) аффиксация, 2) яримаффиксация, 3) транспозиция, 4) композиция.⁶⁸ Кейинчалик булар қаторига лексикализация усулини ҳам қўшади⁶⁹.

2.1. Аффиксация усули орқали ясалган иқтисодий терминлар

Аффиксация. 1. Умуман, асосга аффикс қўшиш, аффикс ёрдамида сўз ёки шакл ясалиши. 2. *айн*. Аффиксал сўз ясалиши-асосга аффикс қўшиш йўли билан сўз ясалиши⁷⁰.

Аффикс (*лат. affixus - бирлаштирилган, биректирилган*) - сўзга (лексемага) зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшиладиган асоснинг лугавий ёки грамматик маъноларининг шаклланишига хизмат қиласиган морфема, қўшимча. Масалан; *ии - чи - лар - имиз - ни*. Аффикслар вазифаларига кўра икки асосий турга бўлинади. 1) сўз ясовчи

⁶⁷ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 15.

⁶⁸ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка, – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 199.

⁶⁹ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка, – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 206.

⁷⁰ Бу ҳақда қаранг. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Т., 2002. – Б. 20.

аффикслар. 2) форма (шакл) ясовчи аффикслар. Аффикслар сўзниг бошига, ўртасига ёки охирига қўшилиши мумкин. Сўзниг бошига қўшиладиган аффикслар - префикс, ўртасига қўшилувчилари - инфикс, охирига қўшиладиганлари - суффикс дейилади⁷¹. Келтирилган таъриф форс тили учун ҳам бир хил.

Маълумки, аффиксация моделлари асосида икки сўз ясовчи бирликлардан иборат ясама сўзлар шаклланади⁷². Яъни сўз ясовчи асос ва сўз ясовчи аффикс. Ҳозирги форс тилининг асосий бойиш усулларидан бири аффиксация усули бўлиб, унда 80 дан ортиқ сўз ясовчи аффикс маълум⁷³.

Материаллар таҳлили қиёсланаётган тилларда иқтисодий терминлар фақат префиксал ва суффиксал морфемалар орқали ясалганини кўрсатди.

Эроншунос олима О.М. Сотованинг диссертациясида форс тилида аффиксация усули орқали термин ясашда -ش-eš, گار-gar суффикслари ҳамда بىـ- bi-, نــ nā- префиксарининг сермаҳсул, بــ bān, چــ ċi суффикслари ҳамда پــ pād- префиксининг каммаҳсул эканлиги қайд қилинади⁷⁴. Мисолларимизда форс тилида иқтисодий термин ясалишида кўрсатилган аффикслардан ташқари -i (*yā-ye nesbat*), -i (*yā-ye masdari*), -ande, суффикслари ва var- префиксининг иштироки кузатилди.

Ҳозирги дарий ва тожик тилларида термин ясовчи фаол аффикслар тадқиқ қилинмаган. Бироқ юқорида қайд қилинган аффикслар бу тилларда ҳам иқтисодий термин ясалишида фаол иштирок этади.

-i(*yā-ye nesbat*) суффикси от сўз ясовчи асосига қўшилиб, ундан сифат ясайди: اعتباری “кредит”+ اعتبار (ى+) e'tebāri (форсча), e'tebāri (дарийча), кредитӣ (кредит “кредит”+ӣ) (тожикча) “кредитга оид, хос”; ارزی “валюта”+ ارزی arzi (форсча), اسعاری “валюта”+ اسعار (ى) as'āri (дарийча), асьорӣ (асъор “валюта”+ӣ) (тожикча) “валютага оид, хос”; بحرانی “валютага оид, хос”;

⁷¹ Бу ҳақда қаранг. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т., 2002. – Б. 19.

⁷² Vohidov A. A. Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010. – В. 32.

⁷³ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 16.

⁷⁴ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс...канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 179.

“кризис”+ى) *bohrāni* (форсча), بحرانى “кризис”+ى) *bohrāni* (дарийча), бӯхронӣ (бӯхрон “кризис”+ӣ) (тожикча) “кризисга оид, хос”, حراجى, бӯхронӣ (бӯхрон “кризис”+ӣ) (тожикча) “кризисга оид, хос”; “аукцион”+ى) *harrāji* (форсча), حراجى “аукцион”+ى) *harrāji* (дарийча), музоядай (музояда “аукцион”+ӣ) (тожикча) “аукционга оид, хос”; “акциялар”+ى) *sehāmi* (форсча), سهامى “акциялар”+ى) *sehāmi* (дарийча), саҳомӣ (саҳом “акциялар”+ӣ) (тожикча) “акционерлик, акцияга оид” ва ҳоказо.

پول اعتبارى به این امر میتواند در مدت زمان کوتاه مشکل را حل کرد.

Pul-e e'tebāri be in amr mitavānad dar moddat-e zamān-e kutāh moškel rā hal kard

“Бу масалага ажратилган кредит пули қисқа вақт ичida муаммони ҳал қила олади.”

(صنعت، ۱۳۸۵/۰۶، ص: ۱۶.)

-*i*(yā-ye masdari) суффикси сифат (баъзан от) сўз ясовчи асосига қўшилиб, ундан мавҳум от ясайди: دارايى “бой”+ى) *dārāyi* (форсча), دارايى “бой”+ى) *dārāyi* (дарийча), дорой (тожикча) “мулк, бойлик”.

-*ande* суффикси одатда феълларга қўшилиб улардан от ясайди. فروشнده *foruxtan* “сотмоқ” феълининг ҲЗН+анде) *forušande* (форсча), فروشнده *forôxtan* “сотмоқ” феълининг ҲЗН+анде) *forôšenda* (дарийча), фурӯшандада (фурӯхтан “сотмоқ” феълининг ҲЗН+андада) (тожикча) “сотовчи”; واردкненде *vāred kardan* “импорт қилмоқ” феълининг ҲЗН+анде) *vāredkonande* (форсча), واردкненде *wāred kardan* “импорт қилмоқ” феълининг ҲЗН+анде) *wāredkonanda* (дарийча), воридкунанда (ворид кардан “импорт қилмоқ” феълининг ҲЗН+андада) (тожикча) “импортёр”; وام (وام دهنده *vām dādan* “кредит бермоқ” феълининг ҲЗН+андада) *vāmdehande* (форсча), وام *vām dādan* “кредит бермоқ” феълининг ҲЗН+андада) *wāmdehande* (дарийча), وام دиханда (вом додан “кредит бермоқ” феълининг ҲЗН+андада) (тожикча) “кредитор”.

فروشنده، هر شخص حقوقی است که اقدام به فروش دارایی می نماید.

Forušande, har šaxs-e hoyuyi ast ke eydām be foruš-e darāyi minamāyad

“Сотувчи, олди - сотди хуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланади.”

(www.economicaffairs.ir)

Форс тилида *-gar* суффикси билан ясалган терминлар дарий ва тожик тилларида яримаффикс билан ифодаланган ҳолатлар мавжуд: آمارگر *āmārgar* (форсча), آمارگیر “сттистика”+“олмоқ” феълининг ҲЗН) *āmārgir* (дариийча), оморшинос (омор “сттистика”+шинохтан “танимоқ” феълининг ҲЗН) (тожикча) “сттистик”.

آشنایی با شغل آمارگر

āšnāyi bā šugl-e āmārgar

“Сттистикнинг касби билан танишув”

(<https://iranestekhdam.ir/>)

Оморшинос, он ки қобилият ва малакаи шумориданро дорад

“Сттистик бу-санаш малакаси ва қобилиятига эга бўлган шахс”

(«Фарҳангги тафсирии забони тоҷикӣ»)

-eš суффикси феълларнинг ҲЗНга қўшилиб улардан ҳаракат ва ҳолат номини билдирувчи отлар ясайди: *sefāreš* (форсча), *farmāyeš* (дариийча), фармоиш (тожикча) “буюртма”.

ممنوعیت استفاده از واژه مسیح در ثبت سفارش آنلайн فروشگاهی در انگلیس.

Mamnu’iyat-e estefāde az vāže-ye masih dar sabt-e sefāreš-e ānlayn-e forušgāhi dar englis

“Англиядаги онлайн бозорда буюртма бериш жараёнида масих сўзидан фойдаланишга чеклов.”

(www.irna.ir)

بیش از ده والی در مناطق مختلف افغانستان به خبرنگاران فرمایش می دهند که این موضوع را

پخش کنید و این موضوع را پخش نکنید.

Bēš az dah wâli dar manâteq-e moxtalef-e Afyânestân ba xabar negârân farmâyeš mēdehand ke in mawzu’ râ paxš konêd va in mawzu’ râ paxš nakonêd

“Афғонистоннинг турли минтақаларида ўндан ортиқ воли мухбирларга бу мавзуни экранга узат ва бу мавзуни экранга узатма деб буортма беришади”

(<http://www.bbc.com/persian/afghanistan/story/2006/09/060912>)

Материалларимиз таҳлили *var-* префикси орқали ясалган иқтисодий терминлар қиёсланаётган тилларнинг ҳар учаласида бир хил эканлигини кўрсатди: *varšekastan* (форсча), ورشکستان *waršekastan* (дарийча), варшикастан (тожикча) “банкрот бўлмоқ”.

خبر ورشکستان بانک پارسیان به سرعت از طریق منابع غیر رسمی پخش شده است.

Xabar-e varšekast-e bānk-e pārsiyon be sor'at az tariy-e manābe'-e yeyr-e rasmi paxš šode ast

“Порсиён банкининг инқирози тезлик билан норасмий манбалар томонидан тарқалди.”

(www.banki.ir)

Форс тилида *-či* суффикси орқали ясалган терминлар, дарий ва тожик тилларида яримаффикс ва сўз бирикмаси шаклида ифодаланмоқда: گмаркچи *gomrokči* (форсча), کارманд گмарк *kārmand-e gomrok* (дарийча), корманди соҳаи гумруқ (тожикча) “божхоначи”; ғажақчи *yāčāyči* (форсча), *bordan* “олиб бормоқ” феълининг ҲЗН) *qâčâqbar* (дарийча), қочоқбар (бурдан “олиб бормоқ” феълининг ҲЗН) (тожикча) “контрабандачи”.

قاجاقچي مواد مخدر سه مامور پاليس ايران را حين باز جويي كشت.

yāčāyči-ye mavād-e moxaddar se ma'mur-e pālis-e irān rā heyn-e bāzjuyi košt

“Наркотик моддалар контрабандаси билан шуғулланувчи текширув пайтида уч нафар Эрон полиция ходимини ўлдирди.”

(www.radiofarda.com)

بازداشت دو قاجاقبر از میدان هوایی هرات

Bāzdāšt-e du qâčâqbar az maydān-e havāyi-ye Harāt

“Ҳирот ҳаво майдонида икки контрабанднинг ушланиши”

(<https://www.darivoa.com/a/afghanistan-narcotics-drug-policy>)

Ду қочокбар дар Тоҷикистон маҳкум ба 10 - 12 сол зиндан шуданд
“Икки контрабандачи Тоҷикистонда 10-12 йил муддатга озодлиқдан
махрум қилинди”

(<https://sputnik-tj.com/Tajikistan/20180221/1024808238.html>)

2.2. Яримаффиксация усули орқали ясалган иқтисодий терминлар

Сўз-морфемалар (яримаффикслар) ёрдамида сўз ясаш ўз моҳиятига кўра форс тилидаги икки асосий сўз ясаш усули: аффиксация ва мураккаб сўз ясаш усулларига хос белгиларни ўзида жамлаган оралиқ усул ҳисобланади. Яримаффиксация моделларида аффиксал ва мураккаб сўзлар оралиғида жойлашувчи ясама сўзларнинг ўзига хос таркибий турлари ясалади. Суффиксал турдаги сўз-морфемалар орасида исмий келиб чиқишига эга бўлган бирликларнинг унча кўп бўлмаган миқдори ва юзлаб феълий асосга эга бирликлар мавжуд. Феълий сўз-морфемалар миқдорининг жуда катталиги туфайли форс тилида яримаффиксация воситалари худди аффиксал воситалар сингари деярли чекланишларга эга эмас. Шунинг учун ўз функционал моҳияти ва сўз ясаш системасида эгалланган ўрни бўйича яримаффиксацияни bemalol аффиксация ва мураккаб сўз ясаш билан бир қаторга қўйиш мумкин⁷⁵.

Л.С. Пейсиков, Ю.А. Рубинчик, С.А. Алиев каби рус эроншунослари форс тилидаги яримаффиксларни, яъни ҳам исмий, ҳам феълий турдаги яримаффиксларни мустақил сўз ясаш усули сифатида кўрадилар. Барча Эрон тилшунослари, шу жумладан, П.Н. Хонларий⁷⁶ ҳам феълий яримаффиксларни қўшма(мураккаб) сўз компоненти сифатида ўрганадилар.

Хозирги форс тилида яримаффикснинг икки тури мавжуд:

1. Феълий сўз-морфемалар (яримаффикс)

⁷⁵ Vohidov A.A. Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010. – В. 47.

⁷⁶ Xānlariy P.N. Dastur-e zabān-e fārsi. Čāp-e (nohom) davāzdahom. – Т., 1370. – В. 173-174.

2. Исмий сўз-морфемалар (яrimаффикс)

Л.С. Пейсиков⁷⁷ ўз тадқиқотида кенг қўлланиладиган феълий яrimаффиксларни тавсифлайди ва уларни структур жиҳатдан 4 турга ажратади:

а) “соф” ҲЗН : -zā, -bar, -gir, -duz, -pazir, -angiz, -barandāz, -xafekon, -bandzan, -pākkon ва б.

б) -i (*yā-ye masdari*) орттирилган ҲЗН : -bandi, -keši, -yābi, -zani, -dāri, -parākani, -puši ва б.

в) Инкор юкламаси (префикси) орттирилган ҲЗН: -nāpazir, -nāgir ва б.

г) *be-* олд қўшимчаси (буйруқ майлининг бирлик шакли) орттирилган ҲЗН: : -benavis, -bezan, -bexor, -begir ва б.

Юқоридаги олимлар каби О.М. Сотова⁷⁸ ҳам ўз ишида термин ясовчи бир қатор сермаҳсул феълий яrimаффиксларни кўрсатади.

Исмий яrimаффикс деб, синтактик жиҳатдан мустақил маънога эга бўлмаган, лекин янги форс тили ривожининг дастлабки даврида мустақил маънога эга бўлган исмий сўз туркумига тааллукли сўзларга айтилади. Исмий яrimаффикслар феъли яrimаффикслардан фарқли равишда префикс (препозитив-олд қўшимча) ва суффикс (постпозитив-орт қўшимча) шаклига эга. Шунинг учун ҳам исмий яrimаффиксларнинг сўз ясашдаги имкониятлари кўпдир⁷⁹.

Отдан ясалган яrimаффикслар нисбатан кам бўлиб: *kade* - хона; *maneš* - фикр; *gun* - ранг, шакл; *gāh* - жой, пайт; *xāne* - ўрин, жой; шулар жумласидандир.

Форс тилида сифатга тааллукли *kat-*, *xoš-*, *por-* ва ш.ў. яrim префикслар ҳам кўплаб янги сўз ясади.

⁷⁷ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во Московского университета, 1973. – С. 97.

⁷⁸ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс...канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 31-32.

⁷⁹ Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка. АКД. –М., 1985. – С. 17-18.

Ундан ташқари “улкан”, “йирик” маъноси билан *xār*, *gāv*, *šāh* яrimаффикслари ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги замон форс тилида каммаҳсул аффиксларга айланган⁸⁰.

Яrimаффикслар содда ва мураккаб аффикслар шаклларида бўлиб, кўпинча феълнинг ҳозирги замон ўзаги ҳамда от сўз туркумига хос сўзлардан иборат бўлади.

Яrimаффиксларнинг аффикслардан фарқи шундаки, улар ўз маъносини аникроқ сақлаб қолган бўлади. Яrimаффикслар сифатида ҲЗН ва от ярим суффиксларидан ташқари префиксli феъллар, кўшма феъллар ва фразеологик бирикмалар ҳам сўз ясашда иштирок этади.

Яrimаффикслар “от + ҳозирги замон феъл негизи” ўта қадимиј усууллардан бўлиб, ҳозирги замон форс тилида бошқа сўз ясаш усууллари қаторида энг муҳим сўз ясовчи моделлардан ҳисобланади.

Бу моделда сўз ясаш имкониятлари чексиз бўлиб, шоир ва ёзувчилар ижодида, оғзаки тилда ва расмий “Фарҳангистон” томонидан киритилаётган янги сўз ва терминларда кенг миқёсда қўлланилади.

Яrimаффикслар умумий феълий маъносини сақлаб қолган бўлса ҳам аммо тобора мавхумлашиб кенгроқ маъноларда қўлланилмоқда.⁸¹

Таниқли рус эроншуноси О.М. Сотова форс тилида яrimаффиксация усули орқали термин ясашда феълий яrimаффикслардан سنج - *-sanj*, پیما - *-peymā*, دار - *-dār*, ساز - *-sāz*, شناس - *-šenās*, گیر - *-gir* суффиксал типдаги яrimаффиксларни ҳамда “ҲЗН + ى- *yā-ye masdari*” типидаги блокли яrimаффиксларнинг сермаҳсул эканлигини, баъзи ҳолатларда айрим феълларнинг ЎЗН типидаги яrimаффиксларнинг қўлланишини таъкидлайди. Шунингдек, феъллардан тузилган оддий постпозитив

⁸⁰ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. –Т., 2009. – В. 18.

⁸¹ Кўрсатилган манба. – В. 17.

яrimаффикслар сифатида -کنнде -dehande әдебийде -dehande каби ҳозирги замон сифатдошлари ҳам кенг қўлланиш ҳолатлари назарда тутилган⁸².

Қиёсланаётган тилларда иқтисодий терминлар ясашда қуйидаги феълий яrimаффикслар иштирок этди:

Форс тилида:

دار -*dār*, داشتن *dāstan* “эга бўлмоқ” феълиниңг XZN: *ejāredār* “ижарачи, арендатор” *ejāre* “ижара”); بانکدار *bānkdar* “банкир” *bānk* “банк”); دفتردار *daftardar* “бухгалтер” *daftar* “кабинет”); حسابدار *hesābdar* “бухгалтер” (*hesāb* “хисоб”); خزانه دار *xazānedar* “ғазначи” (*xazāne* “ғазна”).

گير -*gir*, گرفتن *gereftan* “олмоқ” феълиниңг XZN: *barātgir* “вексел оловчиги шахс”; رشوه گير *resvegir* “порахўр” (*rešve* “пора”).

شناس -*šenās*, شناختن *šenāxtan* “танимок” феълиниңг XZN: *kāršenās* “эксперт” (*kār* “иш”).

نشين -*nešin*, نشستن *nešastan* “ўтирмоқ” феълиниңг XZN: *ejārenešin* “ижарачи” (*ejāre* “ижара”);

گذار -*gozār*, گذاشتن *gozāštan* “қўймоқ” феълиниңг XZN: *amānatgozār* “депонент” (*amānat* “омонат”);

آور -*āvar*, آوردan *āvardan* “олиб келмоқ” феълиниңг XZN: *rebhāvar* “фойда келтирувчи” (*rebh* “фойда”).

فروش -*foruš*, فروختن *foruxtan* “сотмоқ” феълиниңг XZN: *xarrāziforuš* “аттор” (*xarrāzi* “атторлик”).

کش -*keš*, کشیدن *kešidan* “тортмоқ” феълиниңг XZN: *barātkeš* “вексел берган шахс”; برات (برات) *barāt* “вексел”).

⁸² Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс...канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 180-181.

Ршох خвар *rešvexār* феълининг X3H: “*xārdan* “емоқ” феълининг X3H: “*xār* -хвар” “*poraxy়p*” “*rešve* “пора”); Ршох *rešvatxār* “порахӯр” (Ршох *rešvat* “пора”); *rebāxār* “судхӯр” (Рбахвар *rebā* “фоиз”).

Срафе جو(ى): *jostan* “қидирмоқ” феълининг X3H: *sarfeju(y)* “тежамли” (Срафе *sarfe* “фойда”).

Бандарий Х3Н + -и -yā-ye masdari типидаги блокли яримаффикслар: *bānkdaři* “банк бошқаруви”; *rešvexāri* “порахӯрлик”; *sarmāyedāri* “капитализм”; *sarmāyegozāri* “инвестиция”; *xarrāziforuši* “атторлик”; *sarfejuyi* “тежамлилик”; *nouāvari* “инновация”.

Срмайе дар афсане ай Гурб кшор фуалит ҳай афтиади ход раш длали дар базар ән шроу
Крд бод.

sarmāyedār-e afsānei-ye yarb-e kešvar fa'āliyat hā-ye eytesādi-ye xod rā az dallāli dar bāzār-e āhan šoru' karde bud.

“Мамлакат ғарбининг афсонавий капиталисти ўз иқтисодий фаолиятини метал бозорида даллолликдан бошлаган.”

(<http://www.mashreghnews.ir/fa/news/39118/10>)

Ксі ке брат ра айгад мінайд, браткш я ھман садаркннде брат аст.

Kasi ke barāt rā ijād minamāyad, barātkeš yā hamān sāderkonande-ye barāt ast.

“Вексел чиқарган шахс, вексел берувчи шахс ёки ўша векселни сотувчи шахсдир.”

(جهان اقتصاد، ۲۰۱۵/۱۲/۲۷، ص: ۲)

از банک ھای گرانفروش شکایت کنید.

Az bānk hāye gerānforuš šekāyat konid.

“Чайковчи банклар устидан шикоят қилинг.”

(<http://www.hamshahrionline.ir>)

Гөтті аст арае аин мطالب موجب آگاهі и ھوشيارى صندوق ھاي срмайе گذари шд.

Goftanist erāye-ye in matāleb moujeb-e āgahi va hušyāri-ye sanduq hā-ye sarmāyegozāri šod

“Айтса бўладики, бу масаланинг тақдим этилиши инвеститсия киритиш кассаларининг огоҳлик ва ҳушёрлигига сабаб бўлди”

(اطلاعат, ۲۰۱۶/۰۲/۲۱، ص: ۱).

Дарий тилида:

-دار *dâr*, داشتن *dâstan* “эга бўлмок” феълининг ҲЗН: *sarmâyadâr* سرمایه دار “капиталист” *sarmâya* سرمایه “капитал”); اجاره دار *ejâradâr* “ижарачи, арендатор” *ejâra* اجاره “ижара”); کرایه دار *kerâyadâr* “ижарачи, арендатор” *kerâya* ايجاره “ижара”); دفتردار *daftardâr* “бухгалтер” *daftar* دفتر “кабинет”); حسابدار *hesâbdâr* “бухгалтер” *hesâb* حساب “хисоб”); خزانه دار *xazânadâr* “ғазначи” *xazâna* خزانه “ғазна”).

-گیر *-gir*, گرفتن *gereftan* “олмоқ” феълининг ҲЗН: *âmârgir* آمارگیر “статистик” *âmâr* آمار “статистика”); احصاییه گیر *ehsâiyegir* “статистик” *ehsâiye* احصاییه “статистика”); بیمه گیر *bimagir* سیغورتا қилувчи *bima* سیغورتا “сигурта”).

-گذار *-gozâr*, گذاشتن *gozâstan* “қўймок” феълининг ҲЗН: *amânatgozâr* امانت گذار “депонент” *amânat* امانت “омонат”); سرمایه گذار *sarmâyagozâr* سرمایه گذار “инвестор” *sarmâya* سرمایه “капитал”).

-فروش *-forôš*, فروختن *forôxtan* “сотмоқ” феълининг ҲЗН: سیمساری فروش *parçunforôš* اتтор “атторлик моллари”); سیمساری *parçun* اتторлик “атторлик оид”); دستфорوش *dastforôš* دست (دست) *dast* қўл “кўча сотувчиси” *dast* қўл “кўл”).

-کش *-kaš*, کشیدен *kaşdan* “тортмоқ” феълининг ҲЗН: *barâtkaš* برات کش *barât* برات “вексел берган шахс” *barât* برات “вексел”).

-بر *-bar*, بردн *bordan* “олиб бормоқ” феълининг ҲЗН: *qâčâqbar* قاچاقبر “контрабандачи” *qâčâq* قاچاق “контрабанда”). Шуни таъкидлаш жоизки, дарий тили лугатларида ушбу термин аффиксация усули орқали ясалган: قاچاقى *qâčâqi* “контрабандачи” قاچاق *qâčâq* “контрабанда”+ -ی- *-yâ-ye nesbat*).

رشه خور *rešwaxôr* “емоқ” феълининг ҲЗН: *xôrdan* “хурден -xôr, -خور”; رشوت خور *rešwatxôr* “порахўр” (*rešwa* “пора”); رشوت *rešwat* (*rešwat* “пора”).

صرفه جو(ى) *jostan* “қидирмоқ” феълининг ҲЗН: *sarfaju(y)* “тежамли” (*sarfa* “фойда”).

نام нөиси *XZN + -yā-ye masdari* типидаги блокли яримаффикслар: *nâmnnavisi* “регистрация”; سرمайиे گдарى *sarmâyadâri* “капитализм”; *sarmâyagozâri* “инвестиция”.

ساҳтман жаңы институтиотадар ишлери حسابدارى дар блук шашиш явт.

Sâxtemân-e jadid-e anstityut-e edâra va hesâbdâri dar Balx gošâyeš yâft.

“Балхда менежмент ва бухгалтерия институтининг янги биноси очилди.”

(<http://dari.wadsam.com/>)

Тожик тилида:

-дор, доштан “эга бўлмоқ” феълининг ҲЗН: ичорадор “ижарачи” (ичора “ижара”); бонкдор “банкир” (бонк “банк”); қарздор “қарздор” (қарз “қарз”); векселдор “вексел олган шахс” (вексел “вексел”); васиқадор “вексел олган шахс” (васиқа “вексел”); хисобдор “бухгалтер” (хисоб “хисоб”); хазинадор “ғазначи” (хазина “ғазна”); сармоядор “капиталист” (сармоя “капитал”).

-гир, гирифтан “олмоқ” феълининг ҲЗН: ичорагир “ижарачи” (ичора “ижара”).

-нишин, нишастан “ўтирмоқ” феълининг ҲЗН: ичоранишин “ижарачи” (ичора “ижара”).

-шинос, шинохтан “танимоқ” феълининг ҲЗН: оморшинос “статистик” (омор “статистика”); коршинос “эксперт” (кор “иш”).

-гузор, гузоштан “қўймоқ” феълининг ҲЗН: амонатгузор “депонент” (амонат “депозит”).

-бар, бурдан “олиб бормоқ” феълининг ҲЗН: музоядабар “аукцион” (музояда “аукцион”).

-фирист, фиристодан “жўнатмоқ” феълининг ҲZN: пулфирист “пул ўтказувчи” (пул “пул”).

-фурӯш, фурӯхтан “сотмоқ” феълининг ҲZN: чарчинфурӯш “аттор” (чарчин “атторлик”).

-хўр, хўрдан “емоқ” феълининг ҲZN: судхўр “судхўр” (суд “фойда”); ришваҳўр “порахўр” (ришва “пора”); порахўр “порахўр” (пора “пора”)

-чў(й), чустан “қидирмоқ” феълининг ҲZN: сарфаҷў(й) “тежамли” (сарфа “тежам”).

-гўй, гуфтан “айтмоқ” феълининг ҲZN: номгўй “рўйхат” (ном “исм”).

-рав, рафтан “бормоқ” феълининг ҲZN: миёнрав “дилер” (миён “ўрта”).

“ҲZN + ӣ” типидаги блокли яримаффикслар: муфлишавӣ “банкротлик”; номнависӣ “регистрация”; сармояталабӣ “инвестиция”; ҳисобдорӣ “бухгалтерия”; пулфиристиӣ “ўтказма” (пул “пул”); чарчинфурӯшиӣ “атторлик”; арzonфурӯшиӣ “демпинг”; судхўриӣ “судхўрлик”; ришваҳўриӣ “порахўрлик”; порахўриӣ “порахўрлик”; бонкдорӣ “банк бошқаруви”; сарфаҷӯиӣ “тежамлилик”; сохибкорӣ “бизнес”.

Конунгузории Ҷумҳурии Тоҷикистон дар бораи муфлишавӣ ба Конститутсияи (Сарқонуни) Ҷумҳурии Тоҷикистон асос ёфта, аз ҳамин Қонун, дигар санадҳои меъёрии ҳуқуқии Ҷумҳурии Тоҷикистон, инчунин санадҳои ҳуқуқии байналмилалие, ки Ҷумҳурии Тоҷикистон эътироф намудааст, иборат мебошад.

“Банкротлик тўғрисидаги Тожикистон Республикаси қонунчилиги Тожикистон Республикаси Конститутсиясига асосланиб, Тожикистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, Тожикистон Республикаси эътироф этган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қонунга асосланган бўлади.”

(https://www.durahshon.tj/fan/view_post.php?id=533)

О. М. Сотова форс тилида термин ясашда етарли даражада сермаҳсул исмий яримаффикслар сифатида **-نامه -nāme, -گاه -gāh, -خانه -xāne** суффиксал

типдаги яримаффиксларни، زیر- *zir-*, پیش- *piš-*, هم- *ham-* каби префиксал типдаги яримаффиксларни қайд этади. Шунингдек، غير *γeyr-e* ва ضد *zedd-e* инкор юкламалари ва قابل *γābel-e* ни ҳам яримаффиксация усули орқали термин ясашнинг сермаҳсул препозитив типдаги исмий яримаффикслар қаторига киритиш мумкинлигини таъкидлайди⁸³.

Қиёсланаётган тилларда иқтисодий терминлар ясашда қуйидаги исмий яримаффикслар иштирок этди:

Форс тилида:

-نامه *-nāme* исмий яримаффиксини О.М. Сотова “хужжат” маъносига эга эканлигини таъкидлайди⁸⁴: امتیازنامه *emteyāznāme* “патент” *emteyāz* “имтиёз”); بیمه نامه *bīmeh nāme* *bime* “сүфурта”); رهان نامه *rəhn nāme* *rahn* “гаров шартномаси(хужжати)” (رهن (rehn) “гаров, заклад”); سفارش نامه *sefārešnāme* “ёзма буюртма” *sefāreš* буюртма); عهدنامه *ahdnāme* “шартнома”, (عبد *ahd* “шарт, мажбурият”); گشادنامه *gošādnāme* “патент”, (گشاد *gošād* “1. иирик, катта; 2. оғз. муваффақият”); پیوند *peyvandnāme* “ёзма келишув, шартнома”, (پیوند *peyvand*, پیوشت *peyvastan* “уламоқ, қўшмоқ, боғламоқ” феълининг ҲZN).

-خانه *-xāne* “бино, жой”⁸⁵: صرافخانه *sarrāfxāne* “пул айирбошлиш жойи” ضراب *sarrāf* “сарроф”); کارخانه *kārxāne* “завод, фабрика” *kār* “иш”); خانه *zarābxāne* “зарбхона” (Zarāb “зарб қилиш”); گمرк خانе *gomrokxāne* “божхона жойлашган бино” (گمرک *gomrok* “божхона”); تجارتخانه *tejāratxāne* “савдо фирмаси”, (تجارت *tejārat* “тижорат”).

-گاه *-gāh* яримаффиксини Ю.А. Рубинчик⁸⁶ ҳам Л.С. Пейсиков⁸⁷ ҳам сермаҳсул исмий яримаффикслар қаторига киритган: کارگاه *kārgāh* “ишихона, сех”, (*kār* “иш”); فروشگاه *forušgāh* “бозор” (*foruš* “сотув”).

⁸³ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс...канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 180-181

⁸⁴ Кўрсатилган манба. – С. 39.

⁸⁵ Кўрсатилган манба. – С. 40.

⁸⁶ Рубинчик Ю.А. Грамматика современного литературного персидского языка. – М., 2001. – С. 153-155.

⁸⁷ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Из-во Московского университета, 1973. – С. 111.

سردفتردار “бош”: *sarmāye* “сармайе” (*māye* “манбаъ”); *sar-* سر- *sardaftardār* “бош бухгалтер” (*daftardār* “бухгалтер”).

- *por-* “бирор белгининг кўп миқдорга эгалиги” яримаффиксини О.М.Сотова сермаҳсул яримаффикс сифатида кўрсатади⁸⁸. Эрон олимлари эса ушбу яримаффикс билан ясалган сўзларни қўшма сўзларга киритадилар: پرفайде *pormanfaat* “серфойда, фойдали” (*manfa'at* “манфаат”); پрمنфут *porfāyde* “жуда фойдали” (*fāyde* “фойда”).

- *pas-* پس افت (*oft*, oftādan افتادن) *pasoft* “тўланмай қолган қарз” (*oftādan* “йиқилмоқ, тушмоқ” феълининг ҲЗН); پس انداز *pasandāz* “тежаш, жамғарма”, (*andāz*, انداختن *andāxtan* “солмоқ” феълининг ҲЗН);

- *piš-* پیش پرداخت (*pišbahā* “аванс” *pardāxt* “тўлов” ва *bahā* “нарх”).

- *yeyr-e-* غير خالس (*xāles* “брутто” *xāles* “ҳақиқий, соф”); اقتصادی (*eytesādi* “норентабел, ўзини-ўзи қопламайдиган” *eytesādi* “иктисодий”); غير جلوگیری (*jelougiri* “форс-мажор” *jelougiri* “олдини олиш”).

گمرک خانه جایی که در آن خراج گمرک از مال التجاره باج می گیرند.

Gomrokxāne jāyi ke dar ān xarrāj-e gomrok az māl-ol tejāre bāj migirand.

“Божхона бу тижорат молларидан бож пули олинадиган жой хисобланади.”

(<http://www.hamshahrionline.ir>)

پیش بها پولی که پیش از دریافت کالا به فروشنده دهنده تا هنگام تحویل کالا بقیه پول را بپردازند.

Pišbahā puli ke piš az daryāft-e kālā be forušande dehand tā hengām-e tahvil-e kālā bayiye-ye pul rā bepardāzad.

“Аванс - товарни олишдан олдин сотувчига харидор томонидан товарни бергунча пулнинг бир қисми тўланадиган сумма”

(آفتاب یزد، ۲۰۱۶/۵/۴، ص: ۱.)

⁸⁸ Сотова О.М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке: Дисс...канд. филол. наук. – М., 2008. – С. 42.

ترازنامه یکی از انواع صورت های مالی می باشد که...

Terāznāme yeki az anvā'-e surat hā-ye māli mibāšad ke...

“Баланслар рўйхати молиявий хужжат турларидан бири бўлиб, ...”

(<http://hesabdar-ac.ir/tag>)

Дарий тилида:

گواهی نаме -*nâma*: *جوازنامه* *jawâznâma* “лицензия” (*jawâz* “рухсат”), *gawâhinâma* “сертификат” (*gawâhi* “туюхлик”).

-خانе *xâna*: *кархане* *kârxâna* “ завод, фабрика” (*kâr* “иш”).

-گاه *-gâh*: *каргак* *kârgâh* “1. станок; 2. цех”, (*kâr* “иш”).

-پیش *pêš-* *pardâxt* “аванс” (*pêšpardâxt* “тўлов”).

سرمحاسب *sar-* “бош”: *срмайе* *sarmâya* “капитал” (*mâya* “манбаъ”); *sarmohâseb* “бош бухгалтер” (*mohâseb* “бухгалтер”).

غير *yayr-e-* *xâles* “брутто” (*xâles* “хақиқий, соф”); اقتصادی *yayr-e eqtesâdi* “норентабел, ўзини-ўзи қопламайдиган” (*eqtesâdi* “иктисодий”).

۱۸۰ کارخانه تولیدی در بلخ در معرض ورشکستگی، مالکان میگویند دولت اقدام کند.

180 kârxâne-ye tawlidi dar Balx dar ma'raz-e varşekastegi, mâlekân mêtgoyand dawlat eqdâm konad.

“Балхдаги 180 та ишлаб чиқариш корхонаси инқироз ҳолатида; мулкдорлар давлатнинг чора қўришини сўрайди.”

(<https://www.tolonews.com/fa/afghanistan>)

Тожик тилида:

-нома: баротнома “вексел хужжати” (барот “вексел”); ичозатнома “лицензия” (ичозат “ижозат”); ҷавознома “лицензия” (ҷавоз “рухсат”); тарознома “баланслар рўйхати” (тароз “баланс”); шартнома “шартнома” (шарт “шарт”); аҳднома “шартнома” (аҳд “аҳд, келишув”); тасдиқнома “сертификат” (тасдиқ “тасдиқ”).

-кор: музоядакор “аукционист” (музояда “аукцион”); сарфакор “тежамли” (сарфа “тежам”); соҳибкор “бизнесмен” (соҳиб “эга”).

-хона: гаравхона “ломбард” (гарав “таров”); корхона “корхона” (кор “иш”).

-гоҳ: фурӯшгоҳ “бозор” (фурӯш “сотув”).

пас-: пасандоз “депозит” (андоз, андохтан “ташламоқ” феълининг ҲЗН).

сар-: сармоя “капитал” (моя “манбаъ”); сармуҳосиб “бош бухгалтер” (муҳосиб “бухгалтер”).

пеш-: пешпардоҳт, пешбаҳо ва пешмузд “аванс” (пардоҳт “тўлов”, баҳо “нарх” ва музд “маош”).

ғайр-и-: ғайри холис “брутто” (холис “ҳақиқий, соғ”).

Додгоҳи ҳокимият (суди иқтисодӣ, арбитраҷӣ) дар мавриди мавҷуд будан нишонаҳои зерин корхонаро муфлис эълон мекунад: Афзун будани ўҳдадориҳои қарздор бар дороиҳо (ин ҳолатро тарознома корхона тасдиқ карда метавонад)...

Хукумат суди (иктисодий суд, арбитраж суди) қуидаги белгилар мавҷуд бўлганда корхонани банкрот деб эълон қиласи: қарздорнинг зиммасидаги қарзи унинг мол-мулкидан кўп бўлганда (бу ҳолатни корхона баланси тасдиқлай олади)...

(https://www.durahshon.tj/fan/view_post.php?id=230)

2.3. Композиция усули орқали ясалган иқтисодий терминлар

Маълумки, композиция усули сўз ясалишининг энг қадимий усули бўлиб, у маҳсулдорлик жиҳатидан аффиксациядан кейин иккинчи ўринда туради.

Таҳлил давомида учратиладиган сўзлар ичидан мураккаб сўз ясаш, композитсия усули орқали сўз ясаш ва қўшма сўз ясаш бир хил маънони билдиради. Таҳлилимизнинг бу қисми структур таснифлашнинг қўшма сўз қисмини ўзида мужассамлаштирган.

Қўшма сўзлар ҳақида қанча тадқиқотлар яратилмасин, бу соҳа барибир баҳсли масалалар ҳамда назарий изланишлар мавзуи бўлиб қолмоқда. қўшма

сўзни аниқлашда тадқиқотчилар турли мезонга асосланадилар – баъзилар факат формал, бошқалари қатъий равишда семантик ёки функционал жиҳатдан ,ндошадилар. Эрон тилшунослигида ҳам композиция ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бир гурух олимлар қўшма сўзни унинг яхлитлигидан келиб чиқиб тадқиқ этсалар, бошқалари эса бу ҳолатни эътибордан четда қолдириб, қўшма сўз компонентларининг морфологик таркибини тавсифлаш билангина чекланадилар⁸⁹.

Форс тилида қўшма сўз масалалари Ю.А. Рубинчик⁹⁰, Л.С. Пейсиков⁹¹, Х.З. Алимова⁹² каби бир қатор эроншунос олимлар томонидан турли даражада ўрганилган.

Композиция усули орқали қўшма сўз ясалиши форс тилида қадимий ва доимий сўз ясалиш усулларидан бири ҳисобланади. Қўшма сўз ясалиши натижасида икки(уч) сўз асосидан иборат ўзига хос маънога эга бўлган яхлит сўз ҳосил бўлади. Қўшма сўз ясалиш усули аффиксация усули билан бир қаторда форс тили ривожининг деярли барча босқичларида ўзининг устунлик ҳолатларини сақлаб қола олган⁹³.

Композитсия (*лот. compositio - тузии*) - сўз қўшиш, қўшма сўзлар.

Қўшма сўз - таркибида бирдан ортиқ лугавий маъноли қисм бўлган сўз⁹⁴.

Л.С.Пейсиковнинг сўз ясалишига оид очеркида композиция ҳодисасига моделлар асосида ўзакларнинг қўшилиши⁹⁵, деб таъриф берилади. Шунингдек, ҳамма қўшма сўзлар лексик морфемаларни қўшиш асосида пайдо бўлмаганлиги, улар бошқа йўллар (синтактик бирликнинг лексикализациялашуви, конверсия ва б.) билан ҳам ясалиши таъкидланади⁹⁶.

⁸⁹ Бу ҳақда қаранг. Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском язӯке. – Т.: Мецниереба, 1981. –Б. 16-30.

⁹⁰ Рубинчик Ю.А. Грамматический очерк персидского языка // Персидско-русский словарь. – В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. – Т. 2.

⁹¹ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973.

⁹² Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол. фан. ном...дисс. – Т., 2005. – 1346.

⁹³ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд - во МГУ, 1975. – С.99.

⁹⁴ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луфати. – Т., 2002. – Б.51.

⁹⁵ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского язӯка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – Б. 155.

⁹⁶ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского язӯка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – Б. 99.

Сўз ясашнинг аффиксация, яримаффиксация ва транспозитсия усуллари таърифларига мослашган ҳолда мураккаб сўз ясашни аввалдан мавжуд ёки янги пайдо бўлган, амалдаги (жорий) қолиплар асосида ўзакларнинг (лексик морфемаларнинг) типик, мунтазам ва сайланма (танловли) қўшилиши деб характерлаш мумкин⁹⁷.

Шуни айтиш керакки, у ёки бу сўзниг қўшма сўз деб қаралиши уларнинг морфем структурасига боғлик. Яъни таркибида бирдан ортиқ мустақил лексик маъно ифодалай оладиган бирлик бўлган ҳар қандай сўз қўшма сўздир. Бундай сўзлар сўз ясалишининг тамомила бошқа-бошқа типларига мансуб бўлиши мумкин. Шу сабабли композиция усули билан сўз ясалиши деганда умуман қўшма сўз ясалишини тушуниш ва қўшма сўз ҳосил бўлиши деганда фақат композиция усули билан сўз ясалишини назарда тутиш тўғри бўлмайди⁹⁸.

Х. Алимова дарий тилида қўшма сўзлар қуйидаги белгиларга эга эканлигини таъкидлайди:

1. **Фонетик белги.** қўшма сўз бир асосий (бош) урғуга эга бўлади.
2. **Грамматик белги.** қўшма сўз қисмлари орасида грамматик алоқа бўлмайди.
3. **Семантик белги.** қўшма сўз бир маъно ифодалайди.

Демак, бирдан ортиқ мустақил маъноли сўзларнинг қўшилиб янги маъноли сўз ясашига мураккаб сўз ясаш дейилади. Шунингдек, қўшма сўз содда сўз каби тил бирлиги бўлиб, ундан нутқда тайёр ҳолда фойдаланамиз.⁹⁹

Кўшма сўз ясаш асосан икки йирик бўлимдан иборат.

- 1) Копулятивлар. Икки бир-бирига teng негизлар қўшилишидан ясаладиган қўшма сўзлардир.

⁹⁷ Vohidov A.A Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010. – В. 83.

⁹⁸ Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол. фан. ном...дисс. – Т., 2005. –Б. 27.

⁹⁹ Кўрсатилган манба. –Б. 31.

Копулятив сўзлар кўпинча ўзаро боғловчи ёки кўмакчилик воситасида боғланган бўлади.

Копулятив сўзларнинг бошқа бир модели аглютинатив модели бўлиб, унда от билан от, сифатдош, равиш, XZN, “таклидий” сўзлар ва қайтариқ сўзлар учрайди. Мас:

- a) Боғловчили копулятивлар: *takodav* - югур-югур, *gerdāgerd* - ён-атроф, *yoitoxiš* - қариндош уруз, *šostošu* - ювиниши.
 - b) Аглютинативлар: *gāvmiš* - қўтос, *širberenj* - ширгуруч, *šekarbādām* - шакарга қовурилган бодом, *kāsekuze* - идииш-товоқ.
- 2) Иккинчи катта гурух “детерминатив” қўшма сўзлар бўлиб, бу гуруҳдаги сўзларда “от билан от”, “от - сифат”, “сон билан от”, “олмос билан от” ва ҳ.к. бири-бирини аниқлаб келади. Бундай қўшма сўзларнинг энг кўп учрайдиган моделлари қўйидагилар:

1. От + от: *Irānšahr* - Эроншаҳр, *xārčašt* - кўзга тушган чўп.
2. Сифат + от: *sefidčašt* - безбет, *sefidroy* - оқ юзли.
3. Сон + от: *čahārpā* - чорва, *setār* - мус.асбооб.
4. От + XZN: *ābxor* - сугориши жойи, *bādkon* - вентилятор.
5. Равиш + от: *sobhdam* - эрталаб, *šabhengāt* - кечки пайт ва ҳ.к.¹⁰⁰

Эроншунос олим А. Воҳидов ўзининг “Форс тилида сўз ясалиши” китобида мураккаб сўзларнинг учинчи турини ҳам киритган, бу - синтактиомнанд мураккаб сўзлар - битишималар (қисқарган ҳолда битишималар). Бу тур мавжуд форс тили грамматикаларида ажратиб кўрсатилмайди¹⁰¹.

Маълумки, детерминатив қўшма сўзлар композиция усули орқали ясалувчи қўшма сўзлардир. Детерминатив қўшма сўзлар ўз таркибидаги компонентларининг ўзаро муносабатига кўра ҳоким ва тобе сўз орқали боғланувчи сўз бирикмаларини эслатади. Бу каби қўшма сўзларда бир

¹⁰⁰ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 19-20.

¹⁰¹ Vohidov A.A Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010. – В.81.

компонент бошқа бир компонент маъносини аниқлаштирувчи бўлиб, улар ўзаро биргаликда ягона тугал маънони англатиб келади¹⁰².

Қиёсланаётган тилларда иқтисодий термин ясашда қуйидаги копулятив ҳосилалар иштирок этди:

Форс тилида:

“**ЎЗН+И+ХЗН**” ҳосиласи: (бу ерда И→ интерфикс (*xarid-o-furoš* “савдо-сотик”, *xaridan* “сотиб олмоқ” феълининг ЎЗН + - интерфикс + *furuxtan* “сотмоқ” феълининг ХЗН)).

Бу сўз ясалиш усули орқали ясалган иқтисодий терминларни манбалар асосида ўрганиш, улар ҳақида аниқроқ тасаввурга эга бўлишга ёрдам беради.

خرید و فروش خودرو با چند کلیک در چند مرحله ساده

Xarid-o foruš-e xodrou bā čand kelik dar čand marhale-ye sāde

“Машиналар савдо-сотиги бир неча клик босиш билан бир неча содда босқичда”

(www.bama.ir/sell)

صرافی المپیک از سال 1373 فعالیت خود را در زمینه خرید و فروش ارزهای رایج در سراسر جهان آغاز نمود.

Sarrāfi-ye alimpik az sāl-e 1373 faāliyat-e xod rā dar zamine-ye xarid-o foruš-e arz hā-ye rāyej dar sarāsar-e jahān āyāz namude.

“Олимпик номли пул айирбошлиш маркази ўзининг фаолиятини 1373 йилдан жаҳон миқёсида муомаладаги валюталар савдо-сотиги соҳасида бошлаган”

(<http://www.o-xe.com/>)

“**ЎЗН+И+ЎЗН**” ҳосиласи: *dād-o-setod* “савдо-сотик, олди-берди” *dādan* “бермоқ” феълининг ЎЗН + - интерфикс + *setodan* “олмоқ” феълининг ЎЗН).

¹⁰² Рубинчик Ю. А. Грамматика современного литературного персидского языка. – М., 2001. – С. 161.

“**от+И+от**” ҳосиласи: دخل و خرج *daxl-o-xarj* “кирим - чиқим”, (*дaxл* “даромад” + و - интерфикс + خرج *xarj* “харажат, буромад”); سود و زیان *sud-o-ziyān* “фойдада-ю зарар”, (*sud* “фойда” + و - интерфикс + زیان *ziyān* “зиён, зарар”); حرق و غرق *hary-o-yary* “форс-мажор(табиий оғатлар)”, (*hary* “ёниш, қуиши” + و - интерфикс + غرق *yary* “чўкиш, ғарқ бўлиш”).

یک کارشناس اقتصادی وضعیت دخل و خرج دولت در سال ۹۵ را تحلیل کرد.

Yek kāršenās-e eytesādi vaziyat-e daxl-o xarj-e doulat dar sāl-e ۹۵ rā tahlil kard.

“Бир иқтисодий эксперт ۹۵-йилдаги давлатнинг кирим-чиқимларини таҳлил қилди”.

(اطلاعات، ۲۰۱۶/۰۲/۲۱، ص: ۱)

Редупликация орқали ҳосил бўлган ҳосила: برج و برج *xarj-o-borj* “асосий ва иккиламчи харажатлар, харажатлар”. Бу сўзда خرج *xarj* “харажат сўзи маънога эга сўз ҳисобланади. Иккинчи компонентнинг эса бунга алоқадор маъноси йўқ, яни биринчи компонентнинг товуш ўзгарган варианти ҳисобланади.

خرج و برج یک سیستم آنلاین حسابداری شخصی است.

Xarj-o-borj yek sistem-e ānlayn-e hesābdāri-ye šaxsist.

“Асосий ва иккиламчи харажатлар бир онлайн тизимидаи шахсий ҳисоб-китобдир.”

(www.kharjobarj.ir)

Дарий тилида:

“**ЎЗН+И+ХЗН**” ҳосиласи: خرید و فروش *xarid-o-forōs* “савдо-сотик”, خریدن *xaridan* “сотиб олмоқ феълининг ЎЗН + و - интерфикс + فروختن, فروش *forōxtan* “сотмоқ” феълининг ХЗН).

“**ЎЗН+И+ЎЗН**” ҳосиласи: داد و گرفت *dād-o-gereft* “олди-берди” (*dād*, داد *dādan* “бермоқ” феълининг ЎЗН + و - интерфикс + گرفتن, gereft, گرفت *gereftan* “олмоқ” феълининг ЎЗН).

“**от+И+от**” ҳосиласи: ‘عرضه و تقاضا’ *arza-o-taqâzâ* “талаб ва таклиф” (‘*arza* “таклиф” + - интерфикс + تقاضا *taqâzâ* “талаб”); **كسب و کار** *kasb-o-kâr* “бизнес” (*kasb* “эгаллаш, касб қилиш” + - интерфикс + *kâr* “иш”); **كمیت و کیفیت** *kamiyat-o-kayfiyat* “сифат ва микдор” (*kamiyat* “микдор” + - интерфикс + *kayfiyat* “сифат”).

مسؤولان بانک مرکزی گفته‌اند که کاهش و افزایش بهای نرخ مبادله ارزها در بازارهای کشور وابسته به عرضه و تقاضا به ارزها است.

Mas'ulân-e bank-e markazi goftaand ke kâheš va afzâyeš-e bahâ-ye narx-e mubâdela-ye arz hâ dar bâzâr hâ-ye kešvar vâbasta ba 'arza-o-taqâzâ ba arz hâ ast.

“Марказий банк масъуллари мамлакат бозорларида валюта айирбошлиш нархининг ошиши ва тушиши валюталарга бўлган талаб ва таклифга боғлиқлигини айтишди.”

(<https://www.tolonews.com/fa/business>)

Тожик тилида:

“**ЎЗН+И+ХЗН**” ҳосиласи: хариду фурӯш “савдо-сотик” (харид, харидан “сотиб олмоқ” феълининг ЎЗН + у + фурӯш, фурӯхтан “сотмоқ” феълининг ХЗН).

“**ЎЗН+И+ЎЗН**” ҳосиласи: даромаду баромад “кирим-чиқим” (даромад, даромадан “кирмоқ” феълининг ЎЗН + у + баромад, баромадан “чиқмоқ” феълининг ЎЗН).

“**от+И+от**” ҳосиласи: арза ва тақозо “талаб ва таклиф” (арза “таклиф” + ва + тақозо “талаб”); талаб ва пешниҳод “талаб ва таклиф” (талаб “талаб” + ва + пешниҳод “таклиф”); сифат ва микдор “сифат ва микдор” (сифат “сифат” + ва + микдор “микдор”).

Хариду фурӯш миёни Тоҷикистон ва Узбекистон дар соли 2017 бештарин рушдро нисбат ба додуситад бо дигар кишварҳо доштааст

“Тоҷикистон ва Ўзбекистон ўртасидаги 2017 йилги савдо-сотик бошқа мамлакатлар билан олди-бердига нисбатан энг кўп ўсишга эга.”

(<https://sputnik-tj.com/economy/20180116/1024433384.html>)

Киёсланаётган тилларда иқтисодий термин ясашда қуидаги детерминатив моделлар қайд қилинди:

Форс тилида:

“**от+от**” модели: *ejārebahā* “ижара пули”, (*ejāre* “ижара”, *bahā* “нарх, қиймат”); *kārmozd* “ойлик иш ҳаққи”, (*kār* “иш, юмуш”, *mozd* “иш ҳаққи”); *dastmozd* “чойчақа, күл ҳаққи”, (*dast* “күл”, *mozd* “иш ҳаққи”); *velxarj* “исрофгар, исроф қилувчи”, (*vel* “бўш, эркин”, *xarj* “харжат”).

حقوق و دستمزد در سال 95 باید چقدر باشد تا خرج و برج با هم یکی شود؟

Hoγuγ va dastmozd dar sāl-e 95 bāyad čeyadr bāšad tā xarj-o barj bā ham yeki šavad?

“Кирим-чиқимлар тенг бўлиши учун 95-йилда ойлик ва иш ҳаққи қанча бўлиши керак?”

(www.fardanews.com)

“**сифат+от**” модели: *derāzmoddat* “узоқ муддатли” (*derāz* “драв” (دراز), *moddat* “муддат”); *xordebāj* “майда тўлов” (*xorde* “майда”, *bāj* “тўлов, бож”); *gerānbahā* “қиммат нархли” (*gerān* “қиммат”, *bahā* “нарх, қиймат”).

بیش تر امکانات مالی که از طریق بانک جهانی در اختیار کشورهای کمتر توسعه یافته قرار داده شد یا به صورت کمک مالی بود و یا به شکل اعتبار درازمدت ...

Bištar emkānāt-e māli ke az tariq-e bank- jahāni dar exteyār-e kešvar hā-ye kamtar touse 'e yāfte yarār dāde šod yā be surat-e komak-e māli bud va yā be šekl-e e 'tebār-e derāzmoddat...

“Жаҳон банки томонидан кам ривожланган мамлакатларга берилган молиявий ёрдам ё молиявий ёрдам сифатида ва ё узоқ муддатли кредит шаклида...”

(www.parsine.com/fa)

“от+Х3С” модели: мзайде канде *mozāyedekonande* “аукционист” (мзайде) *mozāyede* “аукцион”, крدن *kardan* “қилмоқ” феълининг ҳозирги замон сифатдоши);

Дарий тилида:

“от+от” модели: *ejārabahâ* “ижара пули”, (*اجاره* بها), *bahâ* “нарх, қиймат”); *kârbarg* “иш қоғози”, (*کار* بىرگ); *kâr* “иш, юмуш”, *barg* “қоғоз, лист”); *dastmozd* “чойчақа, қўл ҳакқи”, (*دست* مزد *dast* “кўл”, *mozd* “иш ҳаққи”);

“сифат+от” модели: *darâzmoddat* “узоқ муддатли” (دراز *darâz* “узун”, *moddat* “муддат”); *garânbahâ* “қиммат нархли” (*گران* garân “қиммат”, بها *bahâ* “нарх, қиймат”).

“от+Х3С” модели: мзайде канде *mozāyadakonanda* “аукционист” (мзайде) *mozāyada* “аукцион”, крден *kardan* “қилмоқ” феълининг ҳозирги замон сифатдоши).

برای معلمین قرضه های دراز مدت داده می شود.

Barâ-ye moallemin qarza hâ-ye darâzmoddat dada mēšavad.

“Ўқитувчилар учун узоқ муддатли кредитлар берилади.”

(<https://da.azadiradio.com/af/1810203.html>)

Тожик тилида:

“от+от” модели: дастмузд “қўл ҳакқи” (даст “қўл”, музд “иш ҳаққи”).

“сифат+от” модели: арzonбахо “арzon нархли” (арzon “арzon”, баҳо “баҳо, нарх”); дарозмуддат “узоқ муддатли” (дароз “узун”, муддат “муддат”); дарозмӯхлат “узоқ муддатли” (дароз “узун”, мӯхлат “мухлат”).

“от+Х3С” модели: музоядакунанда “аукционист” (музояда “аукцион”, кардан “қилмоқ” феълининг ҳозирги замон сифатдоши).

Тоҷикистон бо Чин барои гирифтани 500 миллион доллар қарзи дарозмуддати имтиёзном музокирот доранд.

“Тожикистон Хитой билан 500 млн доллар миқдорида узоқ муддатли имтиёзли кредит олиш учун музокара ўтказади.”

(<http://www.tojnews.org/tj/news/>)

2.4. Транспозиция усули орқали ясалган иқтисодий терминлар

Транспозитсия (*лот. transpositio - ўрин алмаштириши*) - грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган вазифада қўлланиши. Масалан, бир туркум сўзининг матнда бошқа туркум сўзи каби қўлланиши¹⁰³. Бунга қиёслаш учун конверсия модели олинган. Конверсия (*лот. conversion - айланниш, ўзгариш*) - сўзниң фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши¹⁰⁴.

Транспозиция ва конверсия тушунчалари ҳақида гап кетганда, Е.С. Кубряковага таянган ҳолда, қуйидагиларни айтиш мумкин: “Транспозиция ва конверсия тушунчаларининг ўзаро муносабати анчагина мураккаб, бироқ пировардида конверсияни сўз ясаш хусусиятига эга бўлган морфологик транспозиция сифатида қабул қилиш мумкин”¹⁰⁵.

Амалда бўлган ва маҳсулдор сўз ясаш усули ҳисобланган транспозитсиянинг моҳияти шундан иборатки, сўз ясовчи асосларга ҳеч қандай аффикс ёки яримаффикс қўшмай янги сўзлар ясалади. Маълум бир сўз туркумига тегишли бўлган бирламчи сўз ясовчи асос янги мақом, янги муҳит ва қўпинча “бегона” парадигма касб этиши натижасида аффиксация босқичини четлаб ўтиб, бошқа сўз туркуми вакилига айланади¹⁰⁶.

Йирик эроншунос олим А. Қуронбеков ҳам бу сўз ясаш усули ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирган. Яъни: Транспозитсия усули - сўзларнинг бир сўз туркумидан иккинчисига ўтиши ва янги маъно касб қилишидир.

¹⁰³ Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. – Т., 2002. – Б. 111.

¹⁰⁴ Кўрсатилган манба. – Б. 51.

¹⁰⁵ Кубрякова Е.С. Теория номинации и словообразование // Языковая номинация (Виды наименований). – М.: Наука, 1977. – Б. 292.

¹⁰⁶ Vohidov A.A. Fors tilida so‘z yasalishi. – Т., 2010. – В. 59.

Форс тилида сўз туркумлари орасида чегара қатъий бўлмаганлиги ва сўзлар бир сўз туркумидан иккинчисига осонликча ўтишини назарга олсак, бу усулда ясалган сўзларнинг анча бойлигини ва ҳозиргача бундай жараён давом этиб келаётганини эътироф этишга тўғри келади¹⁰⁷.

Транспозитсия усулида сўз ясашнинг кўп усуллари мавжуд. Унинг энг кенг тарқалган усулларидан бири-конверсия усулидир. Бу усулда янги сўзлар “от→феъл” моделида ясалади.

Форс тилида отлардан феъл ясаш асосан бадиий адабиёт , публистикада кўп қўлланиб янги ясалган феълларнинг бир қисми умум тил системасига ўтади. Mac.: *xoruşidan* - бақирмоқ, *paridan* - учмоқ, *anjāmidan* - тугатмоқ, *andişidan* - ўйламоқ, *segālidan* - кўнглига тугмоқ, *dozdidan* - ўғирламоқ умум тил системасига кирган отдан ясалган феъллардир.

Ҳозирги замон тилшунослари форс тилида содда феъллар миқдори тобора камайиб, унинг ўрнига кўшма феъллар эгаллаётганидан хавотирланиб, отлардан сода феъл ясашга чақирса ҳам, лекин бу ясама феълларни ҳозирча халқ қабул қилмаяпти ва кўпроқ кинояли маънода ишлатилади.

Кейинги кенг тарқалган модел “ўтган замон феъл негизи→от” бўлиб бу модел қадимги форс тилидан ҳозиргача сермаҳсул ҳисобланади. Шуни айтиш керакки бу моделда ҳам сода феъллардан, ҳам префиксли ҳам кўшма феъллардан от ясалади.

Кейинги модел “Ҳозирги замон феъл негизи →от” бўлиб, бу моделда ясалган отлар нисбатан камроқ учраса ҳам лекин ҳозирги замонда фаол фойдаланишмоқда. Mac.: *foruš* - сотув, *gozar* - чоррача, *negār* - нақши...

Бу икки модел бирлашиб копулятив шаклдаги сўз ясаш моделини юзага келтиради: *girodār* - тўқнашув, *suzogodāz* - куйиб-пишиши, *bandobast* - келишув, *roxtoraz* - овқат пишириши...

¹⁰⁷ Quronbеков А. Fors tili leksikologiyasi. – Т., 2009. – В. 18.

Транспозитсиянинг бошқа моделлари “сифат→от”, “от→сифат”, “феъл→модал сўз”, “сифат→равиш” ва ш.ў. моделлардир. Бу моделлардан энг сермаҳсули “от→кўмакчи” бўлиб, форс тилида юзлаб от кўмакчи учрайди.

Mac.: *ruy-e, pošt-e, pay-e* ва х.к¹⁰⁸.

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, транспозитсия бу - бир сўз туркумига оид бўлган сўзниң бошқа бир сўз туркумига айланиб янги сўз ясалиши ҳисобланади.

Қиёсланаётган тилларда иқтисодий терминлар ясашда транспозиция усули орқали сўз ясашнинг қуйидаги моделлари қайд қилинади:

Форс тилида:

“Ўтган замон феъл негизи (ЎЗН) →от”: *pardāxt* “тўлов”, *pardāxtan* “тўламоқ” феълининг ЎЗН); *varšekast* ورشکست “банкрот, инқироз”, *varšekastan* “банкрот бўлмоқ” феълининг ЎЗН); *bardāšt* برداشت “чиқариш(муомаладан)”, *bardāstan* “кўтармоқ” феълининг ЎЗН); *xarid* “харид”, *xaridan* “сотиб олмоқ” феълининг ЎЗН); *darāmad* درامد “даромад, кирим”, *darāmadan* “кирмоқ” феълининг ЎЗН); *darxāst* درخواست “таклиф, талаб, сўров”, *darxāstan* “сўрамоқ” феълининг ЎЗН); *rasid* رسید “квитанция”, *rasidan* “етмоқ” феълининг ЎЗН); *sāxt* ساخت “маҳсулот, битим, келишув”, *sāxtan* “курмоқ, яратмоқ” феълининг ЎЗН); *yarārdād* قرارداد “шартнома”, *yarārdādan* “ўрнатмоқ, қўймоқ,” феълининг ЎЗН); *ravādid* روادید “виза” *ravā didan* “раво кўрмоқ, муносиб билмоқ” феълининг ЎЗН).

در این نوع اعتبار طبق قرارداد اولیه، بهای کالا و یا خدمت، طبق توافق طرفین در سررسید معین بعد از انجام تعهد توسط فروشنده، از طرف بانک پرداخت می‌گردد.

Dar in nou e'tebār teby-e qarārdād-e avvaliye, bahā-ye kālā va yā xedmat, teby-e tavāfoy-e tarafeyn dar sarrasid-e moayyan ba'd az anjām-e ta'ahhod tavassot-e forušande, az taraf-e bank pardāxte migardad.

¹⁰⁸ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – T., 2009. – B. 19.

“Бу турдаги кредит биринчи шартномага кўра, товар ва ё хизмат нархи, муайян тўлов муддатида икки тарафнинг ўзаро келишуви асосида сотувчи тараф мажбуриятининг бажарилишидан кейин, банк томонидан берилади.”

(<http://www.shahr-bank.ir/index.aspx?siteid=1&pageid=1584>)

بنابراین براتکش مسئول اصلی پرداخت وجه برات است.

Banābarin barātkeš mas 'ul-e asli-ye pardāxt-e vajh-e barāt ast.

“Бинобарин вексел берувчи шахс вексел тўловининг асосий жавобгариридир”

(www.pajoohe.com)

دижی‌کالا بزرگترین فروشگاه اینترنتی برای کاربران خود «تجربه‌ی لذت‌بخش یک خرید اینترنتی» را تداعی می‌کند.

Diji-kālā bozorgtarin forušgāh-e interneti barā-ye kārbarān-e xod “tajrobe-ye lazzatbaxš-e yek xarid-e interneti” rā tadā'i mikonad.

“Энг катта интернет бозори бўлган Дижи-коло ўзининг ишчиларини “бир интернет орқали хариднинг лаззатбахш тажрибаси”га чорлайди.”

(<http://www.digikala.com/>)

“Ҳозирги замон феъл негизи (ҲЗН) → от”: افت oft “тушиб кетиш, йўқ бўлиш(ўрамдан)”, oftādan “тушиб кетмоқ, йиқилмоқ” феълининг ҲЗН); foruš “сотув”, فروختن) foruxtan “сотмоқ” феълининг ҲЗН).

فروش خودرو با چند کلیک ساده در سریع ترین زمان.

Foruš-e xodrou bā čand kelik-e sāde dar sari'tarin zamān.

“Машиналар сотуви бир неча кликлар билан жуда қисқа вақт ичида ”

(www.bama.ir/sell)

Дарий тилида:

“Ўтган замон феъл негизи (ЎЗН) → от”: پрداخت pardāxt “тўлов”, pardāxtan “тўламоқ” феълининг ЎЗН); varšekast “банкрот, инқироз”, varšekastan “банкрот бўлмоқ” феълининг ЎЗН); خرید xarid “харид”, xaridan “сотиб олмоқ” феълининг ЎЗН); драмад darāmad “даромад,

кирим”, *darâmadan* “кирмоқ” феълининг ЎЗН); *qarârdâd* قرارداد “шартнома”, (*qarârdâdan* قراردادن) “ўрнатмоқ, қўймоқ,” феълининг ЎЗН); *ravâdid* “виза” *ravâ didan* “раво кўрмоқ, муносиб билмоқ” феълининг ЎЗН).

قانون دریافت قرضه های طویل المدت برای خرید منازل تصویب شد.

Qânun-e daryâft-e qarza hâ-ye tavilolmoddat barâ-ye xarid-e manâzel tasvib šod.

Туар жойларнинг харидига мўлжалланган узоқ муддатли кредитларни олиш бўйича қонун қабул қилинди.

(<http://kabulnews.af/dari/index.php/afghanistan>)

“Хозирги замон феъл негизи (ҲZN) →от”: *foroš* فروش “сотув”, *forôxtan* “сотмоқ” феълининг ҲZN).

Тожик тилида:

“Ўтган замон феъл негизи (ЎЗН) →от”: пардоҳт “тўлов” (пардоҳтан “тўламоқ” феълининг ЎЗН); харид “харид” (харидан “сотиб олмоқ” феълининг ЎЗН); расид “квитанция” (расидан “этмоқ” феълининг ЎЗН); даромад “кирим” (даромадан “кирмоқ” феълининг ЎЗН); баромад “чиқим” (баромадан “чиқмоқ” феълининг ЎЗН); қарордод “шартнома” (қарор додан “ўрнатмоқ, қўймоқ” феълининг ЎЗН); варшикаст “банкрот, инқироз” (варшикастан “банкрот бўлмоқ” феълининг ЎЗН); раводид “виза” (раводидан “раво кўрмоқ, муносиб билмоқ” феълининг ЎЗН).

“Хозирги замон феъл негизи (ҲZN) →от”: андоз “солик” (андоҳтан “ташламоқ, отмоқ” феълининг ҲZN); фурӯш “сотув” (фурӯхтан “сотмоқ” феълининг ҲZN).

Дар доираи ҳамоиши доираҳои соҳибкорони Тоҷикистону Қазоқистон, ки имрӯз дар Душанбе баргузор гардид, миёни ширкатҳои «Amitech Astana»-и /Амитех Астана/ Қазоқистон ва «ПластСервис»-и Тоҷикистон ба маблағи се миллион доллари амрикӣ қарордод ба имзо расид.

“Бугун Душанбеда ўтказилган Тожикистон ва Қозоқистон тадбиркорлари ўртасидаги конференцияда Қозоқистоннинг “Amitech Astana” ва Тоқикистоннинг “ПластСервис” компаниялари ўртасида уч млн долларлик шартнома имзоланди.”

(<http://tpp.tj/2017/04/21/>)

3. Қиёсланаётган тилларда ўзлашма иқтисодий терминлар

Тил лугат таркибининг ривожи маълум қонуниятларга асосланади. Луғат таркибида муайян тарихий даврлар ўтиши билан ўзига хос маълум ўзгаришлар юз бериши мумкин. Бундай ўзгаришлар маълум ички қонуният, ташқи кучлар таъсирида, обектив равишда, маълум мезонлар доирасида юз беради. Тилга бошқа тиллардан сўз қабул қилиниши ҳам шундай. Тил ўзида воситалар, имкониятлар бўлган ҳолда бошқа, ўзга тилдан сўз олмайди. Қабул қилинувчи сўз маълум бирор янги тушунча англатса, янги информатсия ташиса ёки у ёки бу семантик юкка эга бўлсагина тилга кириши мумкин¹⁰⁹.

Тил ижтимоий ҳодиса ва у доимо ривожланишда бўлади. Унинг ривожланиши икки омилга боғлиқ: Ички ва ташқи омилга. Ташқи омилга ўзлашмалар киради. Ўзбек тили лексикологиясида ўзлашмага қуйидагича таъриф берилган: “Бир тилдан иккинчи бир тилга тил элементларининг қабул қилиниши, ўтиши ўзлаштириш деб юритилади. Ўзлаштириш туфайли бир тилдан иккинчисига ўтган тил элементлари ўзлашмалар деб юритилади”¹¹⁰.

Дунё тилларининг ҳеч бири йўқки, ривожланиш ва ўсиш босқичини ташқи омиллар таъсирисиз босиб ўтган бўлса. Ҳар бир тилнинг луғат бойлиги шаклланиши учун авваламбор, тилнинг ички имкониятлари асосида пайдо бўлган сўзлар ва бошқа тиллар билан бўлган ўзаро таъсир натижасида тилнинг луғат бойлигига қабул қилинган сўз ва қўшимчалар, яъни ўзлашмалар асос бўлади. Албатта, мазкур ҳолат ҳар бир тилда турлича

¹⁰⁹ O‘zbek tili leksikologiyasi. –Т.: Fan, 1981. – В. 48.

¹¹⁰ Кўрсатилган манба. – В. 83.

кечади. Бу ушбу тилнинг бошқа тиллар билан иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларда қай даражада алоқага киришганлигига боғлиқдир.

Тилларнинг ўзаро сўз алмашинуви қадимги даврлардан бошланган. Сўзларнинг бир тилдан бошқа тилга кириши ва сингиши шунчаки оддий жараён эмас, балки мураккаб лингвистик ва ижтимоий-тарихий шароитлар билан боғлиқ қонуниятдир. Бу ҳолда, ўзлашаётган термин ёки аффикс қайси тилга қарашли эканлигидан қатъий назар ўша тилнинг талаффуз нормасига, сўз ясалиш системасининг умумий характерига, унинг “қонуният”ларига бўйсунади¹¹¹.

Илмий-техник соҳаларнинг кескин тараққиёти юзага келаётган маҳсус соҳа терминларининг тилга ўзлашиш ва мослашиш жараёнларини ҳам синчиклаб ўрганишни тақозо қиласди. Чунки бу термин ўзга бир тил бойлигидир. Ўзлашаётган термин қабул қилувчи тилда фонетик, график ва грамматик ўзлашув босқичларини босиб ўтган тақдирдагина тилга сингади.

Ўзлашмаларнинг характерли хусусиятларидан бири шундаки, улар маълум тушунчанинг шартли ифодаси сифатида қабул қилинади. Улар ўзлаштирувчи тил грамматикаси нуқтаи назаридан маъноли қисм (морфемалар)га ажратилмайди¹¹².

Адабиётларда ўзлашма терминларнинг ўзлашишида уч асосий гурӯҳ фарқланиши айтилади: 1) морфологик ўзгаришсиз, яъни бошқа тилда қандай талаффуз этилса, ўзлашаётган тилда ҳам шундай ўқиласди; 2) тўла морфологик субституция билан, яъни калька ёки семантик ўзлашув йўли билан ўзлашади; 3) қисман морфологик субституция йўли ёки гибрид шаклидаги ўзлашув йўли билан ўзлашади¹¹³.

Мазкур жараёнларнинг барчасида ўзга тил терминининг ўзлашаётган тилга мослашуви ҳолати маълум бир аҳамият касб этади.

¹¹¹ Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Т.: Фан, 1986. – Б. 20.

¹¹² Мирзахмедова Ҳ. В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясалиш усуслари: Филол. фан. фалс. док.(PhD)... дисс. –Т., 2017. – Б. 109-110.

¹¹³ Уралов Х. У. Научно-техническая терминология современного языка дари. – Т.: Фан, 1990. – С. 40.

Сўз ўзлаштириш мураккаб жараёндир. Илмий-техника, хусусан, транспортнинг тараққиёти натижасида маълум тилга ўзлашаётган ҳар қандай сўз (термин) ёки тил унсурлари янги тил муҳитида узоқ муддатли мослашув жараёнини бошидан ўтказади. Профессор А. Куронбеков таъкидлаганидек, “... чет тилидан мослашув жараёни бу узоқ муддатли жараён бўлиб, то янги сўз ёки бирикма тил системасининг ҳамма босқичларида ўз ўрнини топмагунича ўзлаштирувчи тил системасига сингиб кетмайди”¹¹⁴.

Чунки сўз ўзлаштирилаётган тил билан ўзлаштирувчи тилнинг товушлар системаси ҳамда грамматик қурилиши кўп ҳолларда бир-биридан фарқ қиласди. Бундан ташқари, ўзлаштирилаётган сўз ёки термин ҳар доим ҳам манба-тилдаги маъноси билан ўзлаштирилавермайди, ўзлаштирилувчи тилнинг фонетик ва грамматик тизимига мослаштирилади.

Форс, дарий, тожик тилларидаги ўзлашма иқтисодий терминларни шартли равишда икки йирик гурухга бўлиб ўрганиш лозим топилди:

I. Араб тилидан ўзлашган терминлар.

II. Европа тилларидан ўзлашган терминлар.

Қиёсланаётган тилларнинг иқтисодий терминлар таркибида қуйидаги ўзлашмаларнинг мавжудлиги қайд қилинди:

I. Араб тилидан ўзлашмалар.

Форс тилида: *jens* “товар”; *اسعار as'ar* “валюта”; *taylil-e eskenās* “инфляция”; *تورم tavarrom* “инфляция”; *e'tebār* “кредит”; *اعتبار enhesār* “монополия”; *bohrān* “кризис”; *taxfīf* “чегирма”; *rebh* “фойда”; *حـقـ السـهـمـ hayyol sahm* “дивидент”; *mofles* “бухгалтерия”; *arze-o-tayāzā* “талаб ва таклиф”; *kamiyat-o-keyfiyat* “сифат ва миқдор”; *bay'āne* “аванс”.

¹¹⁴ Куронбеков А. Форс тили лексикологияси. – Т., 2009. – Б. 61.

از لحاظ شکلگیری، استمرار و میزان تورم در اقتصاد ایران میتوان ۳ دوره را از هم تفکیک کرد.

Az lehāz-e šeklgiri, estemrār va mizān-e tavarrom dar eytesād-e Irān mitavān 3 doure rā az ham tafkik kard.

“Шаклланиш жиҳатидан Эрон иқтисодидаги инфляция даражаси ва давомийлигини уч босқичга бўлиш мумкин.”

(دنياى اقتصاد، ۱۳۹۵/۱۱/۳، ۱۱۶۰، ص: ۴).

جمع مبلغ арайе خدمت و پیمانکاری (سال مالی ۸۹) برای افرادی که جدیداً پروانه اشتغال اخذ نموده اند صفر ریال می باشد و برای سایرین در صورتی که در سال ۱۳۸۹ درآمدی داشته اند آن را ذکر نمائید.

jam'-e mablay-e erāye-ye xedmat-o-peymānkāri (sāl-e māli-ye 89) barāye afrādi ke jadidan parvāne-ye ešteyāl axz namudeand sefr riyāl mibāšad va barāye sāyerin dar surati ke dar sāl-e 1389 darāmadi dāsteand ān rā zekr namāyid.

“Шартнома асосидаги иш ва хизматлар хужжатининг умумий маблағи، эндигина ишлаш лицензиясини олган шахслар учун нол риёлга teng ва ۱۳۸۹-йилда даромадга эга бўлган бошқа шахслар эса буни қайд қилинг”

(<http://www.khrceo.ir/modules/etelaPrint.aspx?ID=706>)

Дарий тилида: *jens* “товар”; *ehtiyāj* “эҳтиёж”; *as'âr* “валюта”; اسعار اسعار *nazārat-e as'âr* “валюта назорати”; *enqebâz-e puli* “дефляция”; انقباض پولی; اقتصاد *tavarrom* “инфляция”; *e'tebâr* “кредит”; اعتبار *eflâs* “банкротлик”; افلاس تورم *eqtesâd* “иктисод”; احتیاج *enhesâr* “монополия”; بحران *bohrân* “кризис”; احصائیه *ehsâiya* “статистика”; تخفیف *taxfîf* “чегирма”; مزایده *mozâyada* “аукцион”; محاسب *mohâseb* “бухгалтер”; محسوسه *muhâseba* “бухгалтерия”; ربح *rebh* “фойда”; مفلس *mofles* “банкротлик”; موافنه *movâzena* “баланс”; عرضه و تقاضاً *'arza-o-taqâzâ* “талааб ва таклиф”; کمیت و کیفیت *kamiyat-o-kayfiyat* “сифат ва микдор”.

قانون دریافت قرضه های طویل المدت برای خرید منازل تصویب شد.

Qânun-e daryâft-e qarza hâ-ye tavilolmoddat barâ-ye xarid-e manâzel tasvib šod.

“Тураг жойларни сотиб олишга мўлжалланган узок муддатли кредитларни олиш бўйича қонун қабул қилинди”.

(<http://kabulnews.af/dari/index.php/afghanistan>)

Тожик тилида: мол “товар”; эҳтиёч “эҳтиёж”; асьор “валюта”; назорати асьор “валюта назорати”; таваррум “инфляция”; байъона “аванс”; қарз “кредит”; мувлишшавӣ “банкротлик”; иқтисод “иқтисод”; инҳисор “монополия”; бӯҳрон “кризис”; таҳифиф “чегирма”; музояда “аукцион”; муҳосиб “бухгалтер”; муҳосиба “бухгалтерия”; муфлис “банкротлик”; мувозина “баланс”; арза ва тақозо “талафва таклиф”; сифат ва миқдор “сифат ва миқдор”.

Тибқи муҳосиба ин ҷанг ба иқтисоди миллӣ беш аз 7 миллиард доллар зарар овард.

Хисоб-китоблар(бухгалтерия)га кўра бу уруш миллий иқтисодга 7 млрд доллардан кўпроқ зарар келтирди.

(http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=7309)

II. Европа тилларидан ўзлашмалар.

Форс тилида: اسکناس *āžāns* “агентлик”; *eskenās* “ассигнация”; انفلاسیون *enfelāsiyun* “инфляция”; بانک *bānk* “банк”; اتیکت *etiket* “этикетка”; *budje* بودجه “бюджет”; بیلان *bilān* “баланс”; بورس *burs* “биржа”; چک *ček* “чек”; دمپینگ *demping* “демпинг”; لیست *list* “қайднома, рўйхат”; ویزا *vizā* “виза”; پارتی *pārti* “партия (товар)”.
انفلاسیون روابط عمومی بورس تهران و به نقل از مدیریت ناشران...

Be gozāreš-e ravābet-e omumi-yə burs-e tehrān va be nayl az modiriyat-e nāšerān...

“Техрон биржаси умумий алоқаларининг хабарига ва нашриёт бошқармасининг фикрига кўра...”

(تهران امروز، ۲۰۱۴/۰۲/۲۲، ص: ۱.)

Дарий тилида: اسینا *ijensi* “агентлик”; *eskenās* “ассигнация”; دیفلاسیون *esinā* “ассигнация”; بانкнот *bānknowt* “банкнота”; نوت *nowt* “банкнота”; مارکه *dēflāsyun* “дифляция”; *enfelāsyun* انفلасیون “инфляция”; بанк *bānk* “банк”; *márka* “этicketка”; لیبل *lébal* “этicketка”; بودجه *budja* “бюджет”; بورس *burs* “биржа”; لايسنس *lāysens* “лицензия”; بیلانس *bilāns* “баланс”; چک *čak* “чек”; دمپنگ *lāysens* لایسنസ “лицензия”;

dempeng “демпинг”; *ksse* *kassa* “касса”; *lest* “қайднома, рўйхат”; *viza* “виза”.

فعلاً نرخ انفلاسیون در افغانستان ۱/۴ فی صد است که نسبت به کشورهای همسایه خیلی خوب است.

Fe'lan narx-e enfelâsyun dar Afyânestân ¼ fisad ast ke nesbat ba keşvar hâ-ye hamsâya xeyli xub ast

Хозирча Афғонистонда инфляция даражаси $\frac{1}{4}$ (0,25) фоиз бўлиб, бу кўрсаткич қўшни давлатларга нисбатан жуда яхшидир.

(هشت صباح، ۲۹ хот، ۱۳۹۵، ص: ۱)

Тожик тилида: агент “агент”; агентӣ “агентлик”; очонсӣ “агентлик”; ассигнатсия “ассигнация”; искинос “ассигнация”; дефлятсия “дефляция”; кредит “кредит”; кредитор “кредитор”; бонк “банк”; дебит “дебет”; вексел “вексел”; бучет “бюджет”; биржа “биржа”; дивидент “дивидент”; дисконт “дисконт”; чак “чек”; ауксионист “аукционист”; демпинг “демпинг”; дилер “дилер”; касса “касса”; рента “рента”; контрабанда “контрабанда”; бизнес “бизнес”; ломбард “ломбард”; виза “виза”.

Низомнома дойр ба ҳисоби бухгалтерӣ “Сиёсати ҳисобдорӣ дар корхонаҳо”

Бухгалтерия ҳисобига оид “Корхоналарда бухгалтерия сиёсати” низоми

(<https://tj.allinweb.ru/5150>)

Давлат метавонад кредитро бо мақсади батанзимдарории муомилоти пулӣ истифода намояд.

Давлат пул муомиласини тартибга солиш маҷсадида кредитдан фойдалана олади.

(<https://tj.allinweb.ru/6168>)

II боб бўйича хulosалар

Диссертация мавзунинг биринчи боби бўйича олиб борилган тадқиқот таҳлили қуидаги хulosаларни чиқаришга имкон берди:

1. Қиёсланаётган тилларда туб иқтисодий терминлар таркиби деяри бир хил эканлиги қайд қилинди.

2. Тадқиқотимизда аффиксация усули орқали иқтисодий термин ясашда қиёсланаётган тилларда суффикслар орқали термин ясашнинг маҳсулдор, префикслар орқали термин ясашнинг каммаҳсул эканлиги кузатилди.

Хусусан, форс тилида *-i(yā-ye nesbat)*, *-ande*, *-gar*, дарий тилида *-i(yā-ye nesbat)*, *-anda* ва тожик тилида *-ū* (*и и заданок*), *-анда* суффиксларининг сермаҳсул, ҳар учала тилда ҳам *var-* префиксининг каммаҳсул эканлиги қайд қилинди.

3. Баъзи ҳолатларда форс тилида **گ-** *-gar* аффикси орқали ясалган иқтисодий терминлар дарий тилида **گیر-** *-gir* феълий яrimаффикси орқали ва тожик тилида -шинос феълий яrimаффикси орқали, **چ-** *-či* аффикси орқали ифодаланган терминлар дарий ва тожик тилларида **بار-** *-bar* (тожик тилида -бар) феълий яrimаффикси орқали ифодаланмоқда.

4. Форс, дарий, тожик тилларида иқтисодий термин ясашда феълий яrimаафикслар сермаҳсул, исмий яrimаффикслар каммаҳсул деб топилди. Шунингдек, иқтисодий термин ясашда исмий яrimаффикслардан постпозитив типдаги исмий яrimаафикслар сермаҳсул ва препозитив типдаги исмий яrimаафикслар каммаҳсул эканлиги қайд қилинди.

Қиёсланаётган тилларда иқтисодий термин ясашда феълий яrimаафикслардан форс ва дарий тилларида **دار-** *-dār*, **گیر-** *-gir* суффиксал типдаги яrimаафикслар ва “ҲZN + **ش-** *yā-ye masdari*” типидаги блокли яrimаафиксларнинг, тожик тилида **дор,** **шинос** суффиксал типдаги яrimаафикслар ва “ҲZN + **заданок-** *-ū (и и заданок)*” типидаги блокли яrimаафиксларнинг сермаҳсул, форс тилида **شین-** *-nešin*, **خار-** *-xār*, дарий

тилида -کش *-kaš*, -خور *-xōr*, тожик тилида -гўй, -рав суффиксал типдаги яrimаффиксларнинг каммаҳсул эканлиги кузатилди.

5. Исмий яrimаффикслардан форс ва дарий тилларида -نامه *-nāme*, -خانه *-xāne*, тожик тилида -нома, -кор постпозитив типдаги яrimаффиксларнинг сермаҳсул ва форс, дарий тилларида -پس *pas-*, -پور *por-*, тожик тилида ғайр-препозитив типдаги яrimаффиксларнинг каммаҳсул эканлиги қайд қилинди.

6. Киёсланаётган тилларда композиция усули орқали иқтисодий термин ясашда дтерминатив моделларинг копулятив ҳосилалардан маҳсулдор эканлиги кузатилди.

Шунингдек, копулятив ҳосилалардан “от+И+от” ҳосиласининг сермаҳсул, “ЎЗН+И+ҲЗН” ҳосиласининг каммаҳсул эканлиги, дтерминатив моделлардан “сифат+от” моделининг сермаҳсул, “от+ҲЗС” моделининг каммаҳсул эканлиги кузатилди.

7. Форс, дарий, тожик тилларида транспозиция орқали термин ясашда “ЎЗН→от” моделининг сермаҳсул ва “ҲЗН→от” моделининг каммаҳсул эканлиги қайд қилинди.

8. Дарий ва тожик тилларида иқтисодий терминлар таркиби араб тилидан ўзлашмалар юқори фоизни ташкил этади. Форс тилида арабча ўзлашмалар кўрсаткичининг пастлиги бевосита Эрон тил ва адабиёт академиясининг фаолияти билан баҳоланади.

9. Киёсланаётган тилларда европа тилларидан ўзлашмалар деярли бир хил кўрсаткичда қайд қилинади. Бу терминларнинг таркиби интернационал терминлар бўлиб, қиёсланаётган тилларда ўзлаштирилаётган тил фонетик қонун-қоидаларига асосланган ҳолда рўй беради: آڙانس *āzāns* (форс тили), ايجنسى *ijensi* (дарий тили), агентӣ (тожик тили) “агентлик”.

10. Тожик тилида рус тили орқали ўзлашмалар кўрсаткичининг юқорилиги Тожикистоннинг Собиқ иттифоқ таркибида бўлгани ва рус тилининг таъсири орқали изоҳланади. Бу ҳолатни мазкур терминларнинг ўзбек тилида ҳам айнан такрорланиши тасдиқлайди.

Ш БОБ. ФОРС, ДАРИЙ ВА ТОЖИК ТИЛЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ДУБЛЕТЛАРНИНГ ЛЕКСИК-СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

XX аср охиридан бошлаб то ҳозирги кунга қадар олимлар терминологияда синонимия ҳодисасини чукур ўрганишга уриниб келмоқдалар. Синонимия ҳодисасининг терминологияда мавжудлигини инкор этмаган олимлар бу каби терминларни “синоним”, “вариант”, “дублет” деб номлайдилар¹¹⁵. Биз ишда “дублетлар” терминидан фойдаланамиз.

Адабиётларда термин ясалиши икки жараён оралиғида юз бериши таъкидланади: 1) терминнинг ясалиши; 2) терминнинг қайта ясалиши¹¹⁶.

Термин ясалиши – маълум бир тушунча ёки жараён учун янги тил бирлигининг ҳосил қилиниши билан белгиланади. Терминнинг қайта ясалиши эса маълум терминга ўзлаштирувчи тил нуқтаи назаридан янги бир терминнинг тақдим қилиниши билан намоён бўлади. Улар илмий тилда “вариантдошлиқ”, “дублет” каби терминлар билан аталади.

Дублетлик масаласи ҳақида сўз кетганда, дублетларнинг ўзи синонимия ҳодисаси таркибида ўрганилишини қайд этиш жоиз. Адабиётларда келтирилишча, синонимлар семантикасининг бир хиллик даражасига кўра икки типга бўлинади. Булар: 1) абсолют синонимлар–дублетлар; 2) семантик синонимлар¹¹⁷.

Семантик синонимлар тўлиқлигича синонимия ҳодисасининг объектидир. Дублетлар эса семантик таркиби тўлалиги билан айнан бир хил бўлган бирдан ортиқ сўздир.

Дублетлар одатда бир маъноли сўзларда кузатилади. Масалан: тилшунос-лингвист, қарсак-чапак ва шу кабилар. Бунинг устига дублетларнинг терминологияда мавжудлиги салбий ҳодиса бўлиб, бирдан

¹¹⁵Татаринов В.А. Общее терминоведение. Энциклопедический словарь. – М.: Московский Лицей, 2006. – С. 173.

¹¹⁶Алексеева Л. М. Проблемы термина и терминообразования: Учеб. пособие по спецкурсу. –П.: Перм. ун-т, 1998. – С. 17.

¹¹⁷Каранг: Миртоҗиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т.: ЎзМУ, 2000. – Б. 32.

ошиқ термин тил учун ортиқча ҳисобланади. “... термин фақат бир илмий-техник тушунчани англиши, илмий-техник тушунчаларга эса фақат битта термин мувоғиқ келиши лозим. Терминларнинг бир илмий-техник тушунчани ифодалаш учун ишлатиладиган турли синоним терминлар ножоиз ҳисобланади” –дея айтиб ўтилган¹¹⁸.

Умумий терминология тарихидан маълумки, маълум бир терминдан фойдаланишда қанчалик бир хилликка эътибор берилмасин, айни ҳолатда мазкур терминнинг тилда дублетидан ҳам фойдаланилади. Бу эса баъзи ҳолларда сиёсий-ижтимоий ҳамда тарихий шароитлар билан боғлиқ бўлса (масалан, илмий-техниковий, иқтисодий, дипломатик, санъат соҳаларининг ривожланиши), баъзida эса тилларнинг ўзаро сўз алмашинуви натижаси ҳамдир. Бундай ҳолатдан иқтисодий терминология ҳам мустасно эмас. Айниқса, гап бир ўзакли тиллар ҳақида кетганда, дублетликнинг мавжудлиги терминологиянинг бу жиҳатига ҳам алоҳида ургу беришни талаб қиласди. Шу жиҳатни инобатга олганда, форс, дарий ва тожик тиллари, уларнинг ҳар биридаги иқтисодий терминологиясидаги мавжуд дублетлик ва унинг деривацион ҳолатлари таҳлилга тортилади. Қолаверса, жамланган мисоллар ушбу пунктк бўйича тадқиқотни талаб қиласди.

X. Мирзахмедованинг қайд этишича, Шарқда илмий-техниканинг ривожи натижасида кириб келаётган ўзлашмалардан тилни “тозалаш”, тилнинг соғлигини сақлаб қолишга қаратилган “тил сиёсатлари” бошланиб, бунинг оқибатида Эронда уч бора “Тил академия”лари юзага келган. Тадқиқотчи ҳозирги кундаги форс тили терминологиясидаги дублетликнинг авж олишида ана шу академияларнинг сезиларли таъсири мавжудлигига ургу берган ва қўйидаги дублетлик қатламларини ажратиб кўрсатган:

- 1) ўз қатламга оид дублетлар;
- 2) ўзлашма қатламга оид дублетлар;

¹¹⁸Лингвистический аспект стандартизации терминологии. – М.: Наука, 1993. – С.15.

3) аралаш дублетлар¹¹⁹.

Жамланган мисолларимиз иқтисодий дублетлар сатҳида фақатгина аралаш тури мавжудлигини қўрсатди. Биз ҳам мазкур турдаги дублетлар қаторини таҳлил қилиб чиқамиз.

1. Иқтисодий терминологияда аралаш дублетлар

Аралаш дублетлар таркибида ҳам ўз қатlam, ҳам ўзлашма қатlam дублетлари мавжуд бўлади. Бир вақтнинг ўзида ҳар иккала (учала) вариантидан ҳам фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди.

Ўз қатlam лексикаси ўзлашма қатlam лексикасига нисбатан ажратилиши, ўз қатlamга мансуб сўзларнинг асосий негизини туб (ўзак) характеристидаги форсий сўзлар, бу сўзлар негизида ясалган ясама ҳамда қўшма лексемалар ташкил этиши маълум ҳодисадир¹²⁰. Шунга мувофиқ, мазкур гурухга дублетларнинг ҳар иккаласи (учаласи) асл қатlamга оид бўлган терминлар (бирикма терминларнинг ҳеч бўлмагандан ҳоким бўлаги асл форсий сўз бўлиши керак) киритилади.

Ўзлашма қатlam дублетлари таркибида ҳар иккала (учала) вариант ҳам ўзлашмадан таркиб топган бўлади. Бу ҳолатни, айниқса, форс тили нуқтаи назаридан қараганда, инглиз ёки француз тилидан ўзлашган сўзлар билан ифодалаш, дарий ва тожик тилларида эса рус тилидан ўзлашган сўзларни ишлатиш ҳолатларида ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳоннинг энг етук тиллари саналмиш француз, немис, япон, хитой, рус тилларининг илмий лексикаси инглиз тили илмий лексикаси билан тенглаша олмайди. Айни шундай муаммога форс, дарий ва тожик тиллари ҳам дуч келмоқда. Шу жиҳатдан ҳам мазкур гурухга дублет терминлар киритилади.

¹¹⁹Мирзаҳмедова X. B. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усувлари: Филол. фан. фалс. док.(PhD)... дисс. –Т., 2017. –Б. 117-119.

¹²⁰Мирзаҳмедова X. B. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усувлари: Филол. фан. фалс. док.(PhD)... дисс. –Т., 2017. –Б. 119-120.

Даставвал таҳлилга ҳар учала тилда ҳам дублетлар қаторига эга иқтисодий терминлар жалб қилинди. Масалан, “вексель берувчи”, “вексель берган шахс” иқтисодий термини учун форс тилида برات کش *barātkeš* (برات) *barāt* “вексель”, “чек” ва -کش *-keš* کشیدن *kešidan* ‘тортмоқ’, ‘чўзмоқ’ феълининг ҲЗН) ҳамда برات دهندہ *barātdehande* (دهندہ *dehande* دادن *dādan* “бермоқ” феълининг ҲЗС) дублетлари ишлатилади. Бу ўринда ҳар иккала терминнинг негизи битта сўздан ташкил топганлигини, дублетлик фақатгина ясовчиларнинг ўзида акс этаётганлигини қайд этиш жоиз. Форс тили сўз ясаш имкониятининг бойлиги тилда бир хил асосга эга ясалмаларнинг ўзаро дублетга айланганига сабаб бўлмоқда.

Худди шу вексель берувчи”, “вексель берган шахс” иқтисодий термини учун дарий тилида ҳам форс тилида мавжуд برات کش *barātkeš* термини билан бир қаторда حواله دهندہ *havāledehande* (حواله *havāle* “(пул) ҳавола қилиш”, “(пул) ўтказиш” ва دهندہ *dehande* دادن *dādan* “бермоқ” феълининг ҲЗС) дублети қўлланилишини кўрсатиш мумкин. Бу ерда ҳар икки термин ясама. Биринчи برات کش *barātkeš* терминининг ўзак қисми форсий¹²¹ ваясама қисми эса яримаффиксация усулида ясалган. Кейинги حواله دهندہ *havāledehande* терминининг ўзак қисми бўлган حواله *havāle*_эса арабий исм (от) бўлиб, *dādan* “бермоқ” феълидан ясалган ҲЗСга лексик асос вазифасини ўтаган.

Тожик тилида эса “вексель берувчи”, “вексель берган шахс” “векселдиҳанда” (“вексел” термини рус тили орқали немис тилидан ўзлашган бўлиб, “диҳанда” яримаффикси қўшилган ва ўз қатlamга оид термин ҳосил қилинган) ҳамда “vasiqadiҳanда” (“васиқа”-этимологик жиҳатдан арабий сўз бўлиб, “диҳанда” яримаффикси орқали янги термин ясалган) терминлари ўзаро бир-бирига дублет бўлиб келмоқда.

Шу ўринда, форс ва дарий тиллари форс-араб ёзувига асосланганлигини, тожик тили эса кирилл графигига таянишини яна бир бор қайд этиш ўринли.

¹²¹ Сўзларнинг этимологияси. فرهنگ فارسی. ح. عمید. تهران 2010. ص. 508.

Шу жиҳатдан ҳам, ҳар учала тилда намоён бўлаётган кескин жиҳатларни (яримаффиксларни) ёзув орқали кўрсатиб бериш қийинчилик туғдиради.

Терминология талабига кўра, бир тушунчани ифодалаш учун фақат бир терминни қолдириш, бошқасидан эса воз кечишга тўғри келади. Аммо бу жараён қийинчилик билан кечади. Д. С. Лотте айтганидек: “маълумки, кенг тарқалган ва чукур илдиз отган терминларни (у шу тилники ёки ўзлашма бўлишидан қатъий назар) ҳатто анча номақбул бўлганда ҳам тилдан сиқиб чиқариш қийин (айрим ҳолларда бунинг мутлақо иложи йўқ) масаладир”¹²². Келтирилаётган терминнинг қайси бири тилда кўпроқ ишлатилиш масаласи диссертация ишининг 3.2 бандида ёритилади.

Юқорида бир терминга келтирилаётган иккита дублет ҳақида қайд этилди. Энди биргина термин учун уч дублетдан фойдаланиш ҳолларига дикқатингизни қаратмоқчимиз.

Масалан, “аванс” тушунчаси учун *форс тилида* бир вақтнинг ўзида 4 дублет қўлланилади. Булар: پیش پرداخت *pišpardāxt*, پیش بھا *piši*, پیش بھا *pišbahā*, بیغانه *bay'āne*. Ҳар бирининг структур ва лексик-этимологик таҳлилига тўхталиб ўтамиз:

а) پرداخت *pišpardāxt* (پیش *piš* “олд”, “олдинги”, “аввалги”¹²³ ва *pardāxt* پرداختن *pardāxtan* “тўламоқ”, “тўлаб бермоқ” феълидан феълий яримаффикс) – “олд тўлов” маъносида қабул қилинган;

б) بھا *pišbahā* (*piš* “олд”, “олдинги”, “аввалги” ва *bahā* “баҳо”, “нарҳ” арабий сўзи) – “аввалги баҳо (пул)” маъносида;

в) يامصدری *yā-y-e masdari* (پیش *piši* “олд”, “олдинги”, “аввалги” ва *masdari*) – “олдинги” маъносида;

¹²²Лотте Д. С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов. – М.: Наука, 1982. – С. 98.

¹²³فرهنگ فارسی. ح. عمید. تهران 2010. ص. 308

г) بیغانه *bay'āne* (بیغان) “аввалдан тўланадиган пул” маъносидаги арабий сўз ва ҳ--e от, сифат, равиш ясовчиаффикс) – “аввалдан тўланувчи пул” маъносида.

Ушбу келтирилган тўртта форсий терминнинг дастлабки учтаси *pīš* “олд”, “олдинги”, “аввалги” префикси ёрдамида ясалган бўлиб, от, феъл каби сўз туркумларига қўшилган, учинчи термин префиксга аффикс қўшилиб, маълум бир термин ясаган. Ниҳоят тўртинчиси эса “от+аффикс” моделида ясалган терминдир.

Худди шу “аванс” тушунчасининг *dariй тилидаги* дублетларига диққатингизни қаратмоқчимиз. Булар:

- 1) پیش پرداخت *pēšpardâxt*;
- 2) پیشكى *pēšaki*;
- 3) مساعدہ *mosâ'eda*.

Форс тили билан қиёслаганда, *pēšpardâxt* термини ҳар икки тилда мавжуд ва уларнинг фақатгина фонетик фарқини кўрсатиб ўтиш керак. Аммо кейинги терминлар, масалан, *pēšaki*, مساعدہ *mosâ'eda* ларнинг дублетлик масаласи юзага қалқиб чиқмоқда. Мазкур терминларнинг структур-этимологик таҳлили қуйидагича:

- a) پیشكى *pēšaki* (*peš* پیش “олд”, “олдинги”, “аввалги” ва ҳ--*aki* кичрайтириш, эркалаш, камситиш маъноларини билдирувчи суффикс) – “аввалгиси” маъносида;
- б) مساعدہ *mosâ'eda* (*mosâ'ed* مساعد “мос”, “мувофиқ”, “қулай” ва ҳ--*a* аффикси от, сифат, равиш ясовчи аффикс) – “мос (пул)”, “мувофиқ (пул)” маъносида келмоқда.

Энди диққатингизни “аванс” терминининг *можик тилидаги* дублетларига қаратмоқчимиз:

- 1) “пешпардохт”;
- 2) “пешмузд”;

- 3) “пешбаҳо”;
- 4) “байъона”.

Бундан келиб чиқадики, бир тушунчага тўрт термин дублет бўлиб келмоқда.

Аввалги “пешпардоҳт” термини, юқорида қайд этилганидек, дарий ва форс тилларида ҳам мавжуд. Демак, “аванс” тушунчасига ҳар учала тил иқтисодий терминологиясида “пешпардоҳт” термини ишлатилади. Фақат улардаги фонетик фарқни ҳисобга олиш лозим. Тожик тилидаги “пешмузд”, “пешбаҳо” ва “байъона” терминлари ҳақида эса юқорида гаплашдик.

Бу ҳолатдан шу нарса маълум бўлмоқдаки, ҳар учала тилнинг ҳар бирида дублетлик бор ва маълум бир термин ҳам форс, ҳам дарий ва ҳам тожик тилларида мавжуд.

Энди диққатингизни “депозит” тушунчасининг ҳар учала тилда ифодаланувчи дублетларига қаратмоқчимиз. Ушбу термин *форс тилида* қуидаги дублетлар қаторига эга:

- 1) امانت *amānat* (араб тилидан ўзлашган туб термин¹²⁴);
- 2) امانت گزاری *amānatgozāri* امانت *amānat* “омонат” ва گزاری *gozāri* گذاштан *gozāštan* “қўймоқ” феълидан феълий яримаффикс);
- 3) سپرده *seporde* سپردن *sepordan* “бермоқ”, “топширмоқ”, “қайтиб бермоқ” феълининг ЎЗС).

Диққатга сазовор томони шундаки, форс тилида “депозит” термини учун ишлатилувчи ҳар учала дарий тилида худди таркибда ишлатилади. Фақат форс тилидан фарқли равишда дарий тилидаги سپرده *seporda* ҳолатида, фонетик ўзгарган варианти қўлланилади امانت گزاری *amānat*; *amānatgozāri*; سپرده *soporda*.

Жамланган материаллар тожик тилида мазкур тушунчага фақатгина икки дублет ишлатилиши ҳақида хулоса чиқаришимизга туртки бўлди. Улар:

- 1) “амонат”;

¹²⁴ فرهنگ فارسی. ح. عمید. تهران 2010. ص. 129

2) “супурда”.

Хар учала тилда ҳам аввалги ўринни арабий ўзлашма امانت “амонат” эгаллаб турганига диққатингизни қаратмоқчи эдик. Чунки дублетлар қаторининг кейинги ўринлари ўз қатlamга оид сўзлардан ҳосил қилинган, иқтисодий терминологияда термин вазифасини ўтаётган тушунчалар эгаллаб турибди. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур “депозит” термини учун ўзлашма қатlam терминидан фойдаланилади, ўз қатlam терминлари эса унинг дублети вазифасини ўтайди.

Худди шунга ўхшаш яна бир ҳолатга диққатингизни қаратмоқчи эдик. Иқтисодий терминологияда, айниқса банк-молия соҳасида “тижорат банки” термини қўланилади. Ўзбек тилида мазкур терминнинг биргина ушбу варианти ишлатилади. Аммо тадқиқотимиз обьекти бўлган форс, дарий тилларида ушбу тушунчага икки дублетдан, тожик тилида эса ягона терминдан фойдаланилади. Масалан, *форс ва дарий тилларида*:

- 1) بانک تجارتی *bānk-e tejāratī*;
- 2) بانک بازرگانی *bānk-e bāzargāni*.

Тожик тилида эса “банки тиҷоратӣ” ишлатилади. Ушбу бирикма терминга диққатингизни қаратмоқчимиз. Сабаби, ушбу бирикманинг ҳар иккала бўлаги ўзлашма сўздан иборат (банк تجارتی *bānk* – инглиз тилидан, *tejārat* – арабий сўз), унга факат ی نصبت *yā-ye nesbat* орттирилган.

Форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларининг структур-семантик ва фонетик таҳлили, биринчидан, маълум тушунчанинг ҳар учала тилдаги ифодасини ўрганишга ёрдам берса, иккинчидан, тиллардаги ўзлашмалар сонини аниқлашга ва учинчидан, уларнинг ишлатилиш ҳолатларини кўриб чиқишига қўмаклашади. Натижада, ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятлари ва тилдаги фонетик нормаларни тадқиқига имкон беради. Сўзимиз исботи юзасидан қуйидагиларни ёритиб ўтмоқчимиз:

Юқорида қайд этилганидек, маълум бир термин маълум бир тилда қатор дублетларига эга; худди шу термин (факат фонетик фарқлови билан) ҳар

учала (иккала) тилда мавжуд. Уларнинг айнан бири ҳар учала (иккала) тилда қўллашда доминантлик қиласди. Аммо ҳар учала тилда мавжуд бўлган, аммо доминантлиги нуқтаи назаридан устунликка эга бўлмаган терминлар ташкил қиласди. Масалан, “баланс” тушунчаси учун *форс тилида*:

- 1) تراز *tarāz* (туркий сўз бўлиб, унинг икки маъноси фарқланади: а) “тароз – оғирликни ўлчовчи қурилма”; б) “мувозанатни ушлаб туриш”¹²⁵);
 - 2) موازنہ *movāzene* (арабий сўз бўлиб, “икки жисмни бир-бирига солиштириш” маъносида¹²⁶);
 - 3) بیلان *bilān* (француз тилидан ўзлашган бўлиб, “тенглаштириш” маъносида¹²⁷);
 - 4) ترازنامہ *tarāznāme* (*tarāz* “тароз” + نامہ *nāme* “хат”, “нома”) терминлари қўланилса, *дарий тилида*:
- 1) بیلانس *bilâns* (“balance” – инглизча ўзлашма);
 - 2) تراز *tarāz* ;
 - 3) موازنہ *movâzana*;
 - 4) توازن *tavâzon* (арабий ўзлашма)¹²⁸.

Тожик тилида эса:

- 1) “тавозун”;
- 2) “тарознома”;
- 3) “мувозина”.

Бу ҳолатда “тароз” термини форс ва дарий тилларида мавжуд бўлиб, тожик тилида эса “тарознома” кўринишида учраган, موازنہ *movâzana* термини эса ҳар учала тилнинг иқтисодий терминлар лугатида мавжуд. Мазкур дублетларнинг қай биридан фойдаланиш бўйича мисолларга эътиборимизни қаратганимизда қўйидагича натижага эришдик:

¹²⁵ فرهنگ فارسی. ج. عمید. تهران 2010. ص. 333.

¹²⁶ Кўрсатилган манба. – Б. 308.

¹²⁷ Кўрсатилган манба. – Б. 258

¹²⁸ Кўрсатилган манба. – Б. 373

Форс тилида маълум бир тушунча учун бир вақтнинг ўзида ҳар икки дублетни бир варакайига бериш ҳоллари тез-тез учраб туради. Масалан: траznâme یا bilân عبارتست از صورتحسابی است که وضعیت مالی یک موسسه را در یک زمان مشخص نشان می‌دهد.

Баланс фактурадан иборат бўлиб, бир ташкилотнинг молиявий аҳволини бир вақтда аниқ кўрсатади.

(денийи اقتصاد، ۱۳۹۵/۱۱/۳، ۱۱۶۰، ص: ۴).

Эътибор қилинса, *traznâme* bilân бир тушунча учун ишлатилувчи икки термин. Жумла таркибида уни *yā* یا *yā* “ёки” инкор боғловчиси билан ажратилган.

Мазкур терминнинг Афғонистонда ишлатилиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар ва жамланган мисоллар юкорида келтирилган 4 та мисолнинг 3 таси *bilâns*; *tarâz*; *tavâzon*) фаол ишлатилишини кўрсатди: وزیر تجارت و صنایع افغانستان می گوید: کسر bilans تجارت کشور به بیش از ۸,۲ میلیارد دالر رسیده است.

Wazir-e tejârat-o-sanâya'-ye Afyânestân mîgôyad: kasr-e tejârat-e bilâns-e kešwar ba biš az 8,2 mîlyârd dâlar rasida ast.

Афғонистон тижорат ва саноат вазири дейди: мамлакат савдо балансининг камайиши 8,2 млрд доллардан кўпроқка етди.

(<https://www.darivoa.com/a/afghanistan-trade-balance/2858555.html>)

اما با وجود افزایش صادرات هنوز میزان زیادی کسری موازنہ تجارت در افغانستان وجود دارد.

Ammo bâ wojud afzâyeš-e sâderât hanuz mîzân-e ziyâdi-ye kasri-ye mowâzana-ye tejâri dar Afyânestân wojud dârad.

Аммо экспорт ҳажмининг ошиши билан ҳалиям Афғонистонда савдо балансининг катта микдорда камайиши мавжуд.

(<http://www.afghanpaper.com/nbody.php?id=65136>)

اتفاق تجارت و صنایع افغانستان می گوید که وضعیت تجارت در حالتی ناگوار است و بین صادرات و واردات توازن وجود ندارد.

Otâq-e tejârat-o-sanâya'-ye Afyânestân mêtgôyad ke waz'iyat-e tejârat dar keşwar dar hâlati-ye nâgawâr ast wa bayn-e sâderât-o-wâredât tawâzon wojud nadârad.

Афғонистон тиҷорат ва саноат уйи дейди: мамлакатдаги савдо ҳолати ёмон аҳволда ҳамда экспорт ва импорт орасида баланс мавжуд эмас.

(<http://madanyatonline.com/1395/8>)

Тожик тилидаги ушбу тушунча асосида жамланган мисоллар яна ҳам қизиқ маълумотга етаклади. Яъни, тожик тилидаги иқтисодий терминлар луғатида юқорида келтирилган учта терминнинг (“тавозун”; “тарознома”; “мувозина”) ишлатилиши билан бир қаторда, яна бир термин (гарчи луғатларда акс этмаган бўлса-да), жумла таркибида қўлланилишини кузатдик:

Мувофиқи маълумоти Агентии омори назди Президенти ҶТ, тароз/мувозинаи тиҷоратӣ хусусияти манфӣ дошт, зеро воридот назар ба содирот баробари қарид 1 миллиарду 900 миллион доллар зиёд буд.

ТР Президенти хузуридаги статистика агентлигининг маълумотига кўра, савдо баланси салбий жиҳатга эга эди, чунки экспортга нисбатан импорт ҳажми қарид 1 миллиард 900 миллион доллар кўпроқ эди.

(http://www.navid.tj/economics/?ELEMENT_ID=599)

Бу ердаги мисолда “тароз” термини гарчи “тарознома” кўринишида иқтисодиётга оид луғатларда акс этади.

Демак, ҳар бир тилдаги иқтисодий терминлар таҳлили мазкур тилларда дублетликнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланишда яқдилликнинг мавжуд эмаслигини кўрсатди.

2. Форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий контекстуал дублетлар

Қайд этилишича, терминологияда контекстуал дублетлар тушунчаси мавжудки, бу ҳолатда тўлақонли термин билан унинг қисқарган шакли (қисми) сўз-термин билан аббревиатуралар, рақам ва символик белгилар

дублет бўлиб келади. Бундай ифодаларнинг маъноси кўпинча текстда мавжуд тўлиқ термин асосида ойдинлашади. Д. С. Лотте агар бутун бир манба маълум техник восита (машина, қурилма)га бағишлиланган бўлса, унда машинанинг тўлиқ номи (яъни қабул қилинган термин) билан бирга унинг қисқарган шакли ҳам қўлланилиши мумкинлигини ёзади¹²⁹. Шунингдек, Х. Мирзахмедова дублет терминларнинг уч: а) ситуатив; б) оккозионал ва ва муаллифлик контекстуал терминлар гурухларини таҳлил этади. Биз тадқиқот давомида олимнинг тақсимига ва билдирган холосаларига таянган ҳолда ўз таҳлилимиизни амалга оширдик.

Тадқиқотчи қайд этганидек, Эроннинг “Форс тили ва адабиёти академияси” томонидан тақдим қилинган термин тушунарли бўлиши учун ўзлашма билан бирга, бир контекстда ифодаланади. Аммо таржима жараёнида биргина термин билан таржима қилинади. Масалан форс тилида “баланс” терминининг ишлатилишига диққатингизни қаратсак. Юқорида қайд этилганидек, “баланс” термининг: а) موازنہ *tarāz*; б) *movāzene*; в) بیلان (*bilān*; г) ترازنامه (*tarāznāme* каби дублетлари мавжуд бўлиб, уларнинг тилда қўлланилиш частотасига эътибор қаратинг:

ترازنامه یا بیلان عبارتست از صورتحسابی است که وضعیت مالی یک موسسه را در یک زمان مشخص نشان می‌دهد.

Баланс фактурадан иборат бўлиб, бир ташкилотнинг молиявий аҳволини бир вақтда аниқ кўрсатади.

(دنياى اقتصاد، ۱۳۹۵/۱۱، ۱۱۶۰، ص: ۴).

Бу ерда ترازنامه (*tarāznāme*) “баланс” термини ўзининг яна бир дублети *bilān* термини билан бирга бир текстда ишлатилмоқда. Бу ҳолат терминларнинг ҳар иккиси биргина тушунча учун ишлатилиши мумкинлигини қўрсатади. Биз тадқиқотни давом этириб, форс тилида “баланс” термини учун қайси вариант кўпроқ ишлатилиши юзасидан мисолларга эътиборимизни қаратдик ва форс тилида

¹²⁹ Мирзахмедова Х. В. Форс тили транспорт терминларининг структур катламлари ва ясалиш усуслари: Филол. фан. фалс. док.(PhD)... дисс. –Т., 2017. –Б. 125.

ушбу тушунча учун taraznâme ترازنامه термини кейинги терминга нисбатан кенгроқ қўлланилишининг гувоҳи бўлдик:

Траznâme يكى از انواع صورت هاي مالى مى باشد كه...

Tarâznâme yeki az anvâ'-e surat hâ-ye mâli mibâšad ke...

“Баланс молиявий ҳужжат турларидан бири бўлиб, ...”

(<http://hesabdar-ac.ir/tag>)

Демак, форс тилида тўрт дублетдан фақатгина иккита дублет актив.

Худди шу тушунча учун *дарий тилида* қайси термин ишлатилишини ҳам ўргандик. Қизиқ томони – дарий тилида а) *bilâns*; б) *tarâz*; в) موازنہ (موازنه) *movâzana*; г) *tavâzon* (арабий ўзлашма) дублетларидан учтаси фаол ишлатилади:

وزیر تجارت و صنایع افغانستان می گوید: کسر بیلانس تجارت کشور به بیش از ۸,۲ میلیارد دالر رسیده است.

Wazir-e tejârat-o-sanâya'-ye Afyânestân mîgôyad: kasr-e tejârat-e bilâns-e keşwar ba biš az 8,2 mîlyârd dâlar rasida ast.

Афғонистон тижорат ва саноат вазири дейди: мамлакат савдо балансининг камайиши 8,2 млрд доллардан қўпроққа етди.

(<https://www.darivoa.com/a/afghanistan-trade-balance/2858555.html>)

اما با وجود افزایش صادرات هنوز میزان زیادی کسری موازنہ تجارتی در افغانستان وجود دارد.

Ammo bâ wojud afzâyeš-e sâderât hanuz mîzân-e ziyâdi-ye kasri-ye mowâzana-ye tejâri dar Afyânestân wojud dârad.

Аммо экспорт ҳажмининг ошиши билан ҳалиям Афғонистонда савдо балансининг катта миқдорда камайиши мавжуд эмас.

(<http://www.afghanpaper.com/nbody.php?id=65136>)

Яна бир мисол:

اتاق تجارت و صنایع افغانستان می گوید که وضعیت تجارت در حالتی ناگوار است و بین صادرات و واردات توازن وجود ندارد.

Otâq-e tejârat-o-sanâya'-ye Afyânestân mêtgôyad ke waz'iyat-e tejârat dar keşwar dar hâlati-ye nâgawâr ast wa bayn-e sâderât-o-wâredât tawâzon wojud nadârad.

Афғонистон тиҷорат ва саноат уйи дейди: мамлакатдаги савдо ҳолати ёмон аҳволда ҳамда экспорт ва импорт орасида баланс мавжуд эмас.

(<http://madanyatonline.com/1395/8>)

تاراز *tarâz* термини эса луғатларда келтирилган, аммо пассив ҳолатдаги термин ҳисобланади.

Терминология талабига кўра, бир тушунчани ифодалаш учун фақат бир терминни қолдириш, бошқасидан эса воз кечишга тўғри келади. Аммо бу жараён қийинчилик билан кечади. Д. С. Лотте айтганидек: “маълумки, кенг тарқалган ва чуқур илдиз отган терминларни (у шу тилники ёки ўзлашма бўлишидан қатъий назар) ҳатто анча номақбул бўлганда ҳам тилдан сиқиб чиқариш қийин (айрим ҳолларда бунинг мутлақо иложи йўқ) масаладир”¹³⁰.

Шуниси диққатга сазоворки, бир қатор интернет расмий веб-сайтларида терминларни қўллаш борасида юқорида тилга олинган дублетлик ҳодисаси фаоллашган.

Тожик тилида “баланс” терминининг ифодаси сифатида луғатларда а) “тавозун”; б) “тарознома”; в) “мувозина” дублетлар қатори келтирилган бўлиб, улардан фақатгина “тавозун” вариантининг ишлатилганини кузатдик:

Ба ин тартиб, тавозуни тичорати хориции кишвар шадидан манфй буда, ҳаҷми воридоташ назар ба содирот беш аз 2,2 маротиба зиёд буд.

Шу тартибда, мамлакатнинг ташқи савдо баланси жуда ёмон аҳволда бўлиб, импортнинг экспортга нисбатан ҳажми 2,2 маротабадан ортиқ эди.

(www.tojnews.org/tj/.../kokhishi-tichorati-horichii-tochikiston)

Тадқиқот давомида тожик тилидаги иқтисодий терминлар лугатида акс этмаган, аммо тожик тили лексик қатламига сингиб улгурган терминларнинг

¹³⁰ Лотте Д. С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов. – М.: Наука, 1982. – С. 98.

бир-бирига дублет бўлиб ишлатилишига ҳам дуч келдик. Қолаверса, уларнинг контекстуал дублетлик вазифасини бажараётганини ҳам кузатдик. Масалан:

Мувофиқи маълумоти Агентии омори назди Президенти ЧТ, тароз/мувозинаи тичоратӣ хусусияти манфӣ дошт, зеро воридот назар ба содирот баробари қариб 1 миллиарду 900 миллион доллар зиёд буд.

ТР Президенти хузуридаги статистика агентлигининг маълумотига кўра, савдо баланси салбий жиҳатга эга эди, чунки экспортга нисбатан импорт ҳажми қарийб 1 миллиард 900 миллион доллар қўпроқ эди.

(http://www.navid.tj/economics/?ELEMENT_ID=599)

Бу ерда дублетлар форс тилига нисбатан бошқачароқ тартибда, яъни дроб (/) орқали ажратилган бўлиб, бу ҳолат дублетнинг ҳар иккиси фаол ишлатилишига далилдир. Шу ўринда, “тароз” ҳамда “мувозинаи тичоратӣ” терминлари луғатларда кўрсатилмаганини яна бир бор таъкидлаш ўринли.

Энди эътиборингизни “бухгалтерия” терминининг форс, дарий ва тожик тилларидаги ишлатилиш ҳолатлари ва дублетларига қаратсак. Луғатларда ушбу тушунчанинг *форс тилида* *daftardāri* *دفترداری* *حسابداری hesābdāri* *حسابداری* каби вариантлари кўрсатилади. Форс тили манбаларидан, айниқса, интернет сайтларида ҳар икки вариант дублет ишлатилиши кузатилди:

تاریخچه سیستم های حسابداری در ایران را می توان به پنج دوره زیر تقسیم نمود.

Эронда бухгалтерия тизимларининг қисқача тарихини қуйидаги беш даврга бўлиш мумкин.

(<http://khu.ac.ir/content/30766/>)

Яна бир мисол:

شرح وظایف اداره دفترداری و تنظیم حسابها

Бухгалтерия идораси вазифаларининг шархи ва хисобларнинг тузилиши (<http://www.iust.ac.ir/find.php?item=106.14281.35490.fa>)

Бундан келиб чиқадики, ҳар икки дублет ишлатилиш нұқтаи назаридан бир хил мавқега эга. Демак, ўзаги арабий бўлган, аслида эса форсий сўз ҳисобланган бу ҳар икки термин бир-бирига дублетdir.

Аммо мазкур тушунчанинг *дарий тилида* фақатгина **محاسبه** *mohâseba* варианти бор эканлиги луғатлардан аниқланди. Аммо тўпланган материаллар дарий тилида **حسابداری** *hesâbdâri* терминини қўллаш мумкинлигини далиллади. Масалан:

ساختمان جدید انسٹیتیوت اداره و حسابداری در بلخ گشايش يافت.

Sâxtemân-e jadid-e anstitut-e edâra va hesâbdâri dar Balx goşâyeš yâft.

Балхда менежмент ва бухгалтерия институтининг янги биноси очилди.

(<http://dari.wadsam.com/>)

Ушбу кўрсатилган масаладан кейин, дарий тилида луғатларда акс этмаган терминлар ҳам мавжуд ва улар асл терминларга дублет вазифасини ўтайди, деган хulosага келиш мумкин.

Тожик тилида эса, аксарият ҳолларда рус тилининг таъсири яққолроқ сезилиб туради. Буни дублетларнинг ишлатилишида ҳам кўриш мумкин. Масалан, биз айни “бухгалтер” тушунчаси доирасида жамлаган материалимизда дастлаб “бухгалтерӣ” термини кўлланганини кўрган бўлсак, кейинчалик эса “муҳосиба”нинг ишлатилганини кузатдик. Тожик тили иқтисодий терминлари луғатига назар солганимизда эса “хисобдори” термининг ҳам мавжудлигини аниқладик. Аммо унинг жумлада акс этган мисолига дуч келмадик. Масалан:

Низомнома дойр ба ҳисоби бухгалтерӣ “Сиёсати хисобдорӣ дар корхонаҳо”

Бухгалтерия ҳисобига оид “Корхоналарда бухгалтерия сиёсати” низоми

(<https://tj.allinweb.ru/mavzui/5150>)

Яна бир мисол:

Тибқи муҳосиба ин чанг ба иқтисоди миллӣ беш аз 7 миллиард доллар зарар овард.

Хисоб-китоблар(бухгалтерия)га кўра бу уруш миллий иқтисодга 7 млрд доллардан кўпроқ зарар келтириди.

(http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=7309)

Энди диққатингизни “банкротлик” терминининг ҳар учала тилда ифодаланишига қаратсак:

Форс тилида “банкротлик” тушунчаси учун *varşekastegi* ва *eflās* терминлари мавжуд бўлиб, асосан, *ورشكستگى* *varşekastegi* қўлланилади:

ورشكستگى حالت و وضعیت خاص اقتصادی - تجاری است که شخصیت های تجاری به موجب آن توان پرداخت دیون خود را نداشته با وجود اینکه ممکن است دارایی برای فروش داشته باشد.

Банкротлик ўзига хос иқтисодий-тижорий ҳолат бўлиб, тижоратчилар у сабабли сотиш учун мол-мулкга эга бўлишига қарамасдан ўз қарзларини тўлай олмайдилар.

(<http://sayedakbarsadat.blogfa.com/post/>)

Иқтисодиётга оид луғатларда *eflās* термини мавжуд бўлсада, жамланган мисоллар аксарият ҳолларда унинг ўрнига *eflās-o mofles* ишлатилишини кўрсатди:

در کتب فقهی تعاریفی از افلاس و مفاس شده است: افلاس عبارت از این است که شخص بجایی بر سد که هیچ چیزی نداشته باشد. همچنین افلاس در شرع بدو معنی اطلاق میشود....:

Хуқуқий манбаларда банкротлик изоҳланган: банкротлик бу шундай ҳолатки, унда шахс ҳеч нарсасиз қолиш даражасига етиб боради. Шунингдек, банкротлик шариатда икки маънода изоҳланади:...

(<http://sayedakbarsadat.blogfa.com/post/>)

Баъзи ҳолларда эса افلاس و ورشكستگى *eflās-o varşekastegi* ҳолатида ишлатилиши борасида ҳам мисоллар учради:

سفر حسن روحانی رئیس جمهور ارتفاع روز سهشنبه 31 فوریه به سمنان به نمایش افلاس و ورشكستگى رژیم و نفرت مردم از نظام آخوندی تبدیل شد

Президент Ҳасан Руҳонийнинг 31 фарвардин (20 апрель) сесанба кунидаги Семнонга қиладиган сафари тўсатдан мамлакатдаги инқироз ва диний қонундан халқнинг норозилик намойиши сабабли ўзгарди.

(<https://www.mojahedin.org/news/174553/>)

Бундай ҳолатни биз дублетларнинг сони ортиқлиги ҳамда қатъий чегаранинг мавжуд эмаслиги билан баҳолаймиз.

Юқорида “банкротлик” терминидаги дублетлик ҳакида айтган фикрларимиз дарий тилига ҳам тааллуқли. Яъни дарий тилида ҳам худди шу терминлар бир-бирининг ўрнига ишлатилиши мумкин:

اموال تحت افالس: مجموع اموالی که در آن تاجر مفلس حسب تصریح ماده بیستو چهارم این قانون دارای حق مالکیت میباشد.

Amwâl-e taht-e eflâs: majmû' -e amwâli ke dar ân tâjar-e mofles hasb-e taswîr-e mada -ye bist-o cahârom -e in qânun dârâ -ye haq -ol mâlekiyat mîbâšad.

Инқироз ҳолатидаги мол-мулк: шундай мол-мулк мажмуи бўлиб, унда банкрот бўлган тижоратчи бу қонуннинг йигирма тўртинчи моддасининг изоҳига кўра солиқ тўлаш суммасига эга бўлади.

(<https://www.agh.af/wp-content/uploads/2015/04/>)

Яна бир мисол:

۱۸۰ کارхانه تولیدی در بلخ در معرض ورشکستگی، مالکان میگویند دولت اقدام کند.

Балхдаги 180 та ишлаб чиқариш корхонаси инқироз ҳолатида; мулқдорлар давлатнинг чора кўришини сўрайди.

(<https://www.tolonews.com/fa/afghanistan>)

Тожик тилида эса худди шу термин учун луғатларда 1) “варшикастагӣ”, 2) “муфлишшавӣ”, 3) “муфлисӣ”, 4) “муфлис шудан” дублетлар қатори мавжуд бўлиб, шулардан дастлабки 4 таси тожик тилида қўлланилиши мисоллардан ўз исботини топди:

Беш аз як сол аст, ки чанд бонки бузурги Тоҷикистон дар остонаи варшикастагӣ қарор доранд ва хукумат, барномаи ҷадидеро барои кумак ба ин бонкҳо рӯи даст гирифтааст.

Бир йилдан кўпроқ муддат давомида Тожикистондаги бир нечта катта банк инқироз арафасида ва ҳукумат ушбу банкларга ёрдам бериш учун янгича дастурни қўлламоқчи.

(<https://hamsinf.com/tj/single.php?id=1443>)

Яна бир мисолга дикқатингизни қаратсак:

Қонунгузории Ҷумҳурии Тоҷикистон дар бораи муфлишшавӣ ба Конститутсияи (Сарқонуни) Ҷумҳурии Тоҷикистон асос ёфта, аз ҳамин Қонун, дигар санадҳои меъёрии ҳуқуқии Ҷумҳурии Тоҷикистон, инчунин санадҳои ҳуқуқии байналмилалие, ки Ҷумҳурии Тоҷикистон эътироф намудааст, иборат мебошад.

Банкротлик тӯғрисидаги Тоҷикистон Республикаси қонунчилиги Тоҷикистон Республикаси Конститутсиясига асосланиб, Тоҷикистон Республикасининг бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, шунингдек, Тоҷикистон Республикаси эътироф этган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қонунга асосланган бўлади.

(https://www.durahshon.tj/fan/view_post.php?id=533)

Яна бир мисол:

Аммо фасоди сартосарӣ ва роҳбарии ноуҳдабаро ин ширкатро ба муфлисӣ оварда расонд.

Аммо умумий тартибсизлик ва масъулиятсиз раҳбарлик бу корхонани инқирозга олиб келди.

(http://www.jumhuriyat.tj/index.php?art_id=7309)

Бу каби ҳолат терминологиянинг қатъий қоидаси – бир тушунча учун фақатгина бир терминдан фойдаланиш лозимлиги борасидаги назарий қоидаларга зид келмоқда. Айниқса, уларнинг тилда қўлланилиш ҳолатлари эса дублетлар қаторининг ҳар учала тилда мавжудлигини қўрсатса, уларнинг ҳар биридан фойдаланилиши унификация масаласининг ҳал этилмаганлигига ишорадир.

Таҳлиллардан шу нарса аён бўлиб бормоқдаки, терминологияда минимум фарқланишлар принципи муҳим аҳамиятга эга. Шунга кўра, фан ва техника, хусусан, иқтисодий терминлар барча давлатларни бир-бири билан боғлаб турувчи кучга эга. Шунинг учун ҳам улар имкони борича бир хиллик (умумийлик)ка эга бўлиши ва кўпчилик тилларда айни бир шаклда ишлатилиши, яъни терминнинг ҳалқаро мақомга эга бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти ва анъаналари ҳам мавжудки, бу ҳолат юқоридаги талабга ҳар вақт мувофиқ келавермайди.

III боб бўйича хulosалар

Форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминлари доирасида тўпланган материаллар таҳлили унда юз берадиган дублетлик масаласини ўрганиб чиқишига туртки бўлди. Бир терминнинг ҳар бир тилда икки, уч, ҳатто тўртагача дублети борлиги аниқланди. Лексик қатлами нуқтаи назаридан ҳар учала тилга оид иқтисодий терминларнинг ҳам ўз қатлам, ҳам ўзлашма қатламга эга аралаш типи мавжудлиги кўриб ўтилди ва ҳар бир тилдаги ана шу терминлар таҳлилга тортилди.

Форс, дарий ва тожик тилларининг ҳар бирига оид луғатларда берилган дублетлар ва уларнинг тилда ишлатилиш ҳолатлари ўрганиб чиқилди ва уларнинг учраш частотаси аниқланди. Унга кўра, форс тилида ўз қатламдан ташкил қилинган терминлар кўпроқ, дарий ва тожик тилларида араб тилидан ўзлашмалар мавжуд бошқа дублетларига нисбатан кўпроқ тилда кўлланилиши кузатилди.

Шунингдек, ҳар учала тилдаги иқтисодий контекстуал дублетлар қаторлари ўрганиб чиқилди ва дублетлардан бир вақтнинг ўзида ҳар иккала (учала) вариантидан ҳам фойдаланиш ҳолатлари учраб туриши аниқланди.

ХУЛОСА

Турли тиллардаги бир хил маънони ифодаловчи лексемаларнинг қиёсий таҳлили ўша тиллар луғат таркибидаги ўхшашликлар, фарқлар, умумий ва фарқловчи жиҳатларни кўрсатиб бериши мумкин.

Шундай экан, форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминларни илмий ўрганиш учала тилдаги иқтисодий терминларнинг хусусиятларини ойдинлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам функционал-семантик категорияни типологик тадқиқотларда қўллаш қиёсий типологияда маълум бир самара бериши мумкин. Муайян тил оиласига тегишли бўлган ва бўлмаган тиллар системасидаги турли тил ярусларини қиёслаб тадқиқ қилиш кейинги юз йилликда кенг тус олганлигининг боиси ҳам шундадир.

Умуман олганда, тузилиши жиҳатдан қардош бўлган ва бўлмаган тилларни қиёсий типологик тадқиқ қилиш ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан аҳамиятли ҳисобланади. Зеро, бундай тадқиқотлар тил тараққиётининг умумий ва ўзига хос анъаналарини аниқлаш имконини беради. Қиёсий типология бир тилда маълум грамматик шакллар орқали ифодаланган маъно иккинчи бир тилда қандай воситалар асосида ифодаланиши, ушбу қиёсланаётган тиллардаги тил бирикмаларининг маъно кўлами жиҳатидан мос келиш-келмаслигини аниқлаш учун ёрдам беради.

Форс, дарий ва тожик тилларидағи иқтисодий терминларнинг қиёсий таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Форс, дарий, тожик тилларида иқтисодий терминларнинг қиёсий таҳлилидаги асосий фарқ – қиёсланаётган тилларнинг фонетик тизими, хусусан, вокализмлар системасига тегишли эканлиги аниқланди:
 - 1) Форс тилида қисқа *e* унлиси дарий тилида қисқа *e* (баъзан қисқа *o*), тожик тилида *i*, *u* унлилари орқали, сўз охиридаги қисқа *e* унлиси ҳар иккала

тилда *a* унлиси орқали, қисқа *o* унлиси дарий тилида қисқа *o* ва тожик тилида *u* унлиси орқали, қисқа *a* унлиси дарий ва тожик тилларида ҳеч қандай ўзгаришсиз ифодаланади.

2) Форс тилидаги чўзиқ *i* унлиси дарий тилида чўзиқ *e* ва тожик тилида *e* унлиси орқали, чўзиқ *u* унлиси камдан-кам ҳолатларда дарий тилида чўзиқ *ö*, тожик тилида *ü* унлиси орқали, чўзиқ *ä* унлиси дарий ва тожик тилларида ҳеч қандай ўзгаришсиз ифодаланади.

3) Форс тилидаги *ey*, *oi* дифтонглари дарий тилида *ay*, *aw* дифтонглари орқали ва тожик тилида *a*, *u* ҳамда *a*, *v* монофтонглари орқали ифодаланади. Тожик тилида дифтонгларнинг икки алоҳида монофтонг орқали ифодаланиши, мазкур тилда дифтонг тушунчасининг мағжуд эмаслиги билан изоҳланади.

2. Форс, дарий, тожик тилларидағи туб иқтисодий терминларнинг таркиби деярли бир хил бўлиб, мазкур терминларда маҳсус фарқлар кузатилмади.

3. Форс, дарий, тожик тилларида аффиксация усули орқали иқтисодий термин ясаашда суффикслар орқали термин ясаш маҳсулдор, префикслар орқали термин ясаш эса каммаҳсул эканлиги аниқланди. Шунингдек, баъзи ҳолатларда форс тилида аффиксация усули орқали ясалган терминлар дарий ва тожик тилларида яримаффикслар орқали ясалгани қайд қилинди.

4. Форс, дарий, тожик тилларида яримаффиксация усули орқали иқтисодий термин ясаашда феълий яримаффикслар сермаҳсул, исмий яримаффикслар каммаҳсул деб топилди. Шунингдек, исмий яримаффикслардан суффиксал типдаги исмий яримаффикслар сермаҳсул ва префиксал типдаги исмий яримаффикслар каммаҳсул эканлиги қайд қилинди.

5. Форс, дарий, тожик тилларнинг ҳар учаласида ҳам композиция ва транспозиция усули орқали ясалган иқтисодий терминлар таркиби бир хил кўрсаткичда эканлиги аниқланди.

6. Форс, дарий ва тожик тилларида композиция усули орқали иқтисодий термин ясашда копулятивларга қараганда детерминативларнинг маҳсулдор эканлиги аниқланди.

7. Форс, дарий, тожик тилларида транспозиция усули орқали иқтисодий термин ясашда “ЎЗН→от” моделининг сермаҳсул ва “ХЗН→от” моделининг каммаҳсул эканлиги қайд этилди.

8. Киёсланаётган тилларда ўзлашма иқтисодий терминлар таркибида тафовутлар мавжуд бўлиб, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминологиясида ўзлашмалар миқдори юқори эканлиги аниқланди. Форс тилида эса ўзлашмаларнинг миқдоран камлигини Эрондаги “Форс тили ва адабиёти академияси”нинг фаолияти юритиши билан изоҳлаш мумкин.

9. Форс, дарий ва тожик тилларида бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи ўзлашма иқтисодий терминларнинг ҳар хиллиги аниқланди. Бу ҳолат киёсланаётган тилларда респедиент тил вазифасини бажарувчиларнинг турличалиги билан изоҳланади. Масалан, форс тили учун франсуз тили, дарий тили учун инглиз тили ва тожик тили учун рус тили респедиент тил ҳисобланади.

10. Форс, дарий ва тожик тиллари иқтисодий терминларининг қиёсий таҳлилидан шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир тил терминологиясида дублетлик мавжуд. Ҳар бир тил доирасидаги дублетларнинг таҳлили уларнинг фақатгина аралаш тури мавжудлигини кўрсатди.

Бир жумла таркибида бирдан ортиқ терминларнинг қўлланилиши контекстуал дублетликни ташкил қиласи. Тадқиқот давомида ҳам форс, ҳам дарий, ҳам тожик тилларида контекстуал дублетларнинг тилда қўлланилиши аниқланди. Бу ҳолат терминологиянинг унификация масаласи ҳал этилмаганидан дарактир. Мазкур масалалар алоҳида тадқиқот объекти ҳисобланади.

Шартли қисқартмалар:

ХЗН – Феълнинг ҳозирги замон негизи

ЎЗН – Феълнинг ўтган замон негизи

ХЗС – Феълнинг ҳозирги замон сифатдоши

ЎЗС – Феълнинг ўтган замон сифатдоши

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. 1997-йил 29-август.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. 1997-йил 29-август.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012-йил 10-декабрдаги «Чет тилларини ўрганиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2017-йил 20-апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

5. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.

IV. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилидаги адабиётлар

6. Nishanbayeva A.I. Fors tilidagi fe’liy yarimaffikslar va so‘z yasovchi morfema orasidagi farqni aniqlash muammolari//O‘zbek sharqshunosligi: buguni va ertasi. – Toshkent: TDShI, 2013. –№ 4. –B. 72-75.

7. Nishanbayeva A.I. So‘z yasalishida yarimaffikslar borasidagi bahslar va tadqiqotchilarning qarashlari//Sharqshunoslik anjumanı. – Toshkent: TDShI, 2010. – № 3, – B. 60-64.

8. Nuriddinov N.N. Fors tilida determinativ qo'shma so'zlar//Eron-afg'on filologiyasining dolzarb muammolari. – Toshkent: TDSHI, 2009. – B. 121-127.
9. Nuriddinov N.N. Fors tilida kopulyativ qo'shma so'zlarning struktur - semantik tasnifi//Sharqshunoslik. – Toshkent: TDSHI, 2009. – № 1-2, – B. 39-44.
10. Nuriddinov N.N. Fors tilida qo'shma so'zlarning o'rganilishiga doir mulohazalar//Sharqshunoslik anjumani. – Toshkent: TDSHI, 2011. – № 6, –B. 33-36.
11. O'zbek tili leksikologiyasi. – Toshkent: Fan, 1981. – 84 b.
12. Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Toshkent, 2009. – 124 b.
13. Vohidov A.A. Fors tilida so'z yasalishi. – Toshkent, 2010. – 132 b.
14. Алимова Х. З. Форс, дарий ва тожик тилларининг шаклланиш босқичлари: умумийлик ва фарқлар (*фонетик таҳлил*) //Шарқшунослик. – Т.: ТошДШИ, 2008. – № 1-2, –В. 28-34.
15. Алимова Х.З. Дарий тилида соматизмларнинг структур ва семантик таснифи: Филол. фан. ном... дисс. – Тошкент, 2005. –114 б.
16. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
17. Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 64 б.
18. Курунбеков А. Классик форс тили ҳамда ҳозирги давр форс, дарий ва тожик тиллари фонемалар тизимининг қиёсий таҳлили//Шарқ классик филологияси. – Тошкент: ТошДШИ, 2009. – Б. 11-20.
19. Курунбеков А. Форс тилидаги фонетик ўзгаришлар сабаби//Шарқшунослик. – Тошкент: ТошДШИ, 2011.– № 1. – Б. 3-9.
20. Мирзахмедова Х. В. Форс тилида транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясалиш усуллари: Фил. фан. док. (PhD)... дисс. – Тошкент, 2017. – 152 б.
21. Миртожиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тўшкент: ЎзМУ, 2000. – 148 б.

22. Нишанбаева А.И. Форс тилида янги шаклланаётган исмий полуаффикслар//Шарқшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент: 2009, – № 2, –Б. 2-9.
23. Нурмахова Ж. Қ. Қарақалпақ тилиндеги социалық - экономикалық терминлер. -Некис, 1998. – 167 б.
24. Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – 187 б.
25. Ҳожиев А. Термин ясаш мезонлари. –Тошкент, 1996. –114 б.
26. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент, 2002. – 165 б.
27. Юлдашев И. Ж. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёти ва тартибга солиш: Фил. фан. док... дисс. – Тошкент, 2005. – 324 б.

Рус тилидаги адабиётлар

28. Абдуллаева Ч.С. Русско-узбекские параллели в современной экономической терминологии. Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 2000. – 147 с.
29. Акбарипур А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 176 с.
30. Акинин Ю. В. Детерминологизация английской экономической терминологии. Дисс... канд. филол. наук. – Самара, 2010. – 138 с.
31. Алексеева Л. М. Проблемы термина и терминообразования: Учеб. пособие по спецкурсу. – Пермь: Перм. ун-т, 1998. – 217 с.
32. Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка. АКД. – Москва, 1985. – 116 с.
33. Алиреза А. Терминологическое строительство в Иране. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2006. – 144 с.

34. Арсениевич Я. Современная экономическая терминология в СМИ. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2013. – 153 с.
35. Барисова Ю. М. Перевод социально-экономической терминологической лексики якутского языка: терминографический аспект. Дисс... канд. филол. наук. – Якутск, 2013. – 149 с.
36. Барышников А.Ф. Лексикология и фразеология персидского языка. – Москва: Издательство Военного Краснознаменного института, 1982. – 186 с.
37. Валиева З. А. Сопоставительный анализ финансово-банковских терминов в таджикском и английском языках. Дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2009. – 148 с.
38. Гаприндашвили Ш.Г., Гиунашвили Ж.Ш. Фонетика персидского языка. – Тбилиси, 1964. – 174 с.
39. Джураев Т. К. Отраслевая техническая терминология современного таджикского языка (в сопоставлении с русским, персидским и дари). Дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2010. – 162 с.
40. Зарипова А. Н. Экономическая терминология в немецком, русском и татарском языках. Дисс... канд. филол. наук. – Казань, 2004. – 145 с.
41. Кинчина Е. В. Когнитивные аспекты экономических терминов. Дисс... канд. филол. наук. – Краснодар, 1999. – 136 с.
42. Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – Москва: Наука, 1985. – 128 с.
43. Кубрякова Е.С. Теория номинации и словообразование // Языковая номинация (Виды наименований). – Москва: Наука, 1977. – С. 222-303.
44. Куранбеков А. Проблемы формирования научно-научно-технической терминологии в современном персидском языке//Вопросы филологии. – Москва, 2003. – № 2 (14). – С. 16-18.
45. Лингвистический аспект стандартизации терминологии. – Москва: Наука, 1993. – 211 с.

46. Лотте Д. С. Вопросы заимствования и упорядочения иноязычных терминов и терминоэлементов. – Москва: Наука, 1982. – 298 с.
47. Мухамедова Н.А. Теоретическая грамматика персидского языка. – Тошкент: ТашГИВ, 1994. – 182 с.
48. Наджафов Г. Г. Проблемы терминологии современного персидского языка. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1976. – 137 с.
49. Нурматова С. Х. Истоки формирования и функционирование астроавиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков. Дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 2000. – 163 с.
50. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – Москва: Наука, 1972. – 566 б.
51. Оранский И.М. Введение в иранскую филологию. Изд. 2-е, дополненное. – Москва: Наука, 1988. – 390 б.
52. Основосложение и полуаффиксация в научном стиле и литературной норме: Сб. науч. тр. – Владивосток: ДВНЦ АН СССР, 1982. – 150 б.
53. Основы иранского языкознания. Новоиранские языки: западная группа, прикаспийские языки. – Москва: Наука, 1982. – 386 с.
54. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. (Отв. ред. В.С.Расторгуева) – Москва: Наука, 1981. – 544 б.
55. Пейсиков Л.С. Вопросы синтаксиса персидского языка. – Москва, 1959. – 411 с.
56. Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка, – Москва: Изд-во МГУ, 1975. – 206 с.
57. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка, – Москва: Изд-во МГУ, 1973. – 210 с.
58. Пейсиков Л.С. Тегеранский диалект. – Москва, 1960. – 198 с.
59. Пейсиков Л.С. Транспозиция как способ словообразования в иранских языках. – Москва: ЛГУ, 1964. – 114 с.

60. Поляков К.И. Персидская фонетика. Опыт системного исследования. – Москва, 1988. – 188 с.
61. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – Москва, 2001. – 600 с.
62. Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – Москва: Наука, 1981. – 276 б
63. Содеги М.Ш. Структурно-семантический анализ банковских терминов в персидском языке (с ориентацией на эквивалентные термины в английском языке. Дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2014. – 165 с.
64. Сотова О. М. Основные структурно-семантические особенности терминообразования в современном персидском языке. Дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2008. – 203 с.
65. Султонов М. Б. Становление и развитие персидско-таджикской научной терминологии: на материале научного наследия IX-XI вв. – Душанбе, 2009. – 214 с.
66. Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология. Вопросы теории. – Москва: Наука, 1989. – 314 с.
67. Татаринов В.А. Общее терминоведение. Энциклопедический словарь. – Москва: Московский Лицей, 2006. – 456 с.
68. Уралов Х. У. Научно-техническая терминология современного языка дари. – Ташкент: Фан, 1990. – 102 с.
69. Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981. – 374 с.
70. Шанский Н.М. Основы словообразовательного анализа. – Москва, 1953. – 315 с.

Инглиз тилидаги адабиётлар

71. Kramsky I. Phonological Analysis of Persian Monosyllables. – Archiv Orientalni. Praha, 1947, – № 16. – 136 p.

72. Lambton A.K.S. Persian Grammar. – Cambridge, 1953. – 217 p.

Форс, дарий, тожик тилларидағи адабиётлар

73. Bāteniy M. R. Tousif-e sāxtemān-e dastur-e zābān-e fārsi. – Tehrān, 1383. – 212 s.
74. Mohammad Tayi Bahār Malek-ol šoarā. Sabkšenāsi. – Tehrān, 1370. – 448 s.
75. Xānlariy P.N. Dastur-e zabān-e fārsi. Čāp-e (nohom) davāz dahom. – Tehrān, 1370. – 367 s.
76. Xānlariy P.N. Dastur-e tārīxi-ye zābān-e fārsi. – Tehrān, 1373. – 279 s.
77. Neghat Saidi M. N. Dastur zabān-e mo'âser-e dari. – Kâbul, 1969. – 253 p.
78. Хаскашев Т.Н. Фонетикаи забони адабии тоҷикӣ. – Душанбе: Маориф, 1989. – 198 с.

V. Манбалар

79. Yowsiy M.Â. “Qâmus-e eqtesâd (englêsi-dari). -Kâbol, 2010. – 683 s.
80. Ҳабибов С.Ҳ., Фақеров Ҳ.Н., Ҷамшедовлар М.Ҕ. Луғати истилоҳоти иқтисодӣ (русӣ-тоҷикӣ). – Душанбе, 2010. – 324 с.
81. Кор Оглы Х.Г. Персидско-русский и русско-персидский общеэкономический и внешнеэкономический словарь. - Москва, 1957. – 527 с.
82. Рубинчик Ю. А. Персидско-русский словарь. – Москва: Рус.яз., 1985. – 1664 с.
83. Киселева Л.Н., Миколайчик В.И. Дари-русский словарь. – Москва: Рус.яз., 1986. – 744 с.
84. Лебедев К. А., Яцевич Л. С., Конаровский М. А. Русско-пушту-дари словарь. – Москва: Рус.яз., 1983. – 768 с.
85. Словарь международной банковской терминологии / М. Оймаҳмадов, Ш. Раҳимов, Г. Раҳматова. – Душанбе, 1999. – 116 с.

86. Словарь банковской терминологии (персидско-таджикско-английский) / Мухаммад Содики. – Душанбе: Эр-граф, 2013. – 181 с.
87. Hasan Kiyānuš. Vāže hā-ye barābar-e farhangestān-e Irān. - Tehrān, 2002. – 284 s.
88. Vāže hā-ye mosavveb-e farhangestān-e zabān va adab-e fārsi. Tehrān, 1997. – 278 s.
89. فرهنگ فارسی. ح. عمید. تهران 2010.
90. راسترو، محمد، ۲۰۰۱، فرهنگ بازرگانی(انگلیسی-فارسی)، انتشارات امیر کبیر، چاپ دوم.
91. راسترو، محمد، ۱۹۹۷، فرهنگ صادرات و واردات (فارسی- انگلیسی)، نشر هزار پیشه، چاپ دوم.
92. ساغروانیان، جلیل، ۱۹۹۰، فرهنگ اصطلاحات زبانشناسی: موضوعی- توصیفی، مشهدناما.
93. صادقی یارندی-سیف الله، طارم سری-مسعود، ۲۰۰۶، فرهنگ توصیفی اصطلاحات تجارت بین الملل و سازمان جهانی تجارت "WTO" چاپ و نشر بازرگانی، چاپ اول.
94. گلریز، حسن، ۲۰۱۱، فرهنگ توصیفی اصطلاحات پول بانکداری و مالیه‌ی بین المللی (انگلیسی-فارسی)، فرهنگ معاصر، چاپ چهارم.
95. گلریز، حسن، ۱۹۹۱، واژه‌هاو اصطلاحات مهم در تجارت بین المللی به ۶ زبان، فرهنگ معاصر، چاپ سوم.
96. معنوی، غلامحسین، ۱۹۷۱، فرهنگ اصطلاحات بانکی، انتشارات مؤسسه‌ی علوم بانکی.

VI. Даврий нашрлар

97. جهان اقتصاد. (روزنامه صبح). - نخستین روزنامه اقتصادی ایران.
98. عصر اقتصاد. (روزنامه صبح).
99. جمهوری اسلامی. (روزنامه صبح).
100. ابرار اقتصادی. (روزنامه صبح).
101. ایران. (روزنامه صبح).
102. اطلاعات. (روزنامه صبح).
103. توسعه. (روزنامه صبح).
104. همشهری. (روزنامه صبح).
105. هموطن سلام. (روزنامه صبح).

- . مردم سalarى. (روزنامه صبح). 106
- . صنعت. (روزنامه صبح). 107
- . قدس. (روزنامه صبح). 108
- . تهران امروز. (روزنامه صبح). 109
- . هشت صبح. (روزنامه صبح). 110
- . دنياي اقتصاد. (روزنامه صبح). 111

VII. Интернет сайtlари

112. cheloveknauka.com (Россия Федерациясида химоя қилинган диссертациялар авторефератларининг расмий сайти)
113. www.economicaffairs.ir (Эрон Ислом Республикаси иқтисодий ишлар вазирлигининг расмий сайти)
114. www.irna.ir (Эрон Ислом Республикасининг расмий ахборотлар сайти)
115. www.hamshahrionline.ir (Эрондаги “Hamšahri” газетасининг расмий сайти)
116. www.nbt.tj (Тожикистон Республикаси миллий банкининг расмий сайти)
117. www.sputnik-tj.com (Тожикистон Республикасининг расмий ахборотлар сайти).
118. www.kabulnews.af (Афғонистон Ислом Республикасининг расмий ахборотлар сайти).